

525  
160


# ИНСОН БАХТ УЧУН ТУФИЛАДИ



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

# **ИНСОН БАХТ УЧУН ТУФИЛАДИ**

**Ўзбекистон Президенти  
Ислом Каримовнинг ҳикматли  
сўзларидан**



**«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ – 2001**

*Тузувчи ва нашрга тайёрлосчилар:*

**Д. ФАНИЕВ**

**З. ФАФУРОВ**

**И60**

**Инсон баҳт учун туғилади: Ўзбекистон Президенти  
Ислом Каримовнинг ҳикматли сўзларидан (Тузувчи-  
лар: Д.Фаниев, З.Фафуров.—Т.: «Шарқ», 2001.—128 б.**

**I. Фаниев Д., тузувчи.**

**ББК 94.8**

© «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси  
Бош таҳтирияти, 2001 йил.

## ЮЗ ЙИЛДА БИР ТУГИЛАР САРДОР

Хотам дунё ҳимматлари бор,  
Ҳикмати бор ҳар бир тухфасин.  
Юз йилда бир туғилса сардор,  
Парвардигор ўзи асрасин!...

Бешикда тинч ухлар гўдак жон.  
Кулгусига садақа бу жон.  
Миллат учун ким бўлса қалқон,  
Парвардигор ўзи асрасин.

Ёмон кўздан сақласин зинҳор,  
Камолингни кўролмаслар бор.  
Кимки карвон бошидаги нор —  
Парвардигор ўзи асрасин.

Дунёга боқ, хаёл етмаган,  
Бурчаги йўқ олов кетмаган.  
Осмони тинч, осуда Ватан?..  
Парвардигор ўзи асрасин.

Бошин силаб ёшу каттасин,  
Чинордайин шоху һавдасин,  
Асрагувчи Темурзодасин,  
Парвардигор ўзи асрасин.

Кенгашганга дунё кенг, ахир,  
Биринг ёқа, биринг енг ахир.  
Қавмим кел, деб ким очса бағир,  
Парвардигор ўзи асрасин.

Юртим, ёд эт наҳору шомин,  
Тилингда шу бўлсин қаломинг.  
Ким тикласа дини исломинг,  
Парвардигор ўзи асрасин.

Жонингни тут, жони фидога,  
Айтганинг бор экан худога.  
Ўзбекистон, кўл оч дуога —  
Парвардигор ўзи асрасин!..

*Муҳаммад Юсуф*

## ҲУРМАТЛИ ЎҚУВЧИ!

Мустақиллик Ватанимиз тарихида буюк ўзгаришлар даврини бошлаб берди, миллион-миллион кишиларнинг ўз куч-кудратига ишончини уйғотди, халқ ташаббусига йўл очди. Истиқол инсонда яшириниб ётган ижодий фикр ва туйфуларни рӯёбга чиқариш имконини берадиган ижтимоий тартибни ўрнатди. Мустақиллик туфайли тақдиримизни, келажагимизни ўз қўлимизга олдик. Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган, жаҳон ҳамжамияти тан олган, ўзимизга хос ва мос йўлдан юксак мэрралар сари собит қадамлар билан олга бормоқдамиз. Буларнинг ҳаммасига юртбошимиз раҳнамолигида эришмоқдамиз.

Кўлингиздаги бу мўъжаз китобда Ислом Каримовнинг узоқ йиллик ҳаёт тажрибасига асосланган, унинг барча аччиқ-чучугини ўз бошидан кечирган, Ватан, миллат, халқ, оила, ёшлиар ва ҳар бир инсоннинг бутунги куни ва келажаги устида тинмай ўйлаш ва меҳнат қилиш натижасида юзага келган, жўшқин ва пок қалбнинг ҳарорати билан сугорилган, олам-олам маъноларни ўзида мужассамлантирган фикр-ўйтлари тўпланган.

Булар одамлар учун сув-ҳаводек зарур бўлган дурдона фикрлардир. Уларни ўқиш ва ўрганиш давомида ҳар бир инсон ўз ҳаётида учраб турадиган мураккаб саволларга жавоб топади, маънавий дунёси бойийди ва чуқурлашади. Юртбошимизнинг бу теран тафаккур самараси ҳеч қачон ўз қиммати ва долзарблигини йўқотмайди, зоро, уларда мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, адолатли, демократик ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, юксак маънавий-маданий тамойилларни қарор топтириш, миллий истиқол фояси ва мағкурасини халқимиз онгига шакллантириш, Ўзбекистонни жаҳоннинг энг илғор мамлакатларидан бирига айлантириш, унинг жаҳон ҳамжамиятидаги муносиб ўринини таъминлаш каби буюк мақсадлар ўз аксини топган.

Президентимиз Ислом Каримовнинг мазкур китобга кирган пурхикмат фикрларини чуқур ўрганиб, уларни ҳаётта татбиқ этишда шундай меҳнат қиласлилар, келгусида фарзандларимиз, бизнинг ота-оналаримиз ўз даврига муносиб яшаган эканлар деб, биздан фаҳрлансинлар.

С. С. ГУЛОМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта маҳсус таълим вазири,  
академик

## СЎЗ БОШИ

Шундай ажойиб асарлар бўладики, уларни кенг жамоатчилик, эл-юрг юксак даражада эъзозлайди, катта завқ-шавқ ва меҳр-муҳаббат билан ўқиб-ўрганади. Минг-минглаб пок ниятли одамлар ўзларининг назарий билимларини бойитиш ва чукурлаштириш, мамлакатимиз ва жаҳон миқёсида рўй берган ва бераётган ҳодиса ва жараёнлар мөҳияти, жамиятнинг ривожланиш қонунлари, ҳозирги даврнинг асосий муаммолари ва ўзига хос ҳусусиятлари нимадан иборатлигини, қолаверса, бу дунёга келиб ўзларини қандай инсоний мақсадларга бахшида этишларини тўғри тушуниб, илмий-фалсафий мушоҳдалаш учун бундай асарлардан баҳраманд бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, академик Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисад, сиёsat, мафкура», «Биздан озод ва обод Ватан қолсин», «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир», «Бунёдкорлик йўлидан», «Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан», «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари», «Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби», «Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори», «Тарихий хотирасиз келажак йўқ», «Жамиятимиз мафкураси ҳалқни — ҳалқ, миллатни — миллат қилишга хизмат этсин», «Хушёрликка даъват», «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда», «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда», «Ватан озодлиги — олий саодат», «Биз келажагимизни ўз кўлими билан курамиз», «Миллий истиқлол мафкураси — ҳалқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончидир» номли асарлари, бошқа барча китоб ва рисолалари ана шундай бебаҳо асарлар сирасига киради.

Ислом Каримов асарларининг эл-юрг назарига тушиб, катта эътиборга сазовор бўлиши, қисқа вақт ичida кўплаб хорижий тилларга таржима қилиниб, жаҳон афкор оммаси маънавий ҳазинасининг бебаҳо дурдонасига айланиб қолиши бежиз эмас.

Президент асарларида XXI аср бўсағасида Ўзбекистон тарихида туб бурилиш ясаган буюк воқеа — муста-

ҚИЛЛИК, унинг кўлга киритилиши тарихи, ривожланиш қонуниятлари, демократик ислоҳотларни чукурлаштиришнинг зарурияти ва моҳияти, жамиятимиз тараққиётida таълим-тарбия, маданият, маънавият, маърифат, қонун устуворлиги ҳамда баркамол авлодни вояга етказиш каби долзарб масалалар кенг ва атрофлича ёритилган. Уларда мустақил Ўзбекистоннинг қисқагина давр ичидан мазмунан ўн йилларга, балким асрларга тенг келадиган тарихий ютуқларига баҳо берилган, тарихий тараққиёт йўлими чукур таҳлил этилган. Ўзбекистонни келажакда буюк давлатта айлантиришнинг асосий шартшароитлари ва имкониятлари, стратегик тамойиллари, устувор йўналишлари белгилаб берилган.

Ислом Каримов асарлари келажакни олдиндан кўришга ёрдам беради, кишиларда порлоқ истиқбол ҳақида катта ишонч, орзу-умид туғдиради. Улар кишиларни Ватанимиз ва халқимиз баҳт-саодати йўлида тинмай меҳнат қилишга, моддий ва маънавий бойликлар яратишга, демократик ислоҳотларни чукурлаштиришга, илм-фан асосларини, замонавий техника ва технология, электроника, радио ва кибернетикани, бир неча хорижий тилларни мукаммал ўрганишга, улдабурон ва ишбилармон, фидойи ва маънавий баркамол инсонлар бўлишга даъват этади.

Президент асарларининг ҳар бир сўзи ва назарий қоидаси инсонпарварлик, халқпарварлик, миллатпарварлик, ватанпарварлик руҳи ва фоялари билан суғорилгандир. Номлари зикр этиб ўтилган асарларда кишиларга ҳаёт сабоқларидан таълим-тарбия, фалсафий-назарий йўл-йўриқлар берадиган ва тўғри йўл кўрсатадиган чукур маъноли илму ҳикматлар беададдир.

Юргашимиз асарлари ҳаёт, ақл-идрок ва тафаккур хазиналариридир.

Ислом Каримов асарларида Ватанимиз тараққиёти ҳамда истиқболи асосчиси бўлган инсон энг олий қадрият сифатида эъзозланган.

Муаллиф асарларидаги улкан илмий-фалсафий фояларни чукур ўзлаштириб, амалиётда уларга асослануб фаолият кўрсатадиган одам ҳаётда ҳеч қачон қоқилмайди, тўғри йўл турганда эгри йўлга кирмайди, фирмомлик ва фирибгарлик кўчасидан ўтмайди, ҳалол меҳнат қилиб пок яшайди, миллий урф-одатларимизни, одоб-ахлоқ қоидаларимиз ва Қонун ҳазрати олийларини улуғлаб, уларни муқаддас билиб ҳаётини беғубор ўтказади.

Президент асарлари, нутқлари ва маърузаларидаги ҳикматли сўзларнинг ҳар бири заминида олам-олам маъно яширилган. Қисқагина сўз орқали жуда катта илмий-фалсафий маънони бериш Ислом Каримов ва унинг асарларига хос фазилатдир.

Ислом Каримов асарларидаги илмий-фалсафий гоялар моҳиятини ёритиш, ҳикматли сўзларнинг ҳаммасини тўла-тўқис тўплаш, таълим-тарбиявий аҳамиятини илмий асосслаб кенг жамоатчиликка етказиш ўта мураккаб ва масъулиятли ишдир. Бизнинг фикримизча, бунинг учун кўпчилик олимларнинг илмий ҳамкорлиги, узоқ самарали, масъулиятли ижодий фаолияти лозим бўлади.

Президентимиз асарларидан бизлар тўплаган мазкур ҳикматли сўзлар уларнинг ҳаммаси эмас, денгиздан бир томчигина холос. Ҳали бу ҳақда неча-неча китоблар ёзилади, ҳикматларнинг янги-янги қирралари очилади, улардан ўқув, таълим-тарбия жараёнида фойдаланишнинг илмий-услубий йўл-йўриқлари баён этилган китоблар дунёга келади. Буларнинг ҳаммаси олдимиизда турган улкан режалардир.

Ҳикматли сўзлар даврий саналар тартибида эмас, балки мазмун-маъносига қараб шартли равища кичик-кичик мавзучаларга ажратилган тарзда берилди.

Президентимизнинг бирон-бир масалага тааллуқли бўлган фикр-мулоҳазалари ва йўл-йўриқларининг мазмун-моҳиятига ҳалал етказиб қўймаслик ва уларни кенг илмий жамоатчилик томонидан ўқиб-ўрганиб олишда нокулайлик туғилмаслиги учун тўпланган ҳикматли сўзлардан баъзилари қисқартирилмасдан тўлалигича берилди.

Ушбу китобча 1998 йилда чоп этилган «Инсон баҳт учун туғилади» номли рисоланинг тўлдирилган, бойитилган иккинчи нашридир.

## **ВАТАН САЖДАГОҲ КАБИ МУҚАДДАСДИР**

Ўзбекистон — муқаддас Ватан. Ота-боболаримиз ҳоки ётган ер, ўзимиз ётадиган ер. Фарзандларимизни шу заминга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбларида шу муборак заминнинг ҳар бир қаричига меҳру муҳаббат уйғотиш — бугунги куннинг энг устувор фазилатларидан бирига айланайтгани ҳаммамизни қувонтиради.

\* \* \*

Ватан ҳисси, Ватан туйғуси барча нарсадан қадрлироқдир. Биз фарзандларимиз онгига ва қалбига ана шу туйғуни сингдиришимиз лозим.

\* \* \*

... Ватанга муҳаббат ҳисси одамнинг қалбида табиий равищда туғилади. Яъни, иносон ўзлигини аяглағани, насл-насабини билғани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб, юксала боради. Бу илдиз қанча чукур бўлса, туғилиб ўстган юртга муҳаббат ҳам шу қадар чексиз бўлади.

\* \* \*

Ватанини Ватан қилиш туйғуси, масъулияти, тақдир тақозоси билан ўзбек халқининг ҳозирги авлоди зими масиға тушди.

\* \* \*

Энг гўзал ва дилбар қўшиқлар ҳам Ватан ҳақидаги қўшиқлардир. Бундай жозибадор қўшиқлар эл-элатларни бирлаштиради, уларни тинч-тотув ва осойишта яшашга, Ватанини ҳар жиҳатдан юксалтиришга, кўз қорачигидай авайлаб-асрашга ва кўксини қалқон қилиб ҳимоя қилишга даъват этади.

\* \* \*

Бизда она заминга меҳр алоҳида эътиқод даражасига кўтарилган. Бу тупроқдан ҳеч ким ўз ихтиёри билан бош олиб кетган эмас. Кетишга мажбур этилганлари ҳам, мана, бугун қайтиб келишяпти.

\* \* \*

Ўзбек ўтирган жойини совутгиси келмайди. Бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юришга хуши йўқ.

\* \* \*

Шу тупроқда туғилиб, шу юртга меҳнати сингтан ҳар бир инсон — агар у бизнинг Ватанимизни, тупроғимизни худди биз каби муқаддас билса — Ўзбекистон фуқароси деб саналишга лойик.

\* \* \*

Авлодларга биз озод ва обод Ватан қолдирайлик.

\* \* \*

Ватаним деб, элим деб, бугунги озод Ўзбекистон учун ҳаётини-жонини фидо қилишганларни ёд этиш, улуғ аждодларимизнинг руҳларини шод қилишни инсоний бурчимиз деб биламан.

\* \* \*

Юртимизни ёмон қўздан, бало-қазодан асрасин.

\* \* \*

Ватан озодлиги ва фаровон ҳаёт — ҳар бир инсоннинг олий мақсади.

\* \* \*

Истиқболдаги Ўзбекистон Ватан озодлиги насиб этмаган боболаримизга улуғ ҳайкал бўлажак. Ўзбекистоннинг шуҳратига шуҳрат кўшувчи фарзандларимизга муқаддас бешик бўлажак.

\* \* \*

Бу тупроқда улуғ бобокалонларимиз ҳоки ётибди. Шу заминда ўтганлар ва шу заминни кўмсаб, унга етолмаганлар руҳи-покларига бош эгамиз.

\* \* \*

Ватан кўнглимида бўлса, Аллоҳ ишимизга мададкор бўлгай!

\* \* \*

Элни Ватан манфаати бирлаштиради.

\* \* \*

Ватан, эл манфаати — муқаддасдир.

\* \* \*

“Бу азиз Ватан — барчамизники. Унинг баҳт-саодати, ёруғ истиқболи, фаровон келажаги учун яшаш, курашиш, керак бўлса жонни фидо қилиш шу муқад-

дас заминда яшаётган ҳар бир инсон учун баҳтдир”, деган лавҳаларни кўзга тушадиган жойларга катта ҳарфлар билан ёзиб кўйган бўлардим.

\* \* \*

**Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир.**

\* \* \*

Чиндан ҳам Ватан туйгуси, Ватан тушунчаси саждагоҳдай муқаддас, саждагоҳдай пок ва улуғ бўлмоғи керак.

\* \* \*

**Юртига, Ватанига мұхаббат, инсонпарварлик туйулари халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган азалий хусусиятдир.**

\* \* \*

Улуғ аждодларимиздан муқаддас мерос бўлиб келаётган Ватанга мұхаббат туйгуси, фарзандларимиз, бугунги ва келажак авлодларимиз учун чинакам эътиқодга, чинакам ақидага айлансин.

\* \* \*

**Ватан ҳисси, Ватан туйгуси барча нарсадан қадрлироқдир.**

\* \* \*

Замонлар ўтаверади, даврлар ўзгараверади, аммо Ватан абадийдир. Ватанини сёвиш, суюб ардоқлаш, бор вужудинг билан жўшиб куйлаш ёнг олий баҳтдир.

\* \* \*

Ватан — бу аввало, ота-она, туғилган ер, севикли ёр, дўст-биродар деганидир. Шу кутлуғ тушунчалар бирлашиб Ватан туйгусини ҳосил қиласди. Аскар Ватанини ҳимоя қилас экан, биринчи навбатда ўз ота-онаси, киндик қони тўкилган тупроғи, дилбар ёру қадрдонларини кўз олдига келтиради. Ватани асл фарзандларгина ҳимоя қила олади.

\* \* \*

**Максадимиз — Ватанимиз озод, юртимиз обод, келажагимиз фаровон бўлсин.**

\* \* \*

Ватанимиз, халқимиз ўз посбонларига ишонади... Токи, сарҳадларимиздан бирон зор ўта олмасин, ҳар хил қўпорувчилик ишларни қилолмасин, ҳеч ким халқимизнинг тинчлигини бузолмасин.

\* \* \*

Ватаним нима берди деб эмас, балки мен Ватанимга нима бера олдим, унинг тинчлиги, фаровонлиги, келажаги йўлида нима иш қилдим, дея яшаш керак.

\* \* \*

Биз муқаддас заминда яшаяпмиз. Бу азиз тупроқда не-не улуг аждодларимизнинг, пиру авлиёларимизнинг ҳоки бор. Уларнинг руҳи бошимизда чарх уриб кезмоқда. Уларнинг армонларини амалга оширишга, келгуси авлодга ўзимиздан ибратли ва хайрли ишларни мерос қолдиришга қарор қилганмиз. Энди бу йўлда ҳаммамиз бирлашиб ҳаракат қилмоғимиз, бир ёқадан бош чиқариб, умумий хонадонимиз — Ўзбекистон келажаги учун курашмоғимиз лозим.

\* \* \*

Миллий истиқолимизнинг оташин курашчиларидан бири Абдурауф Фитрат бир шеърида «Ватан — саждагоҳимдир» деган фикрни баён қиласди.

Чиндан ҳам ватан туйғуси, ватан тушунчаси биз учун саждагоҳдай муқаддас, саждогоҳдай пок ва улуг бўлмоғи керак.

\* \* \*

Боқимандалик одамларни ялқов қилиб қўяди, уларда ташаббусни сўндиради. Токи, юртимиз гўзал, файзли, эркин ва адолатли юрт бўлсин. Токи биздан элга фойдали ёдгорликлар қолсин, боф-роғлар қолсин, қалбни поклайдиган ибратли сўзлар қолсин. Токи, биздан олис авлодларга озод ва обод ватан қолсин!

\* \* \*

Жаҳон — кенг, дунёда мамлакат — кўп, лекин бу оламда она юртимиз, Ўзбекистонимиз яккаю ягона. Бу гўзал юрт, бу муқаддас замин фақат бизга ато этилган. Мана шу улуг туйғу ҳар биримизнинг дилимизга жо бўлиши, ҳаётимиз мазмунига айланиши лозим.

\* \* \*

Қадим Хоразм диёрида азал-азалдан илму-фан, санъат ва хунар равнақ топиб, гуллаб-яшнаган. Юртимиздаги дастлабки Байтулҳикмат — академиялар, хусусан, Маъмун академияси ҳам айнан шу ерда вужудга келганини доимо фахру фуур билан эслаймиз. Бу ўлкадан етишиб чиқкан Муҳаммад Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Берунийдек даҳо аждодларимиз жаҳон цивилизациясига бекиёс ҳисса қўшиб, ўз ақл-заковати, ўз салоҳияти билан элу юртимизнинг халқимизнинг номини

оламга тарапнум этдилар. Бу кўхна заминда не-не буюк инсонлар, не-не аллома-ю шоирлар, азиз-авлиёлар ўтган.

\* \* \*

Хива — гўзал диёримизнинг гавҳари, халқимиз санъати ва бунёдкорлиги тимсоли, маданий ва маънавий анъаналаримизнинг абадийлигини ўзида мужассам этган бир мўъжизадир.

\* \* \*

Хива — бизнинг жонли тарихимиз, бу дунёга келиб кетган қанча-қанча салтанатлар гувоҳи, юртимизнинг, халқимизнинг, миллатимизнинг мислсиз ўтмишидан, ота-боболаримизнинг даҳосидан, маънавий мулкимизнинг буюк иқтидори ва қудратидан далолатдир.

\* \* \*

Хоразм ва Хива тарихи халқимизнинг ёзув, илм-фан, санъат, маданият ва маънавият соҳаларидағи юқалиш босқичларини ўзида мужассам этади.

\* \* \*

Бухоро ўлкамизнинг минг йиллар давомида жаҳон тафаккури, маънавий, маданий ва диний қадриятлари тараққиётiga улкан ҳисса кўшиб келаётган, шарифлик номига сазовор бўлган муқаддас жойларидан биридир.

\* \* \*

Бухоронинг ҳар бир қарич ери; ҳар бир тирихий ва маданий обидаси эл-юртимизнинг буюк иқтидори ва яратувчилик салоҳиятидан, юксак тараққиёти, илму маърифат, маънавият ва маданият, фалсафа ва дин равнақи йўлидан дарак беради.

## **МУСТАҚИЛЛИК – МУҚАДДАС НЕЙМАТ, УЛКАН МАСЬУЛИЯТ**

1991 йилнинг 31 августида Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги эълон қилинди... Бу тарихий воқеа давлатимиз йилномасига зарҳал ҳарфлар билан ёзиб кўйилади.

\* \* \*

Мустақиллик бизни мустабид ва мафкуралашган тузум кишсанларидан озод қилди, ўзбек халқига ўз юртида бошини баланд кўтариб юриш, ўз маданияти ва анъаналарини, қадр-қиммати, дини ва эътиқодини, она тили ва маънавиятини қайта тиклаш имконини берди.

\* \* \*

Мустақиллик улкан табиий, минерал-хомашё, инсоний, ишлаб чықариш ва интеллектуал ресурслари миздан ҳамда юртимиз салохиятидан, энг аввало, ўз халқымиз манбаатлари йўлида оқилона фойдаланишимизга шароит яратди.

\* \* \*

Бизга берилган имконият юз йилда бир марта келиши мумкин. Асосий масала шундан иборатки, мустақилликни сақлаб қолишимиз, уни келажак авлодларга омон етказишимиз, қадрини тўғри тушунишимиз лозим.

\* \* \*

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини кўлга киритганлиги ва у халқаро миқёсда тан олинганлиги шуни билдирадики, бундан буён республика мустақил ички ва ташкиси ёсатни олиб боради, ҳеч кимнинг воситачилигисиз ўзаро манбаатли муносабатларни ўрнатади.

\* \* \*

Бизнинг мустақил давлатимиз бирон бир буюк давлатнинг таъсир доирасига тушиб қолиш ниятида эмас. Ўзбекистон яна кимгадир бўйсуниш учун мустақил бўлгани йўқ.

\* \* \*

Истиқлолга эришган халқ ўзгаларга зуғум қўлмайди.

\* \* \*

Мустақиллик дегани шуки, бизлар, асрлар оша бирорвларнинг оғзига қараб яшаган халқ, ниҳоят, ўз тақдиримизни, ҳаётимизни, келажагимизни ўз қўлимизга олдик. Энг муқаддас вазифа — шу буюк неъматни қўлдан бермаслик.

\* \* \*

Мустақиллик — улкан масъулият.

\* \* \*

Истиқлол биз учун тараққиётнинг бутунлай янги, кенг уфқларини очди. Келажагимизни ўз қўлимиз билан яратадиган бўлдик. Ҳаётимиз ва яшаётган хонадонимизни милий манбаат ва қадриятларимизга, умумбашарият эътироф этган демократик мезонларга монан қилиб куришдек ноёб тарихий имкониятта эга бўлдик. Бу жуда катта бойлик.

\* \* \*

Эски тузум асборатидан батамом кутулишимиз керак. Янги даврға муносиб бўлиш, дадил ва тадбиркор бўлиш, боқимандалик балосидан, мутелик ва қарамлик кайфиятининг қолган-кутган сарқитларидан халос бўлишимизни ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда.

\* \* \*

Ўзбекистон фуқаролари ўзининг салоҳияти ва куч-кудратини англаб, истиқболига ишониб, Ҳумо қуши каби қанотларини кенг ёзиб, янги буюк парвозлар сари интилмоқда.

\* \* \*

Ўзбекистон ўз номи билан ўзбекларники. Асрлар мобайнида бошқаларга қарам бўлиб келган ўзбек халқининг иқтисодий ва маънавий равнақ топишини таъминлаш — мустақил Ўзбекистон Республикасининг олий бурчи.

\* \* \*

Ўзбекистон халқи ва давлатининг йўли битта — озодлик ва эркинлик, мустақиллик ва туб ислоҳотларни оғишмай амалга ошириш!

\* \* \*

Ҳаммангизга маълумки, мустақилликка эришиш, эркинлик ва озодлик йўли ҳеч қачон енгил бўлган эмас.

Барака топгурлар, биз бугунги ҳаётта эришгунча қанча-қанча пешона теримизни тўқдик, қанча-қанча синовлардан ўтдик, қанча-қанча оғир машаққатларга сабртоқат билан бардош бердик, қандай қийин кунларни бошимиздан қечирдик. 1990 йилларни эсланг, Фаргона фожиаси, Ўш, Ўзган воқеаларини яна бир бор кўз ўнгимизга келтиринг. Айтинглар, шулар ҳақида ўйламаслик — ҳозирги кунларнинг қадрига етмаслик эмасми?..

\* \* \*

... Ҳамма нарсани тушуниш, билиш учун яна бир бор ўзимизга қарашимиз, воқелигимизни танқидий кўз билан баҳолаб, ҳозирги ҳаётимизни қадрлаб олайпмизми, бугунги куннинг қадрига етяпмизми-йўқми, деган саволларга жавоб қайтаришимиз зарур.

\* \* \*

Озод бўлсанг — озод бўл! Эркин бўлсанг — эркин бўл! Мустақил бўлсанг — мустақил бўл! Ҳақиқий мустақил бўл! Мустақиллигимиз йўлида мен жонимни ҳам фидо қилишга тайёрман.

\* \* \*

Иймоним комилки, етти йил мобайнида ортимизда мана шундай азму қарор билан яшайдиган бутун бир авлод етишиб чиқди. Шундай экан, бизнинг маслагимизни, формизни енга оладиган куч йўқ.

\* \* \*

Бизни танлаган йўлимидан ҳеч ким, ҳеч қачон қайтаролмайди.

\* \* \*

Ўзбекистоннинг битта йўли бор: мустақилликни мустаҳкамлаб, истиқтолни мустаҳкамлаб олға юриш.

\* \* \*

Ўзбекистон ҳалқи ўз кўлига кишан урдириб, алдаб-сулдаб, онгини бузиб, эски охурга қайтадан ипсиз боғлаб қўйилишига ҳеч қачон ва ҳеч қандай йўл билан розилик бермайди. Бу—аниқ гап.

\* \* \*

Кўхна тарих учун олти йил шу қадар қисқа муддатки, уни баҳорда осмонда чақмоқ чақнаган лаҳзага қиёслаш мумкин. Аммо шу вақт ичидан биз бошқа шароитда ўнлаб йиллар талаб қилинадиган катта йўлни босиб ўтдик, десам муболага бўлмайди.

\* \* \*

Сиёсатимизнинг асосий мақсади — дунёга эшик очиш, жаҳон майдонига, тараққий этган давлатлар қаторига сабитқадамлик билан кириб боришидир.

\* \* \*

Ҳар қайси давлат, жамият ўз келажагини кураётгандан, ўз олдига қўйган юксак мэрраларга кўтарилишда ҳал қилувчи, муҳим босқичлардан, иқтисодиётда туб бурилиш ясайдиган поғоналардан ўтиши табиийdir.

\* \* \*

Бошқаларга ўхшаб енгил йўлни қидирмадик. Қандай оғир бўлмасин, узокни кўзлаб, келажаги буюк давлатимизнинг пойдеворини яратиш учун тараққий топган, обрўли мамлакат, жаҳонда машҳур фирма, компаниилар ва ишбилармонлар билан мустаҳкам, манфаатли алоқа боғладик, ўзгалар ҳавас қиласидиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар барпо этишга киришдик.

\* \* \*

Ўз истиқтол ва тараққиёт йўлими — бу гул билан қопланган йўл эмас, бу — тоталитаризм меросидан

халос бўлиш ва покланиш, мафкуравийлик иллати етказган зиён-заҳматларни бартараф этишнинг қийин, узоқ давом Этадиган йўлидир.

\* \* \*

Энг муҳими, одамлар хукумат танлаган йўлнинг тўғри ва ҳаққоний эканига тўла ишонч ҳосил қилдилар. Бу бизнинг энг катта ютуғимиздир. Йиккинчидан, одамлар тафаккурида ўзгариш юз бермоқда. Бу тарақ-қиётишимиз гарови, катта имкониятдир. Энди ҳамма гап ана шу имкониятдан мөҳирлик билан оқилона фойдаланишда қолган.

\* \* \*

Давлатимиз, жамиятимиз мустақиллик шароитида олиб бораётган сиёсатининг энг биринчи мақсади, ҳалқимиз учун, юртимизда яшаётган ҳар қайси оила, ҳар қайси инсон учун муносиб ҳаёт шароитини барпо этиш, тинч, осуда ва фаровон ҳаётимизни мустаҳкамлашдир.

\* \* \*

Мустақиллик бизга нима беришини билардик. Ўз тақдиримиз, одамларимиз келажагини ўзимиз ҳал этиш имконига эга бўлдик. Ўз еримиз, бойликларимизга соҳиблик қила бошладик. Қисқа вақт ичиди мустақилликнинг неъматларини татиб кўрдик.

\* \* \*

Мустақиллик туфайли дунёга, жаҳонга чиқдик, қарийб юз йиллардан бери ёпиб кўйилган чегаралар очилди, ватандошларимиз билан юз кўришдик.

Қисқа қилиб айтганда, жаҳон жамоаси Ўзбекистонни, бизнинг ватанимизни кучоқ очиб қабул қилди.

Дунё ҳаритасида энди катта ҳарфлар билан «Ўзбекистон» деб ёзиб кўйиладиган бўлди.

\* \* \*

Бугун шуни комил ишонч билан айтишим мумкинки, мустақил давлатлар даврасида Ўзбекистон ўзининг ўрнини эгаллади. Ўзбекистон тенглараро тенг бўлди! Ана шунинг ўзи ҳам умид юлдузидир.

\* \* \*

Дунё ищбилармонлари учун юртимизда шароит яратдик. Ўзбекистон ўзининг олтин ҳазинасига эга бўлди.

\* \* \*

Мустақиллик бу хукуқдир.

\* \* \*

Дунёга, жаҳонга чиқадиган йўлишимиз қанчалик яқин ва кенг бўлса, бугунги қийинчиликларимиз, ташвишларимиз шу қадар тез енгилади!

\* \* \*

Эски тузумлардан бизга нураб, вайрон бўлган бошқарув тизими мерос бўлиб қолди. Ана шу вайрона ўрнида ўзимизнинг бинони тезроқ тиклашимиз зарур.

\* \* \*

... Ҳеч бир мамлакатнинг иқтисодиёти, умуман ҳаёти ташки оламдан узилган ҳолда кечмайди.

\* \* \*

Илгари бирон бир муаммо туғилса, Москвада ҳал этиларди. Бугун эса, тақдиримиз ўз қўлимида, демакки, ҳар бир муаммонинг ечимини ҳам ўзимиз топишимиз керак.

\* \* \*

Озодлик, эркинлик шундай буюк неъматки, уни бирор ҳадя қилолмайди. Озодликка фақат курашиб эришилади.

\* \* \*

Бино тепасига ўз байробимизни тикиб, биз мустақилмиз, дейиш ўта соддаликдир. Сиёсий мустақиллик пухта ва мустаҳкам иқтисодий заминга эга бўлмаса, у ҳали тўла мустақиллик дегани эмас. Том маънода мустақил бўлиш учун давлатимизнинг иқтисодий пойдеворини мустаҳкамлашимиз зарур.

\* \* \*

Биз учун мустақиллик — энг аввало, ўз тақдиримизни қўлимида олиш, ўзлигимизни англаш, миллий қадриятларни, урф-одатларимизни тиклаш, ҳаммамиз учун мўътабар шу заминда, ҳар бир ҳонадонда тинчлик-осойишталикни, барқарорликни саклашдир. Азиз ватанимизда адолат, инсоф, дину диёнат, меҳру оқибатни қарор топтиришдир.

\* \* \*

Биз учун мустақиллик — Аллоҳнинг ўзи эл-юртимизга инъом этган табиий бойликларга эгалик қилиш, ҳалқимиз куррати, салоҳияти, ақлу заковатига таяниб, Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир оила

учун муносиб ҳаёт қуриш, келажак авлодлар учун озод ва обод ватан қолдиришидир.

\* \* \*

Биз учун истиқлол — миллатимиз, мамлакатимизнинг жаҳонда обрў-эътибори, шон-шавкатини кўтарилиган соғлом авлодни, ҳар жиҳатдан баркамол ва фидойи ўғил-қизларни тарбиялаш, уларни вояга етказиш ва баҳтини кўришидир. Ҳар бир фуқаромиз учун — миллати, ирқи ва диний эътиқодидан қатъи назар — эркинлик, тенглик, биродарлик, муносиб шароит яратиб беришидир.

\* \* \*

Биз учун истиқлол — давлатчилигимизни мустаҳкамлаш, буюк келажагимизнинг пойдеворини қуриш, миллий онгимиз ва тафаккуrimизни юксалтириш, жаҳон ҳамжамиятига муносиб ўрнимизни эгаллашдир.

\* \* \*

Мустақиллик бизни мустабид ва мафкуралашган тузум кишиларидан озод қилди, ўзбек халқига ўз юртида бошини баланд кўтариб юриш, ўз маданияти ва ань-аналарини, қадр-қўмматини, дини ва эътиқодини, она тили ва маънавиятини қайта тиклаш имкониятини берди.

\* \* \*

Мустақиллик ва суверенитет жаҳон ҳамжамиятига кириб боришимизга, барча давлатлар билан тенг хукукли ва ўзаро манфаатли муносабатлар ўрнатишимизга имконият яратди.

\* \* \*

Бир сўз билан айтганда, истиқлол биз учун тараққиётнинг бутунлай янги, кенг уғқларини очди. Ўз келажагимизни ўз кўлимиз билан яратадиган бўлдик. Ҳаётимиз ва умумий хонадонимизни миллий манфаат ва қадриятларимизга, умумътироф этилган демократик мезонларга монанд қилиб қуришдек ноёб тарихий имкониятга эга бўлдик. Бу жуда катта бойлик. Биз унинг қадрига етишимиз, кўз қорачигидек асрар авайлалимиз керак.

\* \* \*

Хозир бир кун — бир ойга, бир ой — бир йилга тенг тарихий даврни бошдан кечиряпмиз.

\* \* \*

Үтган беш йил тарих учун бир лаҳза бўлса-да, биз учун бутун бир давр ҳисобланади. Зоро, мана шу беш йил ичида биз бошқа мамлакатлар ўн-юз йиллар мобайнида ўтадиган йўлни босиб ўтдик.

\* \* \*

Мустақиллик йиллари ҳокимиятни тармоқларга ажратиш асосида миллтий давлатчилик пойдеворини барпо этиш борасида танимсиз меҳнат қилиш даври бўлди.

Эски маъмурий-буйруқбозлиқ тизими ҳамда унинг ҳокимият ва бошқарув органлари барҳам топди. Давлат ҳаётининг янги демократик, ҳуқуқий асослари яратилди.

\* \* \*

Бизнинг энг муқаддас ва шарафли вазифамиз — истиқтолимиз қадрига етиб, уни ҳамжиҳатлик билан, бор кучимиз ва иймонимиз билан сақлаб қолиш. Уни мустаҳкамлаб, бойитиб келажак авлодларга етказишимиз шарт.

\* \* \*

Истиқтол кунимизга етганлар бор, етмаганлар бор.

\* \* \*

Айтинглар, истиқтол ҳавосига, озодликка, эркинликка тўйиш мўмкинми ўзи?!

\* \* \*

... Мустақиллик нафақат ўзини эркин сезиш, ўз ҳаётини қуриш, балки ўз ҳаёт мамотини ҳал этишда катта ҳуқуқقا эгалик ҳам демакдир...

\* \* \*

... Мустақиллик биз учун буюк инъом, муқаддас неъматдир. Биз бу буюк байрамимиз, унда акс этадиган лавҳалар, янграйдиган қўшиқлар, ижро этиладиган рақслар орқали ана шу тушунчани одамлар онгига чукур сингдиришимиз лозим. Токи шу муқаддас заминда яшаетган ҳар бир инсон истиқтолнинг қадрини билсин. Уни катта бойлик, ўзлигини англаш, ўзини озод инсон деб ҳис этиши учун берилган бекиёс имконият деб қабул қилсин.

\* \* \*

Миллтий фурурни, миллтий тафаккурни уйғотадиган, ҳалқни — ҳалқ, миллатни — миллат қиласидиган мустақилликдир. Ислоҳотлар ана шу олий мақсадлар-

ни амалга ошириш воситасидир. У Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашининг асосий шарти ва омилидир.

\* \* \*

Токи, ҳар бир инсон мустақиллик менга нима берди, деб эмас, балки ўзига-ўзи мен мустақиллик йўлида, уни мустаҳкамлаш борасида мен нима иш қилдим, деган саволни берсин.

\* \* \*

Одатда, одам бир нарсани йўқотмаса, унинг қадрига етмайди. У, албатта йўқотган нарсаси учун азоб чекиши керак. Халқда мусоғир бўлмай, мусулмон бўлмас, деган мақол ҳам бежиз туғилмаган.

\* \* \*

Биз мустақиллик сўзини баъзан ҳар қадамда тақрорлайвериб, унинг салмоғини тушуриб борамиз. Ҳолбуки, мустақиллик осмондан тушмайди. У тинимсиз Кураш, курбонлар эвазига кўлга киритилади.

\* \* \*

... Озодлигимизни, истиқтолимизни кўролмайдиган, ҳали-ҳануз хом хаёлда юрган баъзи бир ғанимларимиз эшитсин, қулогига куйиб олсин: Оллоҳ назари тушган эл-юртимизнинг олдинга юришига, тараққий топган, тўқ, эркин яшайдиган мамлакатлар қаторида тинч-тотув ҳаёт кечиришига ҳеч ким ва ҳеч нарса тўсиқ бўлолмайди.

\* \* \*

Ҳар биримиз ватан менга нима берди, деб эмас, мен ўзим ҳалқим, ватаним учун, эл-юрт тараққиёти ва истиқболи учун нима қилмоқдаман, мустақиллигимизни мустаҳкам қилишга қандай ҳисса қўшмоқдаман, деган туйғу билан яшашга эришмоғимиз даркор.

\* \* \*

Одамларга мустақилликнинг афзаллигини, мустақил бўлмаган миллатнинг келажаги йўқлигини, бу табиий бир қонуният эканини исботлаб, тушунтириб бериш керак.

\* \* \*

Тарихни ортга қайтариб бўлмайди. Бу табиат ва жамият қонуни. Шундай экан, бу қонунларга хилоф иш туттан кишилар хато қиласиди. Халқимизнинг яқин ўтмишда чеккан заҳматларини била туриб, эски бўйун-

тириқни қайтадан бўйинга илиш соғлом ақлга зиддир. Елкамизни қайтадан оғир қилмайлик. Эркин ҳаёт учун бир жону бир тан бўлиб курашайлик.

\* \* \*

Тарихан умрини тутатган тузумга мотам тутиб ўтиришга бизнинг фурсатимиз ҳам, имкониятимиз ҳам йўқ. Шу иш билан машғул одамларга яна бир марта эслатиб қўймоқчиман: ортга йўл йўқ. Ортга қайтамиз, деб овора бўлманглар. Мабодо олға юришни истамас экансизлар, марҳамат, бошқаларни тинч қўйинглар, овора қилманглар. Ишимизга ҳалал берманглар.

\* \* \*

Биз учун Ватан битта! Мамлакат битта! Бизни битта манфаат бирлаштиради: мустақил Ўзбекистон манфаатлари! Ана шу буюк мақсад, олий манфаат йўлида бирлашиб курашишлимиз керак.

## ЖАҲОНГА БУЮК ДАҲОЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРГАН ОЛТИН БЕШИК

Ҳозир Ўзбекистон деб аталувчи ҳудуд, яъни бизнинг Ватанимиз нафакат Шарқ, балки умумжаҳон цивилизацияси бешликларидан бири бўлганини бугун жаҳон тан олмоқда. Бу қадимий ва табаррук тупроқдан буюк алломалар, фозилу фузалолар, олиму уламолар, сиёsatчилар, саркардалар етишиб чиқсан. Диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган, сайқал топган.

\* \* \*

Эрамизгача ва ундан кейин қурилган мураккаб сувиншоотлари, шу кунгача кўрку файзини, маҳобатини йўқотмаган осори атиқаларимиз қадим-қадимдан юртимида деҳқончилик, ҳунармандчилик маданияти, меъморчилик ва шаҳарсозлик санъати юксак бўлганидан далолат беради.

\* \* \*

Бешафқат давр синовларидан омон қолган, энг қадимги тошёузвлар, битиклардан тортиб, бугун кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган 20 мингдан ортиқ кўлёзма, уларда мужассамланган тарих, адабиёт, санъат, сиёsat, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, физика, кимё, астрономия, меъморчилик, деҳқончиликка оид, ўнминглаб асарлар бизнинг бекіес маъна-

вий бойлигимиз, ифтихоримиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлған халқ дунёда кам топилади. Шунинг учун ҳам бу борада жаҳоннинг саноқли мамлакатларигина биз билан беллаша олиши мумкин, деб дадил айта оламан.

\* \* \*

Энг мўътабар, қадимги қўлёзмамиз «Авесто»нинг яратилганига 3000 йил бўляпти. Бу нодир китоб бундан XXX аср муқаддам икки дарё оралиғида, мана шу заминда умргузаронлик қилган аждодларимизнинг биз авлодларга қолдирган маънавий, тарихий меросидир. «Авесто» айни замонда бу қадим ўлқада буюк давлат, буюк маънавият, буюк маданият бўлганидан гувоҳлик берувчи тарихий хужжатдирки, уни ҳеч ким инкор этолмайди.

\* \* \*

Марказий Осиё, айниқса Ўзбекистон ҳудудида неча минг йиллар давомида «Турон», «Туркистон», «Мовароунахр» номлари билан машҳур бўлган қудратли давлатлар, юксак маданият равнақ топиб келган эди.

\* \* \*

Айни бизнинг диёrimiz асрлар давомида Шарқ билан Фарб, Жануб билан Шимол ўртасида алоқа боғловчи кўпприк бўлиб келди. Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидан халқаро муносабатларнинг жўшқин қонтомири: иқтисодий алоқалар, ҳунармандчиллик, фан ва санъат ҳаракат қилиб турган Буюк ипак йўли ўтган эди.

\* \* \*

Сўғд, Хоразм, Бақтрия, Кушон, Парфия, Эфталитларнинг қадимий салтанатлари жаҳонда мутафаккирларни, олимлар ва шоирларни етказиб берган еримизнинг олтин бешигидир.

\* \* \*

Халқимизнинг маънавий пойдевори — бўлажак давлатимизнинг таянчлари жуда қадимий ва мустаҳкам. Буни ҳеч ким инкор қила олмайди. Тарихимиз нечача минг йилликларга бориб тақалади. Гапнинг индаллосини айтишимиз керак: айрим одамлар ҳали лунги тутиб юрган давларда бизнинг ота-боболаримиз юлдузлар жадвалини тузганлар!

\* \* \*

Халқимизни тарихи ўз илдизлари билан асрлар қъериға бориб тақалади ва уч минг йилдан кўпроқ даврни ўз ичига олади. Қадимий Турон, Мовароунахр,

Туркистон худудида равнақ топган давлатлар жаҳон маданиятини ривожлантиришда ёрқин из қолдирган.

\* \* \*

Марказий Осиё тарихида сиёсий ақл идрок билан маънавий жасоратни, диний дунёқараш билан қомусий билимдонликни ўзида мужассам этган буюк арбоблар кўп бўлган.

\* \* \*

Имом Бухорий, Имом Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳмад Яссавий, Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳиридин Бобур ва бошқа кўплаб буюк аждодларимиз миллий маданиятимизни ривожлантиришга улкан ҳисса кўшдилар, ҳалқимизнинг миллий ифтихори бўлиб қолдилар. Уларнинг номлари, жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшган буюк ҳиссалари ҳозирги кунда бутун дунёга маълум.

\* \* \*

Биз Шарқ цивилизацияси ва маданиятига мансублигимиз билан фахранамиз. Шарқ цивилизацияси ва маданияти эса доимо ҳалқни бўлғуси ўзгаришларга маънавий ва руҳий жиҳатдан тайёрлашга интилиб келган.

\* \* \*

Ўзбек ҳалқининг бутун маданий дунёда маълум ва машҳур бўлган Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳиридин Муҳаммад Бобур, Имом ал-Бухорий, ат-Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳмад Яссавий каби буюк аждодлари ижодий мероси ва ҳаёти жасоратини ҳурмат билан эсга олиш жамият турмушидаги одат ва миллий шон-шарафлар манбаи бўлиб қолди.

\* \* \*

Бугун ҳаётимизда эришилган энг катта ютуғимиз, янгиланишнинг энг ёрқин намунаси — бу жамиятимизнинг мафкурасида, кенг омма дунёқарашида, юртимизда яшаётган барча инсонларнинг онгу шуурида, тафаккурида содир бўлаётган ижобий силжишлар, ўзгаришлардир.

\* \* \*

Бизнинг келажаги буюк давлатимиз — Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Бухорий, Имом Термизий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур сингари мутафаккир аждодларимизнинг доно фикрларига уйғун ҳолда шаклланиши лозим.

\* \* \*

Мирзо Улугбек ўз умрини келажак учун, бугунги ҳаёт учун фидо этди. Ўша узоқ замонларда башарият тараққиётини ўйлаб яшади, ўз авлодлари асрлар оша тартиб этажак маърифатли бир жамиятни орзу қилди. Ҳар қандай миллат ҳам Улугбекдек фарзандни тарбия этгани учун фуурланиши табиий ҳолдир. Чунки бундай инсонлар факат ўз халқига эмас, балки умумбашарий цивилизация учун ҳам хизмат қиласи ва жаҳоннинг эътиборини қозонади.

\* \* \*

Амир Темур шахсини идрок этиши — тарихни идрок этиши демакдир.

Амир Темурни англаш — ўзлигимизни англаш демакдир.

Амир Темурни улуглаш — тарих қаърига чукур илдиз отган томирларимизга, маданиятимизга, қадриятимизга асосланиб, буюк келажагимизга ишончимизни мустаҳкамлани демакдир.

\* \* \*

Муҳаммад Тарагай Баҳодир ўғли Амир Темур ёшлик чоғидан мард, довюрак, фуурли, ўткир зеҳн ва ақлу идрок эгаси бўлиб ўсади. Турли дунёвий илмларни, ҳарбий санъатни эгаллади. Куръони Каримни ёд олди, Ҳадис илмини ўрганди. Иймон-эътиқодли, ҳалол-пок инсон бўлиб етишди.

\* \* \*

Амир Темур давлати курилиши, ҳарбий санъати кўп асрлар давомида Шарқу Farb давлатларига ўрнак ва андоза бўлди. Унинг замонида маданият, илму фан, меъморчилик, тасвирий санъат, мусика, шеърият бекиёс ривож топди, халқимизнинг кўп анъаналари тақомилга етди. Амир Темурнинг маданият ва дин аҳлларига кўргазган чексиз меҳр-муруввати айниқса ибратлидир.

\* \* \*

Инсоф-иймон туйғуси, диёнат мезони Амир Темур ҳаётининг мазмунини ташкил этади. Оламнинг қарийб ярмига жаҳонгир эрсада, у куч-кудрат зўрлик, зўровонликда эмас, аксинча, аддолатда эканини теран англади.

\* \* \*

Бугун бунёд этилган улуг бобоколонимиз ҳайкалида теран рамз бор — гүё жаҳонгир тулпорининг жило-

вини тортиб турибди, қиличсиз қўлини олдинга чўзиб, жаҳон халқларига омонлик соғинмокда, «Куч—адолатдадир!» демоқда.

\* \* \*

Яна таъкидлаб айтаман: юртимизга Амир Темур бош бўлган йилларда сиёсий, иқтисодий, маданий соҳаларда кўлга киритилган ютуқлар бўм-бўш, ҳувулаган жойда юзага келмаган. Балки шу маконда қадимдан ривожланиб, шаклланиб келган тарихий-маданий анъ-аналар асосида қарор топган.

\* \* \*

... Амир Темур ўзбек халқининг кўп минг йиллик тарихий равнақида тасодифий шахс, умуман темурийлар давридаги юксалиш эса шунчаки бехосдан юз бериб қолган ҳодиса эмас! У бир неча минг йиллик тарихий тажриба, буюк анъана, том маънода шаклланган маданий-маънавий жараён маҳсулидир!

\* \* \*

Биз Амир Темур тарихини ҳар томонлама чукур ўрганишимиз ва тадқиқ қилишимиз керак.

\* \* \*

... Амир Темурга нисбатан тарихий адолатни қарор топтириш бугунги темуршуносликнинг муҳим вазифаларидан биридир.

\* \* \*

... Амир Темур, аввало, қудратли давлат курган. Давлат қудратли бўлмаса, бетакрор маънавий мерос ҳам, обидалар ҳам, тарихий ёдгорликлар ҳам бўлмасди.

\* \* \*

Ўзбекистоннинг бугунги озодлигини мустаҳкамлаш даврида Амир Темур биз учун буюк давлат асосчиси сифатида қадрлидир. У давлат пойдеворини курган, давлатнинг ҳукуқий асосларини барпо этган. Унинг давлатчилик борасидаги фикрлари нафақат ўз даври, балки келгуси авлодлар учун ҳам катта аҳамият касб этади.

\* \* \*

Амир Темур ўз давлатини ақл-заковат ва ҳукуқий асос билан идора этган, десак адолатдан бўлади.

Унинг «Давлат ишларининг тўқиз улушкини кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улушкини қилич билан амалга оширдим» деган сўzlари бунинг ёрқин далилидир.

\* \* \*

... Соҳибқироннинг бунёдкорлик соҳасидаги тарихий хизматлари ундан ҳам бекиёс. Амир Темур ва унинг авлодлари саъй-ҳаракатлари билан курилган мадрасалар, масжидлар, хонақоҳлар, саройлар, бозорлар, кўпприклар, йўллар, ҳаммомлар, каналлар, қалъалар ва бошқа қатор иморату иншоотларнинг сон-саноғи йўқ.

\* \* \*

Тарих бу кўхна дунёда ўтган кўп жаҳонгириларни билади. Уларнинг аксарияти фақат бузган. Амир Темурнинг улардан фарқи шундаки, у умр бўйи бунёдкорлик билан машғул бўлган.

\* \* \*

Қайси бир шаҳарга ташриф буюрмасин, Амир Темур энг аввало ўша ерлик олиму фозиллар билан учрашар, улар билан суҳбат қуарар, турли мавзуларда баҳслашар эди.

\* \* \*

Амир Темур ўз миллати ва эл-юртидининг тақдири ҳақида кўп ўйлаган. У қўйган ҳар бир қадам нафақат ўша давр учун, балки келажак сари хизмат қилган.

\* \* \*

Тарихда ҳукмдорлар кўп ўтган. Уларнинг аксарияти ўз маишати ва айшу ишратидан нарига ўтмаганлиги маълум. Уларни бугун бирор эсламайди ҳам. Бироқ миллат ғамида ёнган, унинг истиқболи ва истиқтоли йўлида фидокорлик кўрсатиб яшаган арбобни келажак ва тарих ҳеч қачон унутмайди. Амир Темур ана шундай тарихий ва унутилмас шахсdir.

\* \* \*

... Амир Темур бир ҳақиқатни яхши англаған — жамият эътиқодсиз яшай олмайди. Одамларга дин керак, имон керак, ишонч керак.

\* \* \*

... Бизнинг тарихимизда Амир Темурдай улуг сиймо бор экан, унинг қолдирган мероси, панду ўйтлари бугунги ҳётимизга ҳамоҳанг экан, олдимида турган бугунги муаммоларни ечишда бизга кўл келаётган экан, бизнинг бу меросни ўрганмасдан, таърифламасдан, тарғибот қилмасдан ҳаққимиз йўқ.

\* \* \*

Халқимиз тарихида инсоний камолоти ва ижтимоий фаолияти билан довруг қозонган, миллатимиз фах-

ри бўлмиш улуг зотлар бениҳоя кўп. Аммо улар қато-рида юлдузлар аро қуёшдай чараклаб турган бир буюк зот борки, у Ватанимиз кечмиши, бугуни ва эртаси учун беҳад юксак ўрин тутади.

Ул муҳтарам инсон соҳибқирон Амир Темур ҳаз-ратларидир.

\* \* \*

Буюк шахсларни тарих яратади, дейдилар. Бунга қўшимча қилиб соҳибқирон бобомизнинг суронли ҳаётини хаёл кўзгусидан ўтказиб, буюк шахсларни миллат қайғуси, халқ дарди яратади, дейиш мумкин.

Умрининг мазмунини «Миллатнинг дардларига дармон бўлишдан иборат» деб билган Амир Темур халқимизнинг ана шундай ардоқли, улуг фарзандидир.

\* \* \*

... Тарихда машхур жаҳонгиrlар кўп ўтган. Лекин айтинг, дунёning қайси ерида, қайси замонда Амир Темурдек буюк саркарда, Амир Темурдек буюк давлат арбоби, Амир Темурдек илм-фан, маънавият ва руҳоният ҳомийси бўлган?!

\* \* \*

Амир Темур — халқимиз даҳосининг тимсоли, маънавий кудратимиз рамзиидир.

\* \* \*

Адолат кучда эмас, куч адолатдадир, деган шиор Амир Темур салтанатининг барча ҳудудларида бирдай амал қилиб, ахлоқий маънавий мезонга айланди.

\* \* \*

Амир Темур — нафақат Турон, Туркистон, Ўзбекистон заминининг, балки инсониятнинг энг улуг даҳоларидан биридир.

\* \* \*

Кимки ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-кудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига кўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслали керак.

\* \* \*

Ҳамиша эл ғамини, юрг ғамини ўйлаб яшаган соҳибқирон ёвлар оёғи остида тонталган ўлкани дунёning энг кудратли салтанатига айлантирган эди.

\* \* \*

**Бу дунёда ҳалқимиз, миллатимиз, Ўзбекистонимиз бор экан, Амир Темур номи барҳаёт!**

\* \* \*

Адолатсизлик қурбони бўлган ватандошларимизнинг пок номларини тиклаш борасида ҳали анча-мунча ишлар қилишимиз керак. Уларнинг хурматини жойига кўйиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз деб ўйлайман.

## **ЎЗБЕК ҲАЛҚИННИГ АСОСИЙ ХИСЛАТ ВА ФАЗИЛАТЛАРИ ҲАҚИДА**

**Ўзбек ҳалқи азалдан жамоа туйғусига мойил.**

\* \* \*

**Ўзбекчилик — миллатчилик дегани эмас.**

\* \* \*

Ўз тарихи ва аждодларини сийлаган ҳалқнинг келажаги, албатта порлоқ бўлади.

\* \* \*

Ҳалқнинг сабр-тоқати чексиз эмас. У денгизга ўхшайди: гоҳ тўлиб, гоҳ озайиб туради.

\* \* \*

Бизнинг энг катта бойлигимиз — тикланиш, ислоҳотлар ва янгиланишлар йўлидан дадил бораётган оқкўнгил, меҳнаткаш, меҳмондўст ва мағрур ҳалқимиздир.

\* \* \*

Охир-оқибатда бизнинг барча ишларимизга ҳақиқий баҳо берадиган одил ҳакам, бу — ҳалқ, шу азиз юртдошларимиздир.

\* \* \*

Ҳар бир миллат, ҳар бир ҳалқ ўз насл-насабини, келажак авлодини асраб-авайлаб, унинг қадрини билса, ундай миллатнинг, ундай давлатнинг келажаги буюк бўлиши муқаррар.

\* \* \*

Ҳалқнинг теран маънавиятисиз, фурурисиз, юксак маданиятисиз буюк давлат куриб бўлмайди.

\* \* \*

Миллатимиз, айниқса, фарзандларимизнинг кўнгли очик, содда, ишонувчан, андишли экани ҳаммага маъ-

лум. Уларнинг қалбидагаттага ҳурмат, муқаддас динимизга интилиш туйғуси кучли. Чунки, мўмин-мусулмон халқимизнинг тарбиясига, дунёқарашига Аллоҳ на зари тушган юртимиизда ўтган кўплаб азиз-авлиёлар, уларнинг табаррук қадамжолари ҳам ўз таъсирини ўтказиб келади.

\* \* \*

Халқимизнинг яна бир фазилати шуки, бизда илм ва маърифатга интилиш, устозларга эҳтиром, меҳнат-севарлик туйғулари бениҳоя юксак.

\* \* \*

Катталарни ҳурмат қилиш, оила ва фарзандлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, очик кўнгиллилик, миллатидан қатъи назар одамларга хайриҳоҳлик билан муносабатда бўлиш, ўзгалар қулфатига ҳамдард бўлиш ва ўзаро ёрдам туйғуси кишилар ўртасидаги муносабатларнинг меъёри ҳисобланади.

\* \* \*

Биз беозор ва мўмин халқимиз. Яшаган ҳар бир кунимиз учун Аллоҳга шукурлар қилишга, келажакка ёруғ умидлар билан боқишига одатланганмиз. Бу яхши. Аммо ... биз бугун ҳам яхши яшашимиз керак. Болаларимиз эса биздан ҳам фаровонроқ ҳаёт кечиришлари шарт.

\* \* \*

Ўзбекларнинг аксарияти ўзининг шахсий фаровонлиги тўғрисида эмас, балки оиласининг, қариндошур углари ва яқин одамларининг, қўшниларининг омон-эсонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишни биринчи ўринга қўяди. Бу эса энг олий даражада маънавий қадрият, инсон қалбининг гавҳаридир.

\* \* \*

Халқимиз факат жисман эмас, руҳан ҳам уйғоқ бўлмоғи даркор. Руҳ бедорлигига унинг раҳбар-раҳнамолари, олиму зиёлилари, барча фарзандлари масъулдир.

\* \* \*

Миллатимиз чуқур илдизга эга. Бу бизнинг бойлигимиз.

\* \* \*

Ўзбекистонга, унинг ери, табиатига, бу ерда яшаётган халқларига муҳаббат, ўлканинг тарихи, маданияти,

анъаналарини теран билиб олишга интилиш, республиканинг қудрати ва ютуқларидан фахрланиш, ҳалқимиз қисматига тушган қийинчиликлар учун қайғуриш кўп миллатли ўзбек жамиятининг муҳим жипслаштирувчи асоси ҳисобланади.

\* \* \*

Ўз ўтмишини улуғлайдиган, бугунини эъзозлайдиган миллатнинг эртанги куни ҳамиша порлоқ бўлади.

\* \* \*

Халқимиз ҳеч қачон ўзини бошқа халқдан устун қўймаган. Бошқа миллатларга, бошқа мазҳаб вакилларига муносиб даражада эҳтиром кўрсатган.

\* \* \*

Ўзбекистон фуқаросининг ватанпарварлиги — бу қайта ўзгаришлар йўлини кўрсатувчи, қўзланган мақсаддан четта чиқмайдиган йўлчи юлдуз, ишончли компасдир.

\* \* \*

Ўзбекчиликда маҳалла бўлиб, жамоа бўлиб яшашнинг неча минг йиллик тарихи бор. Биз бу анъаналарни янги мазмун билан бойитмоқдамиз.

\* \* \*

Биз тарих майдонида куни кеча пайдо бўлган миллат эмасмиз. Аксинча, ўрга асрлардаёқ жаҳон цивилизациясига унугилмас ҳисса қўшган ва тафаккур осмонида юлдуздай порлаб турган буюк алломаларнинг ворисларимиз. Бинобарин, биз ана шу улуғ аждодларимизнинг шаъну шавкатига, ақлу заковатига, уларнинг ҳаётбахш, қутлуг меросига ҳамиша муносиб бўлмоғимиз ёрак. Фикрда, илму ижодда, дунёни идрок қилишда, Ватанини иймон билан севишида мумтоз боболаримиз анъаналарини мардона давом эттиришимиз, улар етолмаган тараққиёт чўққиларини эгаллашимиз даркор.

\* \* \*

Халқимизда қуда бўлишдан, яхши ният билан нон синдиришдан олдин куёв бўлмишнинг армияга борган-бормаганлигини суриштириш одати бор. Бу бежиз эмас, албатта. Биринчидан, армия сафида хизмат қилиш шон-шараф иши бўлса, иккинчидан соғломлик, етуклик тимсолидир.

\* \* \*

Инсоннинг мардлик, жасурлик фазилатлари айнан армия шароитида камол топади. Ҳатто бежирим

КИЙИМНИНГ ЎЗИЁҚ одамга куч-қудрат, фуур бахш эта-ди.

\* \* \*

Халқимизда доно бир нақл бор: “Ота рози — худо рози, она рози — пайғамбар рози”. Бизни дунёга келтирган азиз инсонларни қанчалик улуғласак, бу ҳам яраттанимизнинг назарига тушади ва, шубҳасиз, фарзандларимизнинг меҳр-оқибати сифатида яна ўзимизга қайтади.

\* \* \*

Бизда азалдан ота-онага ҳурмат, эҳтиром кўрсатиш қарор топган. Ҳар бир фарзанд ўз ота-онаси билан фахрланиши лозим. Ота-она ҳам фарзандлар ифтихор қилишига лойиқ кишилар бўлиши тақозо этилади. Чукур ўйлаб қаралса, Шарқ фалсафасининг мазмуни ҳам шундан иборат.

\* \* \*

Халқимизга хос вазминлик, сиполик, камтарлик фазилатлари инсонни улуғлайди.

\* \* \*

Севимли халқ ёзувчимиз Саид Аҳмад акамизнинг иборасини ишлатиб айтсак, «Ўзбек халқи шундай табиатта эгаки, унинг меҳр дарёсидан бир қатра сув ичган одам бу халққа бир умр муҳаббат кўяди. Бизнинг заминимиз шундай муқаддас заминки, бу тупроқ тафтидан баҳраманд бўлган киши бир умр ўзини қарздор сезади, унга садоқатли бўлиш бурчини ҳис қиласди» деб ёзганлар.

\* \* \*

Халқимизнинг табиати шундайки, уйида бир қопярим қоп ун, озгина ёғ, шакар, чой заҳираси бўлмаса, ўзини хотиржам сезмайди.

\* \* \*

Ўзбекнинг феъли барчага аён. У ерни, табиатни севади. Дўпписида сув ташиб бўлса ҳам дараҳт кўкартиради.

\* \* \*

Ўзбек том маънода бунёдкордир. Унга бирорнинг ери керак эмас. Мабодо қўлига қурол олгудай бўлса, факат ўзини ҳимоя қилиши учунгина олади.

\* \* \*

Бизнинг аждодларимиз, халқимиз қадим-қадимдан ўтрок яшаган, миллатимизнинг илиги ўтрок маданият шароитида қотган.

Халқимиздаги «илиги тўқ, бақувват» деган тушунча, мён, ҳатто, қонуният деган бўлардим, бежиз пайдо бўлмаган.

Ўзбек халқининг илиги тўқ, бақувват демоқчиман. Яна тилимизда «тагли-тугли», «палаги тоза» деган иборалар ҳам бор. Бир жойда муқим яшаган, ўз турмуш тарзига, ахлоқ-одоб мезонларига, ақидалари ва тафаккур тарзига эга бўлган хонадонларга нисбатан айтилади.

\* \* \*

Бир сўз билан айтганда, кўчманчилар, босқинчилар келиб кетаверади, лекин халқ боқий қолади, унинг маданияти абадий яшайди.

\* \* \*

Ўзбек халқи — улуф халқ. Ўзбек халқининг бисоти ҳам катта. Биз нафақат ўзимизни, бошқаларни ҳам боқишга қурбимиз етади. Бошқаларга ёрдам беришга, бошқалар билан тенгма-тенг ҳамкорлик қилишга қодирмиз.

\* \* \*

Маънавий мустақиллик ва ўзига беклилк, эзгулик, қалб сахиyllиги ва бағрикенглик халқимизга хос хусусиятдир. Бу гўзал фазилатлар янги иқтисодий ва турмуш шароитларида синовдан ўтди.

\* \* \*

Халқимизнинг энг яхши хислатлари, ўз ерига, юртига меҳр-муҳаббати, ватанпарварлиги маънавий бирликни мустаҳкамлайди.

\* \* \*

Юксак маънавийлик ва ижтимоий адолатни нозик ҳис этиш, маърифатли ва маълумотли бўлишга интилиш халқимизга хос хусусиятдир. Бу хусусиятлар кўп жиҳатдан Шарқ фалсафаси, ислом фалсафаси тъсирида шаклланган бўлиб, уларни ривожлантиришга ўзбек халқи бебаҳо ҳисса кўшганлигини ҳамма эътироф этади.

\* \* \*

Адолатга интилиш — халқимиз маънавий-руҳий дунёсига хос энг муҳим хусусият.

\* \* \*

Хотин-қызларга муносабат жамиятимизнинг маънавий, ахлоқий етуклигининг ўлчови бўлиб хизмат қилиши керак.

\* \* \*

Онани эъзозлаш — биз миллатимиз, ҳалқимиз учун олий қадрият даражасига кўтарилган фазилат. Чунки аёлларни қанча улуғласак, ҳаётимизнинг чирғи, умримизнинг гули деб эъзозласак, демакки, оиласизни, Ватанимизни эъзозлаган бўламиз.

\* \* \*

Ўзбек ҳалқи келажакка ишонч билан қарайди... Улуғ келажак — олдинда.

\* \* \*

Ўзбеклар диёрига, ўз Ватанига меҳр-муҳаббат, меҳнатсеварлик, билимга, устозларга, маърифатпарварларга нисбатан алоҳида ҳурмат-эҳтиром — Ўзбекистон аҳолисига хос фазилатдир.

\* \* \*

Бугун биз эркинлик ҳавосидан нафас олиб яшаётган, ўз қадр-қиматини, инсоний шаънини, не-не улуғ зотларнинг ворислари эканини, ўзлигини англаган, миллий фуур ва ифтихорини тиклаган, жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаб, XXI асрга дадил қадам кўяётган буюк ҳалқмиз.

\* \* \*

Ота-боболаримизнинг ҳаётбахш ўгитлари, умумбашарий андозалар, юксак маънавий рух асосида бирлашган, янги эзгу мақсадларга интилган, ўз кучи ва салоҳиятига ишониб, аниқ ва равшан ислоҳотлар йўлидан бораётган ҳалқмиз.

\* \* \*

Илгари ўзбекни фақат пахтакор, чорвадор, чўпон, сувчи деб ҳақоратомуз гапириш урф бўлган эди. Бу ҳол ҳозир ҳам учрайди. Бундай йўл тутишдан мақсад ўзбеклардан фақат ишчи кучи сифатида фойдаланиши эди. Ваҳоланки, ўзбеклар орасида дунёга машҳур олимлар, адиблар, санъаткорлар етишиб чиққанини ҳамма билади.

\* \* \*

Табиат ато этган олий моҳиятта қўра, биз — ўзбеклар ҳаётимизнинг, умримизнинг мазмунини фарзанд-

сиз тасаввур этолмайдиган халқмиз. Дунёга келиб мұнисиб фарзанд күриш, иморат қуриш, ниҳол әкиб бое яратиши — ота-боболаримиздан бизга мерос бўлиб қолған эзгу тилак ва кутлуг инсоний бурчдир.

\* \* \*

Аждодларимиз ўз наслларини умумбащарий туйфулар, ўлмас Шарқ фалсафаси, миллий қадриятларимиз руҳида тарбия қилиб келгандар.

\* \* \*

Бизниң миллий хусусиятларимиз умуминсоний қадриятлар билан боғланиб кетган. Асрлар давомида халқимиз умуминсоний қадриятлар такомилица улкан ҳисса қўшган. Турли миллият вакилларига ҳурмат, улар билан баҳамжихат яшаш, диний бағрикенглик, дунёвий билимларга интилиш, ўзга халқларниң илфор тажрибалири ва маданиятини ўрганиш каби хусусиятлар ҳам халқимизда азалдан мужассам.

\* \* \*

Шу билан бирга, миллий табиатимизга хос бўлган меҳр-оқибат, муруват, андиша, ор-номус, шарму ҳаё, ибо-иффат каби бетакрор фазилатлар ва халқимизни кўп жиҳатдан ажратиб турадиган бағрикенглик, меҳмондўстлик, оққўнгиллилик хусусиятлари ҳақида ҳам узоқ гапириш мумкин.

\* \* \*

Одамзод дунёда жуда кўп касбу ҳунарнинг эгаси бўлиши мумкин. Курувчи, деҳқон, боғбон, шоир, олим бўлиб ном қозониш, мол-мулк, бойлик орттириш мумкин. Лекин Аллоҳ таоло инсонга ато этган энг катта бойлик, энг улуғ бурч борки, уни дунёдаги ҳеч бир нарса билан қиёслаб бўлмайди. Бу — фарзанд кўриб, ота бўлиш, она бўлиш баҳтидир. Бу фақатгина баҳту саодат эмас, балки Яратганнинг олдида, элу юрт олдида жуда катта масъулият ҳам демакдир.

\* \* \*

Барчангиз яхши биласизки, келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, баркамол наслни тарбиялаб етиширишга интилиш бизниң миллий хусусиятларимиздир.

\* \* \*

Халқнинг шуурида ҳамиша, ҳар қандай шароитда ҳам буюк орзулар, эзгу ниятлар, келажакка, ёруғ кун-

ларга ишонч яшаб келади. Ана шу ишонч бўлмаса мазлум халқларнинг озодлик ва мустақиллик сари интилиши ва охир-оқибатда юксак тараққиётга эришиши мутлақо имконсиз бўларди.

\* \* \*

Халқ — ўзининг минг йиллик анъана ва тажрибалири, сўнмас хотираси ва буюк туйгулари билан яшаб келаётган қудратли куч. Ёлғонга, алдовга дуч келган пайтда унинг асрий қадриятлари, доимо уйғоқ виждани тилга киради, ноҳақликка, қабиҳликка қарши курашга даъват этади.

\* \* \*

Ўзингиз ўйланг, ўз тарихининг энг мураккаб даврларида ҳам, истибдод чангалида қолған кунларида ҳам соҳта гапларга ишонмаган, оёғида кишан бўлса-да, олға қараб интилган халқимиз энди — эркинлигини қўлга кириттан, ўзлигини англаб етган бир замонда аллақандай кимсаларга эргашиб яна жаҳолат ва қуллик тузоғига қайтадими?

\* \* \*

... Менинг бир нарсадан кўнглим тўқ: халқимиз тарихининг катта-кичик синовларидан ҳамиша мардана ўтиб келган, ғаламис кимсаларнинг макру ҳийлаларига учмаган.

\* \* \*

Чунки халқ — бамисоли улуғ ва шарафли йўлдан илгарилааб бораётган улуғ карвон. Уни йўлдан чалғитишга уринувчилар, пайт пойлаб орқасидан ҳамла қилувчилар ҳамиша бўлган, бундан кейин ҳам бўлиши мумкин. Карвон бехатар бўлмас, деган гап бежиз айтилмаган. Аммо халқ карвонини ҳеч қандай куч ортга қайтаролмайди.

## **БУНЁДҚОРЛИК — ФАРОВОН ҲАЁТ АСОСИ. САХИЙ ЗАМИН, САҲОВАТЛИ ОДАМЛАР**

Бунёдкорлик — фаровон ҳаёт асоси.

\* \* \*

Танқид тараққиёт омилларидан биридир.

\* \* \*

Пухта ва аниқ режа бўлса иш юритиш осонлашади.

\* \* \*

Юксак малакали мутахассислар — тараққиёт омили.

\* \* \*

Бизнинг йўлимиз — холисона йўл. Ўз кучимизга ишониб, ўз бойлигимиз ва имкониятларимиз билан, минг йиллик маданиятимиз ва тарихимизга, ўтган буюк алломаларимизнинг руҳи покларига таяниб иш юритмоқдамиз.

\* \* \*

Ислоҳотларнинг самараси бевосита дунёқарашимизнинг нечоғлик шакллангани ва тафаккуримизнинг нақадар кеңг эканига, эски тизимдан қолган боқимандалик кайфиятидан қанчалик тезроқ озод бўлишга боғлиқ бўлиб турибди.

\* \* \*

Имкони бўлса эди, биз Ўзбекистоннинг меҳнаткан инсонлари ўстидан зар сочган бўлардик.

\* \* \*

Янги уй курмай туриб, эскисини бузманг.

\* \* \*

Эзгу орзуларимизни амалга ошириш, ёрқин келаҗагимизни бунёд этиш, дунёда “Биз — ўзбеклармиз”, дея мағрур юришимиз учун энг аввало нима керак? Миллий фуур керак... Фуурли халқни эса ҳеч қачон тиз чўқтириб бўлмайди. Биз Амир Темур сиймосида ана шу фуур чашмасини кўрамиз.

\* \* \*

Оилада тўкинлик бўлмаса, ё давлат, ё корхона, ёхуд ишловчининг ўзи айбордордир.

\* \* \*

Деҳқончилик — сув билан тирик.

\* \* \*

Баҳорнинг бир куни — йилга татийди.

\* \* \*

Агар биз ерни ҳосил беришини хоҳласак, уни асраб-авайлашимиз шарт. Ерни қанча эзозласанг, у сенга шунча кўп ризку насиба бераверади.

\* \* \*

Ерга қанчалик меҳрли, саҳоватли бўлсак, ер ҳам бизга шунчалик саҳоват кўрсатади.

\* \* \*

Ўта ўқимишли, руҳан бардам ва жисмонан бакувват кишиларгина истиқлол ва тараққиёт йўлини босиб ўта олади.

\* \* \*

Ҳақиқий зиёлилар олис қишлоқларда ҳам кўп. Баъзи соҳаларда улар шаҳардаги ҳамкасбларидан устун бўлса устунки, асло кам эмас.

\* \* \*

Тупроғимизнинг ҳар бир қаричи тилла, қунт қилган одам ҳар йили бир неча бор ҳосил кўтириши мумкин.

\* \* \*

Ўзбекистон улкан имкониятлар мамлакати.

\* \* \*

Дунёда ўзбек заминига тенг келадиган заминнинг ўзи йўқ. Ўзбек деҳқонига тенг келадиган заҳматкаш ҳам дунёда топилмайди.

\* \* \*

Ўзбекистон халқи — бахтли халқ. Аллоҳ таоло бу халқни саҳий замин ва ноёб бойликлар билан сийлаган. Бу бойликларни ишга солиш учун фақат вақт керак, тинчлик керак.

\* \* \*

Хоразмлик инсонларга деҳқончилик борасида тенг келадиган кишиларни топиш қийин. Ишнинг кўзини биладиган, тупроқقا бир қарашда бўлажак ҳосилнинг чўгини аниклаб берадиган миришкор деҳқонлар мана шу заминда яшайди.

\* \* \*

Фалла бор жойда чорва бўлади. Буларсиз маъмурчилик яратилмайди.

## ҲАЁТИМИЗНИНГ АСОСИЙ ҚОНУНИ

Табиийки ҳар қандай давлатнинг юзи, обрў-эътибори унинг Конституцияси ҳисобланади. Зотан, Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Қомусномадир.

\* \* \*

... Асосий Қонунимиз халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради.

\* \* \*

... Бизning Конституция ҳақиқатан ҳам демократик Конституциядир. Тарихда синалган умумисоний, умумбашарий қадриятларни ўзида мужассам этган хужжатдир.

\* \* \*

Халқимиз асрлар, минг-минг йиллар давомида адолатли давлат, фаровон жамият ва эркин ҳаёт қуришни ҳавас қилган, орзу қилган. Конституциямиз шундай давлат, жамият ва эркин ҳаётни ўзида мужассамлаштирган, унинг шаклини, маънавий қиёфасини кўрсатган.

\* \* \*

... Бу Конституция, умумий мазмунидан тортиб оддий бир бандига қадар, Ҳожа Аҳмад Яссавий бобомиз даврида, буюк Амир Темур замонида шакланган миллий тафаккурни, муқаддас исломий қадриятларни ўзида акс эттиради. Шу кўхна замин одамлари кўнглида устувор бўлган адолат, ҳақиқат, иймон, олижаноблик, бағрикенглик, мардлик, тантлилик каби улуғ ҳислатлар бу муборак хужжатдан муносиб ўрин олган.

\* \* \*

Ҳақиқатан ҳам, ҳеч бир муболагасиз айтиш мумкини, бизning Конституциямиз умумисоний ғоялар — тенглик, эркинлик, биродарлик, халқлар ва миллатлараро дўстлик, мамлакат ва дунё барқарорлиги каби энг улуг ғояларга хизмат қиласди. Ишончим комилки, буни барча халқимиз теран англайди ва бунга ишонади.

\* \* \*

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, кечаги замонларда ҳам кўп Конституциялар бўларди. Ҳар бир даврга, ҳатто айрим шахсларга ҳам мослаштириб чиқарилган Асосий Қонуларни биламиз. Аммо ўша Конституциялар, улар кимнинг номи билан аталганидан қатъи назар, бир мақсадга — қотиб қолган мафкурага асосланган тузумни ҳимоя этишга ва унинг ҳукмронлигини ўтказишга хизмат қиласди.

\* \* \*

Конституцияда хур фикрлилил, виждон ва диний эътиқод эркинлиги масалаларига ҳам катта эътибор берилган. Бу эса республикамизда шаклланган урф одатларга, халқимизнинг теран маънавий анъаналари га батамом мос келади.

\* \* \*

Конституциямизда коммунистик мафкура, синфиilik, яккапартивийлик иллатларидан асар ҳам йўқ.

\* \* \*

Асосий Қонунимизда ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади, дейилган. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси мақомига кўтарилиши мумкин эмас. Бу конституциявий қоида бизнинг олдимиизга миллий истиқбол мафкурасини яратиш вазифасини кўяди.

\* \* \*

...Конституциямизда ўз ечими ва қарорини топган энг муҳим талаб — инсон ҳуқуқининг давлат ҳуқуқидан устуворлиги тамойили амалдаги қонунчилигимизда, давлат ва ҳуқуқий-маъмурний идоралар фаолиятида ўз тасдифи ва ижросини тўлиқ тополмаяпти.

\* \* \*

...Конституция биз учун назарий-ҳуқуқий хужжат — бурч ва мажбуриятларимиз мажмуасигина эмас. Балки у ҳаётимизни фаровон этиш, уни чинакам қонуний асосда кўриш, ўз ҳақ-ҳуқуқларимизни таъминлаш, жамиятда қонун ва адолат устуворлигини ўрнатишнинг ҳаётбахш манбаидир.

\* \* \*

Яна ва яна такроран айтмоқчиман: адолат ва қонун устуворлиги учун, унинг талаъбларини ҳаётимизга жорий этиш учун биргалашиб курашмоғимиз, фидойи бўлмоғимиз керак.

\* \* \*

Конституция халқнинг сиёсий донолиги ва тафаккури маҳсулидир.

# ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ АСОСИЙ ТАМОЙИЛИ

Ҳуқуқиий давлатнинг куроли ҳам, ҳимояси ҳам, кўзи ҳам, сўзи ҳам қонундир.

\* \* \*

Ҳуқуқиий давлатда курол ҳам, қалқон ҳам қонундир... Конун бу халқ иродаси ва у муқаддасдир.

\* \* \*

Қонунни бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Чунки қонун — халқнинг хоҳиш иродаси! Уни бузган, менси-маган одам халқнинг юзига сёқ кўйган кишидир.

\* \* \*

Биз қонунни ҳурмат қилиш, унга бўйсуниш, риоя қилиш йўлидан борсак, истиқболимиз порлоқ бўлади. Ана шунга эришиш учун Президент қонунларнинг энг асосий посбони, ҳимоячиси бўлиши керак, деб ҳисоблайман.

\* \* \*

Халқимиз асрлар, минг-минг йиллар давомида адолатли давлат, фаровон жамият ва эркин ҳаёт қуришни ҳавас қўлган, орзу қўлган. Конституциямиз шундай давлат, жамият ва эркин ҳаётни ўзида мужассамлаштирган, унинг шаклини, маънавий қиёфасини кўрсаттан.

\* \* \*

Менинг комил ишончим шундан иборатки, дунёда адолат қонуни мавжуд эканини ҳеч ким инкор этолмайди. Эртами-кечми ҳар бир инсон ана шу қонун олдида жавоб бериши муқаррар. Буни асло унугаслик керак. Қолаверса, одам ўз қўлган гуноҳлари, қилмишлари учун замон қонунлари берадиган жазодан қочиши мумкин, аммо охиратда қаерга қочасан?

\* \* \*

Маълумки, ҳар қандай жамиятда ҳам демократия қай даражада эканлигини белгиловчи камида учта мезон бор. Булар — халқнинг қарорлар қабул қилиш жараёнларидан қанчалик хабардорлиги, ҳукумат қарорлари халқ томонидан қанчалик назорат қилиниши, оддий фуқароликнинг давлатни бошқаришда қанчалик иштирок этишинидир.

\* \* \*

Биз орзу қилаётган фаровон, озод ва обод ҳаётга эришишнинг асосий шарти шуки, унинг қонун-қоида-

ларига, талабларига бўйсуниб, риоя қилиб яшаш керак. Акс ҳолда умуминсоний тараққиётнинг катта йўлидан четга чиқиб, яна ўша оғир муаммолар гирдобида қолиб кетиш хавфи бор.

\* \* \*

Қонуннинг устуворлиги ҳуқуқий давлатнинг асосий принципидир. У ҳаётнинг барча соҳаларида қонуннинг қатъиян ҳукмронлигини назарда тутади. Ҳеч бир давлат органи, ҳеч бир хўжалик юритувчи ва ижтимоийсиёсий ташкилот, ҳеч бир мансабдор шахс, ҳеч бир киши қонунга бўйсуниш мажбуриятидан халос бўлиши мумкин эмас. Қонун олдида ҳамма баробардир. Қонуннинг устуворлиги шуни билдирадики, асосий ижтимоий, энг аввало, иқтисодий муносабатлар фақат қонун билан тартибга солинади, унинг барча қатнашчилари эса ҳеч бир истисносиз ҳуқуқ нормаларини бузганлиги учун жавобгар бўлади.

\* \* \*

Қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот тантана қилмаса, шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, қаттиқ интизом ёки уюшқоқлик ва масъулият устувор бўлмаса, қонулар ва анъаналар хурмат қилинмаса, ҳуқуқий давлатни тасаввур этиб бўлмайди.

\* \* \*

Қонуларни менсимаслик иллати бутун жамиятни заҳарлайди, давлат томирлари емирилади, чирий бошлайди.

\* \* \*

Мансабдор шахсларнинг ўzlари қонуларни оёқ ости қилса, мазкур қонуларнинг ўзи обрўсизланади, янаям тўғрироғи, жамиятнинг маънавий асосларига птур етади.

\* \* \*

Кўп йиллик ҳаёт тажрибаси шуни кўрсатадики, қонун устидан қонунни, маъмурий идоралар устидан назоратни, назоратчи устидан яна назоратчи ўтқазиб қўйиш ҳеч қачон самарали натижা бермайди.

\* \* \*

Қонун, яна бир бор қонун, каттаю кичик, жинсидан, миллдати, эътиқоди ва мансабидан қатъи назар — барчамиз учун устувор бўлмоғи даркор.

## **ХУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ҚАРОР ТОПИШИННИГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШИ**

Одамларни хуқуқий маданият, хуқуқий онг, хуқуқий билимлар билан куроллантириш асосий вазифалардан бири бўлиши шарт. Токи жамиятнинг ҳар қайси аъзоси ўз хуқуки, ўз бурчи ва масъулиятини пухта билмас экан, уни ҳаётий эҳтиёж сифатида англамас экан, бизнинг ислоҳот, янгиланиш ҳақидаги барча сўзларимиз, саъй-ҳаракатларимиз бесамар кетаверади.

Бугун одамларнинг дунёкараши, онги, тафаккурини ўзгартириш мана шу масала билан чамбарчас боғлиқ бўлиб қолди.

\* \* \*

Одамларимизда хуқуқий онг, хуқуқий маданиятнинг етарли даражада эмаслиги жамиятда адолат мезонларининг бузилишига олиб келмоқда. Очигини айтганда, ҳар биримиз ҳам Конституция ва қонунларимиз берган ҳақ-хуқуқларимизни яхши билмаймиз ва уни ҳимоя қила олмаймиз.

\* \* \*

Хуқуқий маданиятнинг юқори даражада бўлиши хуқуқий давлатнинг ўзига хос хусусиятдир.

\* \* \*

Аҳолининг хуқуқий тарбиясини тубдан яхшилаш, унинг хуқуқий маданият даражасини ошириш, хуқуқий ахборотнинг кенг майдонини яратиб бериш — хуқуқий давлатнинг қарор топишида муҳим йўналишдир.

\* \* \*

Ҳар бир киши ўзини ўз мамлакатининг ҳақиқий фуқароси деб ҳис этиши, ўзига берилган хуқуқлар ва эркинликларни тушуниб этиши ва қадрлаши, оғир меҳнатда, зўр курашда кўлга киритилган демократик қадриятларни эъзозлаш ва ҳимоя қилиши лозим.

\* \* \*

Аҳолида инсон хуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш борасида янги қадриятлар ва кўникмаларни шакллантириш, пировард-натижада эса инсон хуқуқларига хурмат-эҳтиромни ва уларга риоя этишни умумиллат даражасида ривожлантиришга қаратилган маданиятни юзага келтириш фоят муҳимдир. Инсоннинг ўз хуқуқлари ва мажбуриятларидан яхши хабардор бўли-

ши шахс ҳуқуқларининг Конституциявий кафолатларини рўёбга чиқаришнинг энг асосий шарти бўлиб қолиши керак.

\* \* \*

Одамларимизнинг эскича психологиясини ўзгартириб, уларда янги ҳуқуқий онгни шакллантироғимиз лозим. Шундай бўлсинки, ҳар бир киши инсон эркинликлари — айни вақтда муайян бурч, мажбурият ва масъулият эканлигини чукур ҳис этиб турсин.

\* \* \*

Маданиятимиз, тарихимиз — бизнинг энг катта, кўз қорачигидай асрайдиган бойлигимиз. Улар ҳеч қачон эскирмайди, инқирозга юз тутмайди, яроқсиз ҳолга келмайди. Улар одамни, жамиятни маънан ёшартириб турадиган бебаҳо неъматлардир.

\* \* \*

Одамларнинг эскича психологиясини ўзгартириб, уларда янги ҳуқуқий онгни шакллантироғимиз доим.

\* \* \*

Ҳуқуқий маданият даражаси фақаттина қонунларни билиш, ҳуқуқий маълумотлардан хабардор бўлишдан-гина иборат эмас. У — қонунларга амал қилиш ва уларга бўйсуниш маданияти демакдир. У — одил судни ҳурмат қилиш, ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этиш эҳтиёжи демакдир. Ҳуқуқий маданият дегани — турли можараларни ҳал қилишда қонунга хилоф кучлардан фойдаланишни рад этиш демакдир.

\* \* \*

Токи, одамлар фақаттина судга иши тушганда эмас, балки кундалик ҳаётида ҳам адвокатлар хизматидан ҳам, уларнинг маслаҳат ва тавсияларидан фойдалана оладиган бўлсинлар.

\* \* \*

Халқ судни фақат одамларни қоралайдиган, жазолайдиган орган деб эмас, аксинча, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қиласидиган орган деб билиши керак.

## ИЖТИМОЙЙ АДОЛАТ – ЖАМИЯТИМИЗ МЕЗОНИ

Адолат бўлмаган жойда норозилик, адоват, зиддият, қарама-қаршилик пайдо бўлиши муқаррар.

\* \* \*

Бирор ишда хато-камчиликларга йўл кўйгани, эгал-лаб турган лавозимини сунистъемол қилгани, вазифасини уddyалай олмагани ва шунга ўхшаш бошқа сабаблар билан ишдан олинса, бунга ҳеч ким қарши эмас. Аммо лавозим «буортма» билан аниқ «шахс» учун бўшатиласа, бу шахс ҳам раҳбарга қарашли бўлса, қариндошлиги, ошна-офайнилиги, уруф ёки келиб чиқишига қараб танланса, бундай адолатсизликка ким чидай олади.

\* \* \*

Нафс балоси шунчалик қучлими? Мен ўйлайманки, ҳар қандай соғлом инсон бу савонни ўзига бериб, ўзи жавоб топиши керак. Эл-юрт нафратидан, охиратдан кўркиш, ҳаётда ўзининг ўрнини йўқотмаслик ҳар қандай кишининг бурчи эмасми?

\* \* \*

Умрим давомида ортирган озми-кўпми ҳаётий таж-рибаларим асосида шундай холосага келдимки, дунёда инсон иродасини синайдиган воситалар кўп. Аммо уларнинг биронтаси ҳам амал, лавозим, мансаб каби одамзотнинг кимлигини, унинг қиёфаси ва моҳиятини яққол очиб бера олмайди.

\* \* \*

Дунёнинг кўп-кўп мамлакатлари, жаҳон халқарининг ҳаёти, тарихи, иқтисоди, сиёсати, фалсафаси, маданияти шуни кўрсатадики, ёвузликнинг, жумладан, поражурлик, ўғирлик, товламачиликнинг миллати, насл-насаби йўқ. Бу оғат башарият бошига бйтган шундай ашаддий балоки, унинг салбий оқибатларини оламдаги жуда кўп давлатлар, юксак тараққий топган мамлакатлар ҳам ўз ўтмиши, бугунги ҳаётида кўриб-сезиб турибди.

\* \* \*

«Адолат» сўзи минг йиллар давомида инсонга ҳамроҳ бўлиб келган. Асрлар давомида кишилар адолат учун курашган, мислсиз қурбонлар берган.

\* \* \*

Агар одам охиратдан қўрқса, одам бўлиб яшашга

интилади, одамийлиги ортади. Акс ҳолда, унинг ҳайвондан деярли фарқи қолмайди.

\* \* \*

Биз янги озод жамият, хукуқий давлат қуришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эканмиз, адолат та-мойилини устувор принципида эътироф этамиз. Ва ҳеч қандай куч бизни бу йўлдан ортга қайтаролмайди.

\* \* \*

...Доно, меҳнаткаш, сабр-тоқатли ҳалқимиз оқ билан қорани ажратса олиш фазилатига эга, энг муҳими, унга тўғри йўл кўрсатилса, ҳар қандай синовдан ёруғ юз билан ўта олиши муқаррар.

\* \* \*

Агар биз замон билан ҳамнафас яшамоқчи бўлсак, дунёдаги бошқа ҳалқлар, бошқа миллатлардан кам бўлмасликни, аксинча, улар билан тенг, эркин, ҳамкор бўлиб умр кечиришини истасак, фарзандларимизнинг баҳту камолини кўрмоқчи бўлсак, ҳайтимизда адолат, фаровонлик, маънавий событлик қарор топишни хоҳласак, йўлимизда дуч келиб, улуг ва эзгу ишларимизга ҳалал бераётган турли иллатлардан ҳалос бўлишимиз, уларга қарши қатъият, сабот-матонат, жасорат билан биргаликда кураш олиб боришимиз шарт.

\* \* \*

Адолат ва ҳақиқатга интилиш эса ҳалқимиз табиатининг энг муҳим фазилатларидан биридир. Ўтмишда олий адолат ғояси мансабдор шахсларга қўлланиладиган талаб ва баҳонинг асоси бўлган. У давлатчилик негизларини белгилаш, исломий қоидалар ва шариат мезонларининг пойдеворини ташкил этган. Биз тарихимиздаги ана шу жиҳатларни ҳисобга олмасак, кудратли, эркин, демократик давлат қура олмаймиз.

\* \* \*

Адолат ва ҳақиқат ғояси ижтимий ҳайтимизнинг барча соҳаларини қамраб олмоғи даркор. Адолат ва ҳақиқат ғояси қонунчилик фаолиятимизнинг замини, бош йўналиши бўлмоғи шарт.

\* \* \*

...Жамиятда адолат барқарор бўлса, жамият, ҳалқ ҳеч қачон йўлидан адашмайди, эртами-кечми фаровон турмушга эришади. Менинг раҳбарлик лавозимида меҳ-

нат қилган тажрибамдан чиқарилган энг муҳим ҳаётий хулосам шуки, адолат биз қураёттан жамиятнинг мезони бўлмоги даркор.

\* \* \*

Буюк аждодларимиз Амир Темур айтганларидек, «Бир кунлик адолат — юз кунлик тоат-ибодатдан афзалдир».

\* \* \*

Адолат устун бўлган жойда иш юришади, юртда файзу барака, одамларда меҳр-оқибат устуворлик касб этади. Адолат бўлмаган жойда адоват пайдо бўлади, кишилар орасида низо-нифоқлар кучаяди.

\* \* \*

Ижтимоий адолат ўз жойига туша бошлади. Одамларни меҳнәти натижасидан рози қилиш йўли тутилмоқда. Мухтоҷ, кўп болали, қаровчисиз қолган оиласарга, қариялар ва ёшларимизга ёрдам қўли чўзилди.

\* \* \*

Ўзини адолатли деб билган, лекин ўта адолатсиз бўлган марказ Ўзбекистонга, ўзбек ҳалқига қанча тамға босмади, қанча маломат тошлари отилмади. Лекин маҳкам туриб адолатта эришдик. Ўзбек номини бадном қилиш ҳаракатларига зарба бердик. Бугун мана шу минбардан туриб ёруғ юз билан айтаманки, «пахта иши» билан қамалганларнинг ҳаммаси авф этилди!

Оёқ-қўли бўелланган киши қаноти синган қушдир. Эркинлик эса тараққиётнинг яккаю ягона йўлидир.

\* \* \*

Одил ва оқил ҳокимиёт ҳалқ кайфиятини, унинг иродасини албатта ҳисобга олади. Ҳалқнинг истеъдодини, ундаги барча олижаноб хислатларни ишга солади, ҳалқ ғайратини яратувчилик йўлига бошқаради.

## МАЊНАВИЯТ — ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Бирон-бир жамият мањнавий имкониятларини, одамлар онгида мањнавий-ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб ўз йистикболини тасаввур эта олмайди.

\* \* \*

Биз барпо этаёттан янги жамият юксак маънавий ва ахлоқий қадриятларга таянади ва уларни ривожлантиришга катта эътибор қаратади. Бу жараён миллий истиқлол ғояси ва мафкурасига, ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга асосланади.

\* \* \*

**Жамиятни маънавий янгилашдан кўзланган бош мақсад — юрг тинчлиги, Ватан равнақи, халқ эркинлиги ва фаровонлигига эришиш, комил инсонни тарбиялаш, ижтимоий ҳамкорлик ва миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик каби кўп-кўп муҳим масалалардан иборат.**

\* \* \*

Ҳар қандай миллатнинг равнақи, умумбашарият тарихида тутган ўрни, мавқеи ва шухрати бевосита ўз фарзандларининг ақлий ва жисмоний етуклигига боғлиқдир.

\* \* \*

Жамият маданиятсиз, маънавий-ахлоқий қадриятларсиз яшай олмайди. Уларни писанд қилмаган жамият пиравард-оқибатда таназзулга юз тутади.

\* \* \*

Кимки, миллатни ўзига қарам қилмоқчи бўлса, аввало унинг маданиятига чанг солади.

\* \* \*

Биз миллий маданиятимизнинг асл бойликларини қайтарибгина қолмай, айни пайтда бу билан бутун инсониятнинг маънавий дунёсини ҳам бойитаяпмиз.

\* \* \*

Истиқлол шарофати билан маънавият булоқларининг кўзи очилди, биз бу булоқнинг зилол сувларидан баҳраманд бўла бошладик. Шўро даврида унутилган қадриятларимиз, номи қораланган бобокалонларимизнинг дурдона сўзларини биз оби кавсардек кўзимизга суртмоқдамиз.

\* \* \*

Маънавиятда инсоннинг иймони, эътиқоди, ахлоқи, ҳаётнинг маъносини қандай тушуниши, ички дунёси намоён бўлади. Ватан, халқ олдидағи бурчни англаш ҳам юксак маънавият белгисидир. Маънавий баркамол инсон — ўзининг савобли ишлари билан кечирган ҳаётидан рози кетади.

\* \* \*

Маънавият ишларини йўлга кўймасдан туриб иқти-  
содий юксалишларга эришиш қийин. Зеро, юксак маъ-  
навияти бўлмаган халқнинг келажаги ҳам йўқ.

\* \* \*

Ўз иззати ва қадрини билган халқгина бошқалар-  
нинг ҳам иззат ва қадрини жойига кўйишга қодир  
бўлади.

\* \* \*

Юксак маънавий бурчлар кеча ёки бугун ўйлаб то-  
пилган эмас. Улар инсониятнинг минг йиллик тарихи,  
ота-боболаримизнинг неча-неча авлодлар тажрибаси  
давомида юзага келган.

\* \* \*

Ўзбекистонни янгилаш ва ривожлантиришнинг ўз  
йўли тўртга асосий негизга асосланади. Бу негизлар:

- умумисоний қадриятларга содиклик;
- халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкам-  
лаш ва ривожлантириш;
- инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён  
қилиши;
- ватанпарварлик.

\* \* \*

Маънавият инсонга она сути, ота намунаси, аждод-  
лар ўғити билан сингади.

\* \* \*

Маънавият турли халқлар ва мамлакатлар кишила-  
рини қон-қардош қиласди. Уларнинг тақдирини ўзаро  
хурмат асосида яқинлаштиради.

\* \* \*

Маънавият — тақдирнинг эҳсони эмас. Маънавият  
инсон қалбида камол топиши учун у қалбан ва виждо-  
нан, акж ва кўл билан меҳнат қилиши керак.

\* \* \*

Маънавият — инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг,  
давлатнинг куч-кудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон  
баҳт-саодат бўлмайди.

\* \* \*

Маънавиятни мустаҳкамлаш учун меҳнат ва маб-  
лағни аяш ўз келажагига болта уриш демакдир.

\* \* \*

Маънавият инсонга ҳаводек, сувдек зарур.

\* \* \*

Давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири, бу — маънавий жиҳатдан баркамол инсонни тарбиялаш, таълим ва маориф тизимини такомиллаштириш, миллий уйғониш foяси асосида маънавий ва руҳий жиҳатдан янги авлодни вояга етказишидир.

\* \* \*

Ақлий заковат ва руҳий-маънавий салоҳият — маърифатли инсоннинг икки қанотидир.

\* \* \*

**Маънавият жуда нозик тарбиявий соҳа. Буни ўзбўларчиликка ташлаб кўйиб бўлмайди.**

\* \* \*

Ишонч йўқ жойда шижаат, файрат бўлмайди. До-нишманд боболаримиздан бири бежиз: «Маърифат — бу шижаатдир» демаган.

\* \* \*

Сир эмаски, ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат нафақат ер ости ва ер усти табиий бойликлари билан, ҳарбий қудрати ва ишлаб чиқариш салоҳияти билан, балки биринчи навбатда ўзининг юксак маданий ва маънавияти билан кучлидир.

\* \* \*

Яшаш муҳити, табиат ва маънавият экологияси бирбиридан ажралмасдир.

\* \* \*

Масjid — муқаддас маскан. Элга маънавий тушунчаларни тарғиб қиласиган, ёшларга тарбия берадиган, тинчлик-осойишталикини сақлаш, маърифат тарқатиш каби савобли ва хайрли ишларни амалга оширишга даъват этадиган мўътабар жой.

\* \* \*

Жамиятимизнинг маънавий-маърифий жиҳатдан покланиши, ислоҳотларнинг тақдери, халқимизнинг фаровонлиги биринчи навбатда раҳбар кадрларнинг малакасига, фидоийлигига, юртпарварлиги ва иймону эътиқодига боғлиқ.

\* \* \*

Ҳеч ким онадан жиноятчи бўлиб туғилмайди. Жиноятчилик номақбул, ижтимоий-иктисодий, маънавий-ахлоқий муҳитдагина илдиз отиши мумкин.

\* \* \*

Одамларни алдаш, нарх-наводан, тош-тарозидан уриш қадим замонларда ҳам, мусулмончилликда ҳам гуноҳи азим ҳисобланади.

\* \* \*

**Маърифат — маънавиятта олиб келадиган йўл.** Бугун қилаётган яхши ишларимиз келгуси авлод баркамоллиги учун хизмат қилиши шубҳасиз. Бугун қандай кўчат эксан, эртага шундай мева оламиз.

## **БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ВА МАЪНАВИЯТ**

Бозор муносабатлари етим есирларнинг, қария ва камбағал-ночор одамларнинг кўз ёши эвазига куриладиган бўлса, бунақа бозорнинг уйи куйсин.

\* \* \*

Қадим замонлардан буён бозор ҳалол меҳнат ва ҳалол савдонинг намоён бўладиган жойи ҳисобланади.

\* \* \*

Бозор иқтисодига ўтар эканмиз, миллий-тарихий турмуш тарзимизни, ҳалқимиз урф-одатларини, анъ-аналарини, кишиларнинг фикрлаш тарзини ҳисобга оламиз.

\* \* \*

Барқарор бозор иқтисодиёти, очиқ ташқи сиёсатга асосланган кучли демократик ҳукукий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш пировард мақсад бўлиб қолиши керак.

\* \* \*

**Бозорга ўтиш муқаррар.** Бу — давр амри, объектив реаликдир. Айни вақтда бозор фақат мақсад эмас, балки янги қадрияларни шакллантириш, одамлар фаровонлигининг сифат жиҳатидан тубдан юқори даражасига эришиш услуби ва воситасидир.

\* \* \*

Давлат мулкини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш кўп укладли бозор иқтисодиётини шакллантиришда муҳим ўрин тутиши керак.

\* \* \*

Бозор иқтисодиёти деб инсон маънавиятини унтутиш гуноҳ бўлади.

\* \* \*

Агар иқтисодий ўсиш, тараққиёт — жамиятимизнинг танаси бўлса, маънавият-маърифат ва сиёсий онг етуклиги унинг руҳи, ақли ва жонидир.

\* \* \*

Мамлакатнинг иқтисодий қудратини, унинг эртанги кунини, борингки, тақдирини ҳам пировард-натижада ақл-заковат, маънавият ҳал қиласади.

\* \* \*

Биз иқтисод ва маънавиятни муштарак ҳолда тасаввур этамиз. Чунки иқтисодий таназзулга учраган жамиятнинг маънавияти ҳам қашшоқлашади. Еки асинча, маънавий қашшоқ жамият ҳеч қандай ислоҳотларга қодир бўла олмайди.

\* \* \*

Аравани отдан олдин қўйиб бўлмаганидек, сиёсанни ҳам иқтисоддан олдинга қўйиб бўлмайди.

\* \* \*

Маънавият ва иқтисод бир-бирини инкор этмайди, балки бир-бирини кувватлаб, ўзаро таъсирланиб ривожланиб боради. Миллий камолот йўли шу.

\* \* \*

Савдо-сотик, бизнес керак. Лекин фан, ижод уларнинг соясида қолишига биз йўл кўя олмаймиз. Чунки мамлакатнинг иқтисодий қудратини, унинг эртанги кунини, борингки, тақдирини ҳам пировард-натижада ақл-заковат, маънавият ҳал этади.

## МИЛЛИЙ ФОЯ ВА МИЛЛИЙ МАФКУРА

Одамларнинг минг йиллар давомида шаклланган дунёқарashi ва менталитетига асосланган, айни вактда шу ҳалқ, шу миллатнинг келажагини кўзлаган ва унинг дунёдаги ўрнини аниқ-равshan белгилаб беришга хизмат қиласидиган, кечаги ва эртанги кун ўртасида ўзига хос кўприк бўлишта қодирояни мен жамият мафкураси деб биламан.

\* \* \*

...Мафкура факат бугун эмас, балки ҳамма замонларда ҳам энг долзарб сиёсий-ижтимоий масала, ҳар қандай жамиятни соғлом, эзгу мақсадлар сари бирлаштириб, унинг ўз муддаоларига эришиши учун маънавий-руҳий куч-кувват берадиган пойdevor бўлиб келган.

\* \* \*

...Мафура — жамиятда яшайдиган одамларнинг ҳаёт-мазмунини, уларнинг интилишларини ўзида мужассамлаштиради. Ҳар қандай инсон, табиийки, мурод-мақсадсиз яшай олмайди. Бинобарин, токи ҳаёт мавжуд экан, мамлакатлар, давлатлар ва уларнинг манфаатлари бор экан, улар ўз тараққиёт йўлини, эрганинг кун уфқларини ўзининг миллый гояси, миллий мафкураси орқали белгилаб олишга интилади.

\* \* \*

...Мафкура дунёсида бўшлиққа йўл қўйиб бўлмаслиги, шундай ҳолат юз берган тақдирда бўш қолган мафкура майдонидан бизга бегона, орзу-интилишларимизга мутлақо ёт гоялар ўрин эгаллашга уриниш шубҳасиз.

\* \* \*

Мақсад дегани — халқни, миллатни бирлаштирувчи, йўлга бошловчи бамисоли бир байроқ. Бу байроқ бутун Ўзбекистон халқининг рухини, ғурур-ифтихорини, керак бўлса, қурдатини, орзу-интилишларини мужассамлаштирадиган улуғ кучдир. Давлатимизнинг, халқимизнинг, эл-юргимизнинг мақсади ўзининг улугворлиги, ҳаётйлиги ва ҳаққонийлиги билан ҳаммамизни жалб этадиган бўлмоғи лозим. Токи бу мақсад халқни-халқ, миллатни-миллат қила билсин, қўлимизда енгилмас бир кучга айлансин.

\* \* \*

Албатта, мафкурани бир кун ёки бир йилда яратиб бўлмайди. Чунки мафкура шаклланади, шакллантириб борилади. Унинг асосий тамойилларини ишлаб чиқиши мумкин. Аммо бу тамойиллар реал ҳаётда ўз ўрини топмаса, бундай мафкура фақат қофозда бўлади, холос. Шунинг учун ҳам менинг фикримча, мафкурани шакллантириш жараённада, аввалимбор; мамлакатнинг бугуниги ҳаёти, ўтмиши, келажаги, бутун тақдирни учун қайғурадиган, Ватан қисматини ўз қисмати деб биладиган кенг жамоатчиликнинг илғор дунёқараш ва тафаккурига асосланиши лозим.

\* \* \*

Миллий мафкура яратиш ҳақида сўз юритар эканмиз, биринчидан, шуни чукур англаш олишимиз даркорки, бу вазифа бир йиллик ёки беш-үн йиллик иш эмас. Халқ, миллат ўз миллий мафкурасини бутун умри давомида такомиллаштириб, бойитиб боради. Чунки мафкура қотиб қолган ақидалар йигиндиси эмас.

Бу — узлуксиз жараён бўлиб, ҳаёт давом этар экан, унинг шиддатли суръати туфайли мафкуранинг олдиға қўйиладиган янги-янги талаблар ҳам пайдо бўлаверади.

\* \* \*

Жаҳон тажрибасига назар ташласак, миллатнинг мафкураси бир эмас, балки бир неча авлоднинг ўми давомида ишлаб чиқилиш ва такомилга эришувига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Бутун ҳалқни бирлаштирадиган байроқ бўлмиш мафкурани шакллантириш учун инсоният тарихининг турли даврларида Худонинг ўзи ақлзakovat, истеъод, куч-қувват ато этган, ёрқин тафаккурга эга бўлган буюк шахслар заҳмат чекканини кўрамиз.

\* \* \*

**Миллий ғоя, миллий мафкурани ишлаб чиқиш, уни шакллантириш учун ҳар қайси миллатнинг энг ишбор вакиллари, керак бўлса, мутафаккирлари, ҳалқ ва Ватан равнақи учун ҳаётини бағишлайдиган фидойи знёлилари меҳнат қилиши лозим.**

\* \* \*

...Бир ҳақиқатни ўзимизга яхши англаб олишимиз керакки, миллий мафкурани тепадан туриб яратиб ва ҳаётта жорий этиб бўлмайди. Бу — ниҳоятда принципиал масала. Албатта, миллий мафкуранинг асосий йўналишларини, унинг ўзига хос хусусиятларини мутахассислар, олимлар ва мутафаккирлар ишлаб чиқади.

\* \* \*

...Жамиятимиз, мамлакатимиз ўз олдига қўйган эзгу муддао ва вазифаларни аниқ-равшан белгилашиб олмасдан туриб миллатимизнинг асрый анъана ва урф-одатларини мужассам этадиган миллий мафкурани шакллантириш мумкин эмас.

\* \* \*

Шунинг учун ҳам истиқлолга эришган кунимиздан бошлаб миллий мафкура, Ўзбекистон жамиятининг миллий ғоясини яратиш масаласи долзарб бўлиб келмоқда.

\* \* \*

Шу муносабат билан бу мафкуранинг шаклланишида кимнинг манфаатлари ва қарашлари юзага чиқиши лозим, деган савол туғилади.

Борди-ю бу саволга мендан жавоб сўралса, даставвал ўзбекистонда яшаётган, ўз тақдири тимсолида мингминглаб кишиларнинг тақдирини мужассамлаштирган ватандошимизнинг ҳаётини, унинг орзу-интилишларини, бугунги ва эртанги кунга бўлган умидворлигини ўзимча тасаввур қилиш билан боғлиқ ҳолда тасаввур қиласман. Ўзимни шу одамнинг ўрнига қўйиб, унинг кўзи, идроки, тафаккури, ёндошуви билан келажакка қарадим.

\* \* \*

Содда қилиб айтганда, жамиятимизнинг мафкураси шу жамиятнинг таянчи бўлиши, оддий инсон ва унинг манфаатларини ифода этиши, халқимизнинг бехатар, тинч-омон, фаровон, бадавлат турмушга эришин учун куч файрат манбани бўлиши лозим.

\* \* \*

Ўзбекистоннинг миллий мафкураси мамлакатимизнинг мана шу минтақада, ён-атрофдаги давлатлар орасида ва жаҳон миқёсида ўзига муносиб ўринни, яна ҳам аниқроқ айтадиган бўлсак, ўзининг ихтисосини тўғри ва холисона англаб, шу асосда изчил ҳаракат қилишимиз учун хизмат этиши зарур.

\* \* \*

Миллий тоя, миллий ифтихор кундалик машаққатли ишларимизда ва бунёдкорлик фаолиятимизда кучимизга куч, файратимиға файрат қўшиб, ҳақиқатдан ҳам келажаги буюк давлат қураётганимизга мустаҳкам ишонч бағишлиб, рӯҳимизни баланд, белимизни бақувват қилишига ишонаман.

\* \* \*

Миллий мафкура, аввалиамбор, ўзлигимизни, муқаддас анъаналаримизни англаш туйғуларини, халқимизнинг кўп асрлар давомида шаклланган эзгу орзуларини, жамиятимиз олдига бугун қўйилган олий мақсад ва вазифаларни қамраб олиши шарт.

\* \* \*

Иккинчидан, жамиятимизда бугун мавжуд бўлган хилма-хил фикрлар ва тоялар, эркин қараашлардан, ҳар қандай тоифалар ва гуруҳларнинг интилишлари ва умидларидан, ҳар қандай инсоннинг эътиқоди ва дунё-қарашидан қатъи назар, уларнинг барчасини ягона миллий байроқ атрофида бирлаштирадиган, халқимиз ва давлатимизнинг дахлсизлигини асрайдиган, эл-юрти-

мизни энг буюк мақсадлар сари чорлайдиган ягона  
фоя-мафкура бўлиши керак.

\* \* \*

Учинчидан, миллий мафкурамиз ҳар қандай миллатчилик ва шунга ўхшаш унсурлардан, бошқа элат ва халқларни менсимаслик, уларни камситиши кайфияти ва қарашларидан мутлақо холи бўлиб, кўшни давлат ва халқлар, умуман жаҳон ҳамжамиятида, халқаро майдонда ўзимизга муносиб ҳурмат ва иззат қозонишда пойдевор ва раҳнамо бўлиши даркор.

\* \* \*

Тўртингчидан, миллий фоя биринчи навбатда ёш авлодимизни ватанпарварлик, эл-юрга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбига инсонпарварлик ва одамийлик фазилатларини пайванд қилишдек олижаноб ишларимиизда мададкор бўлиши зарур.

\* \* \*

Бешинчидан, у Ватанимизнинг шонли ўтмиши ва буюк келажагини узвий бοғлаб туришга, ўзимизни улуг аждодларимиз боқий меросининг муносиб ворислари деб ҳис қилиш, шу билан бирга, жаҳон ва замоннинг умумбашарий ютуқларига эришмоққа йўл очиб берадиган ва шу мақсадларга муттасил даъват қиладиган фоя бўлиши керак.

\* \* \*

**Миллий мафкура — миллатни бирлаштирувчи байроқдир.**

\* \* \*

Миллий мафкура воситасида элу юрт бирлашади, ўз олдига буюк мақсадлар қўяди ва уларни адо этишга қодир бўлади. Миллатнинг, халқнинг ҳамжиҳатлиги эса ҳар қандай тараққиётнинг гаровидир.

\* \* \*

**Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин.**

\* \* \*

...Мана шундай озод кунларда билиб-бilmай йўлдан тойиб, яъни куппа-кундузи йўлини йўқотиб, ёт элларда чалинаётган ноғорага ўйнаб юрган айрим ёшларнинг кўзини очища милий мафкурамиз мухим ўрин тутиши шубҳасиз. Чунки, миллий мафкура — бу халқ-

нинг, миллиатнинг ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган ўлмас эътиқодидир.

\* \* \*

Мафкура ҳар қандай жамият ҳаётида зарур. Мафкура бўлмаса одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррар. Иккинчидан, қаердаки мафкуравий бўшлиқ вужудга келса, ўша ерда бегона мафкура ҳукмронлик қилиши ҳам тайин.

\* \* \*

Кўриниб турибдикӣ, табиатда ҳам, жамиятда ҳам вакум-бўшлиқ бўлиши мумкин бўлмаганидек, мафкура соҳасида ҳам бўшлиқ вужудга келишига асло йўл кўйиб бўлмайди. Айниқса, бутун дунёда, жумладан, информация оламида глобаллашув жараёни кечётган ҳозирги пайтда, яъни лўнда қилиб айтганда, жаҳоннинг бир чеккасида содир бўлаётган воқеалар ва ҳаркатларнинг тез тарқалиб кетаётганини ҳисобга олганда, бу масаланинг аҳамияти ва долзарблиги янада ортиб бормоқда.

\* \* \*

Келинг, бир лаҳза атрофга теранроқ назар ташлайлик. Кўп синовлар, азобу уқубатлар, хатолар, фожиалар, урушлар, қатағонларни бошидан кечирган асримиз поёнига етаётган, инсоният янги аср бўсағасида турган бугунги кунда турли хил эски ва янги мафкурларнинг ўзаро кураши ҳар қачонгидан ҳам кўра шиддатли тус олмоқда.

Ранг-баранг, баъзан бир-бирига мутлақо зид дунё-қарашлар, сиёсий, миллий, диний оқимлар, мазҳаб ва секталар ўртасидаги фикр талашувлари гоҳо баҳс-мунозара доирасидан чиқиб қонли тўқнашувлар, оммавий қирғинларга сабаб бўлмоқда, одамлар бошига беҳисоб қайғу-кулфатлар солмоқда.

\* \* \*

Бошқача айтганда, ҳозирги вақтда дунёда икки қарама-қарши кутб барҳам топган бўлсада, турли хил мақсад-манфаатларни ифода этувчи мафкуралар тортишуви тўхтагани йўқ. Очиқ айтиш керакки, бу тортишувлардан кўзланган асосий мақсад — инсон, авваламбор ёшлар қалбини эгаллаш, муайян мамлакат ёки минтақадаги бирор миллиат ёки халқнинг онгига, унинг сезги-туйғуларига таъсир ўtkазиш, уни ўз дунёқарашига бўйсундириш, маънавий жиҳатдан заиф ва тобе қилиш. Фикр қарамлиги, тафаккур қулиги эса ҳар қандай

иқтисодий ёки сиёсий қарамлиқдан ҳам кўра даҳшатлидир.

\* \* \*

Бугунги кунда одамзод маълум бир давлатлар ва сиёсий кучларнинг манфаатларигагина хизмат қиладиган, олис-яқин манбалардан тарқаладиган, турли маъно-мазмундаги мафкуравий кучларнинг таъсирини доимий равишда сезиб яшайди. Ахборот асри, электроника асри деб аталган XX асрнинг ниҳоясида — бугунги давримизда бу таъсиrlардан холи бўлиш деярли имконсизdir.

\* \* \*

Агар тарихга назар солсак, илгари кучли давлатлар заиф мамлакатларни очикдан-очиқ босиб олиб, уларга ўз ҳукмини ўтказган бўлса, XX асрнинг охирига келиб, бундай сиёsat янги бир шакл касб этди. Ҳозирги вақтда қудратли давлатлар ва муайян сиёсий марказлар ўз мақсадларига эришиш учун аввало забт этмоқчи, ўз таъсир доирасига олмоқчи бўлган мамлакатларнинг аҳолиси онгини ўзига қарам қилишга интилади.

\* \* \*

Бугунги кунда инсоният қўлида мавжуд бўлган курол-яроғлар ер куррасини бир неча бор яксон қилишга етади. Буни ҳаммамиз яхши англаймиз. Лекин ҳозирги замондаги энг катта хавф — инсонларнинг қалби ва онгини эгаллаш учун узлуксиз давом этаётган мафкуравий курашдир.

\* \* \*

**Эндилликда ядро майдонларида эмас, мафкура майдонларида бўлаётган курашлар кўп нарсани ҳал қилади. Бу аччиқ ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслик лозим.**

\* \* \*

Таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларига нисбатан ҳам кўпроқ кучга эга.

\* \* \*

...Агар ҳарбий, иқтисодий, сиёсий тазийиқ бўлса, буни сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин, аммо мафкуравий тазийиқ, унинг таъсири ва оқибатларини тезда илғаб етиш ниҳоятда қийин.

\* \* \*

...Хозир жаҳоннинг олис бурчагида қандайдир воқеа содир бўлса, зум ўтмай бутун дунёга маълум бўлади. Ва бу воқеалар ер юзининг бошқа бир четида дарҳол акс садо беради. Биздан узоқ-узоқ миңтақалар ва ҳудудларда рўй бераётган яхши ва ёмон ишлар, уларниң таъсиrlари ҳам ҳаётимизга яшин тезлигида, биздан сўраб-нетиб ўтирумасдан кириб келаверади. Замонавий ахборот майдонидаги ҳаракат шунчалар тифиз, шунчалар тезкорки, энди илгариғидек, ҳа, бу воқеалар биздан жуда олисда юз берибди, унинг бизга алоқаси йўқ, деб бепарво ўтириб бўлмайди.

\* \* \*

Мана шу шарт-шароитларнинг барчаси ҳам маънавият, миллий мағкуранинг аҳамиятини янада кучайтиради. Чунки, сир эмас, баъзан беозоргина бўлиб туюлган мусиқа, оддийгина мультфильм ёки реклама лавҳаси орқали ҳам маълум бир мағкуравий мақсадлар ва интилишлар ифодаланади.

\* \* \*

Демак, бугунги кунда ғояни, фикрни тақиқ билан, маъмурий чоралар билан енгиб бўлмайди. Ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатта қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш мумкин.

\* \* \*

Ҳар бир инсон, ҳар бир фуқаро буни яхшилаб тушуниб, мағиз-мағзига етиб олиши керак. Чунки жамиятнинг, жамият аҳлиниң мустаҳкам ва равshan мағкураси бўлмаса, ўз олдига қўйган аниқ бир мақсад-муддоаси бўлмаса, у муқаррар равишда инқизорзга юз тутади.

\* \* \*

Тарихдан маълумки, бир ҳалқни ўзига тобе қилишни истаган кучлар, аввало, уни ўзлигидан, тарихидан, маданиятидан жудо қилишга интилади... шунга ўхшаш зарарли таъсиrlар давом этаверса, миллият ўзлигини йўқотиш, минг йиллик анъаналарини бой бериб, оломонга айланиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас.

\* \* \*

Табиий савол туғилади: бундай мағкуравий таъсиrlар салбий оқибатларга олиб келмаслиги учун нима қилиш керак?

Бунинг йўли — одамларимиз, авваламбор ёшлари-мизнинг иймон-эътиқодини мустаҳкамлаш, иродасини ба-куват қилиш, уларни ўз мустақил фикрига эга бўлган баркамол инсонлар этиб тарбиялаш. Уларнинг тафаккурида ўзлигини унумаслик, ота-боболарнинг муқаддас қадриятларини асраб-авайлаш ва хурмат қилиш фази-латини қарор тоғтириш. Уларнинг, мен ўзбек фарзанди-ман, деб, гуур ва ифтихор билан яшашига эришишdir.

\* \* \*

Токи улар миллий илдизлари бақувват, дунёни чукур англайдиган, замон тараққиёти билан баробар қадам ташлайдиган инсонлар бўлиб етишсан: Ана шунда жо-ҳил ақидапарастнинг «даъвати» ҳам, ахлоқни рад эта-диган, биз учун мутлақо бегона ғоялар ҳам уларга ўз таъсирини ўтказа олмайди.

\* \* \*

Мана шундай бир вазиятда одам ўз мустақил фик-рига, сабит эътиқодига, ўзи таяниб яшайдиган ҳаётий-миллий қадриятларга, шаклланган дунёқарааш ва мус-таҳкам иродага эга бўлмаса, ҳар турли мафкуралар-нинг босимиға, уларнинг гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона кўри-нишдаги тазийқларига бардош бериши амримаҳол.

\* \* \*

Миллий ғоя ҳақида жуда кўп ва узоқ фикр юритиш мумкин. У ҳаётнинг ўзи каби чексиз мавзудир. Мил-лий ғоя халқнинг миллий манфаатларидан келиб чи-қади ва уни ўзида ифода этади.

\* \* \*

Хозирги энг муҳим, энг долзарб вазифамиз — жа-миятимиз аъзоларини, авваламбор, вояга этиб келаёт-ган ёш авлодни камол тоғтириш, уларнинг қалбида миллий ғоя, миллий мафкура, ўз Ватанига меҳр-садо-қат туйғусини уйғотиш, ўзлигини англаш, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашдан ибо-ратдир.

\* \* \*

Албатта, биз фикрлар ва қарашлар ранг-баранглиги принципига тарафдормиз. Аммо бу фикр ва қарашларни бирлаштирадиган, уларнинг муштарак жиҳатлари-ни уйғунлаштирадиган ягона мезон борки, бу миллий ғоя ва миллий мафкурадир.

Миллий ғоя ва миллий манфаатга зид, ёт ҳаракат ва интилишларни биз асло қабул қилмаймиз.

\* \* \*

**Олдимизда турган энг мұхым масала, бу — миңлий истиқтол мағкурасини яратыш ва ҳәётимизда татбиқ этишдір.**

\* \* \*

Миңлий истиқтол мағкураси халқимизнинг азалий аньаналарига, удумларига, тилига, дилига, рұхиятига асосланиб, келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат түйгуларини онгимизга сингдириши лозим.

## **АЛЛОХ ҚАЛБИМИЗДА, ЮРАГИМИЗДА**

Шарқнинг минг йииллик фалсафасию ислом қадриятлари тараққиёт учун бебаҳо хазинадир.

\* \* \*

Токи биз улуг боболаримизнинг бекіёс ақл заковати билан фәхрланиб юрганимиз сингари келгуси авлодлар ҳам бугунги олимларимизнинг илмий каш-фиётлари ва салоҳиятларидан ҳамиша ифтихор қылсиналар.

\* \* \*

Қадимги аждодларимиз комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий талаблар мажмусини, замонавий тиlda айтсак, шарқона ахлоқ Кодексини ишлаб чиққанлар. Киши қалбіда ҳаромдан ҳазар, нопокликка, адолат-сизликка нисбатан муросасиз исён бўлиши керак.

\* \* \*

Ислом дини — бу ота-боболаримиз дини, у биз учун ҳам иймон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат эканлигини унутмайлик. У куруқ ақидалар йигиндиси эмас. Ана шу маърифатни кишиларимиз жон-жон деб қабул қиласылар ва яхши ўгитларга амал қиласылар. Меҳр-оқибатли, номусли, ориятли бўлишга, иззат-эҳтиром тушунчаларига риоя этишга ҳаракат қиласылар.

\* \* \*

**Дин одамзодни ҳеч қачон ёмон йўлга бошламайди. Дин бу дунёнинг ўткинчи эканини, охиратни эслатиб туради, одам боласини хушёр бўлишга, ҳаром йўллардан узоқ юришга, яхши бўлишга, яхши из қолдиришга унда б туради.**

\* \* \*

Демак, дин бизнинг қон-қонимизга, онгу шууримизга шу қадар теран сингиб кетганки, уни ҳеч қандай куч, ҳеч қандай ташвиқот билан чиқариб бўлмайди.

\* \* \*

Халқимизнинг минг йиллик тарихини, бугунги маънавий ҳаётини, дину диёнатимизни мухтасар ифодалаб айтиш мумкинки, Аллоҳ бизнинг қалбимизда, юрагимизда.

\* \* \*

Бинобарин, халқ ҳақида, унинг миллий хусусиятлари ҳақида кўр-кўrona ҳукм чиқариб бўлмайди.

\* \* \*

...Мен ҳам шу халқнинг бир фарзандиман, шу миллатнинг бир ўғлиманин. Алҳамдуиллоҳ бир мусулмон фарзанди сифатида халқимга хос исломий тушунча ва туйгулар менинг ҳам қалбимда, юрагимда барқарор ва мен бу дунёю у дунё ўз эътиқодимдан қайтмайман.

\* \* \*

Оқ қорани, дўст-душманни танийдиган халқимиз дин нимаю сохта ақидалар нималигини, ким пок нијатли художўй инсону ким мунофиқ, риёкор эканини яхши билади.

\* \* \*

Муқаддас ислом динини ниқоб қилиб манфур ишларни амалга ошираётган аллақандай мутаасиб кучлар, табиийки, ер юзидағи барча мусулмонларнинг руҳий олами ва дунёқарашини белгилай олмайди.

\* \* \*

Энг ачинарлиси шундаки, бу ёвуз кимсалар ҳали онги шаклланиб улгурмаган, тажрибасиз, гўр ёшларни ўз тузогига илинтириб, бош-кўзини айлантириб, улардан ўзларининг ифлос мақсадлари йўлида фойдаланмоқда. Бу эса исломнинг инсонпарварлик гояларини обўёсизлантиришга сабаб бўлмоқда.

\* \* \*

...Мен Ўзбекистон раҳбари сифатида қандайдир ёвуз кучлар муқаддас ислом динимизни, ота-боболаримиз эътиқодини, мусулмон фуқароларимизни таҳқирлашга, жамиятимиз ҳаётига хавф туғдиришга ҳеч қачон йўл қўймайман. Бу вазифани ўзимнинг нафақат Президент

\* \* \*

Олднимизда турған эң мұхим масала, бу — миңлий истиқтол мағкурасини яратыш ва ҳәётимизда татбиқ этишдір.

\* \* \*

Миңлий истиқтол мағкураси халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, дилига, руҳиятига асосланиб, келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат түйғуларини онгимизга сингдириши лозим.

## АЛЛОҲ ҚАЛБИМИЗДА, ЮРАГИМИЗДА

Шарқнинг минг йиллик фалсафасио ислом қадриятлари тараққиёт учун бебаҳо хазинадир.

\* \* \*

Токи биз улуг боболаримизнинг бекіёс ақл заковати билан фахрланиб юрганимиз сингари келгуси авлодлар ҳам бугунги олимларимизнинг илмий қашфиётлари ва салоҳиятларидан ҳамиша ифтихор қыл-синлар.

\* \* \*

Қадимги аждодларимиз комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий талаблар мажмуасини, замонавий тилда айтсак, шарқона ахлоқ Кодексини ишлаб чиққанлар. Киши қалбіда ҳаромдан ҳазар, нопокликка, адолат-сизликка нисбатан муросасиз исён бўлиши керак.

\* \* \*

Ислом дини — бу ота-боболаримиз дини, у биз учун ҳам иймон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат эканлигини унутмайлик. У қуруқ ақидалар йигиндиси эмас. Ана шу маърифатни кишиларимиз жон-жон деб қабул қиласидилар ва яхши ўгитларга амал қиласидилар. Меҳр-оқибатли, номусли, ориятли бўлишга, иззат-эҳтиром тушунчаларига риоя этишга ҳаракат қиласидилар.

\* \* \*

Дин одамзодни ҳеч қачон ёмон йўлга бошламайди. Дин бу дунёнинг ўткинчи эканини, охиратни эслатиб туради, одам боласини хушёр бўлишга, ҳаром йўллардан узоқ юришга, яхши бўлишга, яхши из қолдиришга ундан туради.

\* \* \*

Демак, дин бизнинг қон-қонимизга, онгу шууримизга шу қадар теран сингиб кетганки, уни ҳеч қандай куч, ҳеч қандай ташвиқот билан чиқариб бўлмайди.

\* \* \*

Халқимизнинг минг йиллик тарихини, бугунги маънавий ҳаётини, дину диёнатимизни мухтасар ифодалаб айтиш мумкинки, Аллоҳ бизнинг қалбимизда, юрагимизда.

\* \* \*

Бинобарин, халқ ҳақида, унинг миллий хусусиятлари ҳақида кўр-кўрона ҳукм чиқариб бўлмайди.

\* \* \*

...Мен ҳам шу халқнинг бир фарзандиман, шу миллатнинг бир ўғлиман. Алҳамдулиллоҳ бир мусулмон фарзанди сифатида халқимга хос исломий тушунча ва туйгулар менинг ҳам қалбимда, юрагимда барқарор ва мен бу дунёю у дунё ўз эътиқодимдан қайтмайман.

\* \* \*

Оқ қорани, дўст-душманни танийдиган халқимиз дин нимаю сохта ақидалар нималигини, ким пок нијатли художўй инсону ким мунофикс, риёкор эканини яхши билади.

\* \* \*,

Муқаддас ислом динини никоб қилиб манфур ишларни амалга ошираётган аллақандай мутаасиб кучлар, табиийки, ер юзидағи барча мусулмонларнинг руҳий олами ва дунёқарашини белгилай олмайди.

\* \* \*

Энг ачинарлиси шундаки, бу ёвуз кимсалар ҳали онги шаклланиб улгурмаган, тажрибасиз, гўр ёшларни ўз тузофига илинтириб, бош-кўзини айлантириб, улардан ўзларининг ифлос мақсадлари йўлида фойдаланмоқда. Бу эса исломнинг инсонпарварлик фояларини обрўсизлантиришга сабаб бўлмоқда.

\* \* \*

...Мен Ўзбекистон раҳбари сифатида қандайдир ёвуз кучлар муқаддас ислом динимизни, ота-боболаримиз эътиқодини, мусулмон фуқароларимизни таҳқирлашга, жамиятимиз ҳаётига хавф тудиришга ҳеч қачон йўл кўймайман. Бу вазифани ўзимнинг нафақат Президент

сифатидаги, балки бир мусулмон инсон сифатидаги муқаддас бурчим деб биламан.

\* \* \*

Юртимиздаги бутунги бунёдкорлик ишларимизда фаол қатнашаётган, давлатимиз сиёсатини кўллаб-куватлаётган, ҳар ибодатида Ватанимиз тинчлиги, халқимиз омонолигини Яратгандан илтижо қилиб яшайдиган миллионлаб соф ниятли мусулмонлар бор. Уларнинг ўздиний эҳтиёжларини бундан буён ҳам эмин-эркин адо этишлари учун ҳеч қандай монелик қилинмайди. Мен бунга асло йўл қўймайман.

\* \* \*

Ҳаммамиз яхши биламиз, Куръони Каримда бирорнинг қонини ноҳақ тўкиш гуноҳи азим, дейилган. Бир бегуноҳ одамни ўлдириш — бутун оламни ўлдириш билан тенг, дейилган. Хўш, ўзини «ҳақиқий мусулмон» деб ҳисоблайдиган, лекин қилмиши қўпорувчилик, хунрезлик, қотилликдан иборат бўлган бу манфур кимсаларнинг мусулмончиликка қандай даҳли бор?!

\* \* \*

Биз маана шу ёруғ кунларда яшаёттанимиз учун, юрту элизимизнинг тинчлиги учун, фарзандларимиз бағримизда эмин-эркин униб-ўсаёттани учун Аллоҳ таолога доимо шукроналар айтамиз.

\* \* \*

Нега биз мустақиллижимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб... улуғ аждодларимизнинг табаррук номларини тиклашга киришдик? Чунки бу буюк инсонларнинг азиз номлари, ўлмас мероси муқаддас динимиз билан чамбарчас боғланиб кетган. Уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Биз динимизни бу улуғ номларсиз, бу улуғ номларни эса динимизсиз тасаввур қила олмаймиз.

\* \* \*

Биз бу мутафаккирларимизнинг қутлуғ меросидан бутун халқимиз, жумладан, ёшларимизнинг маънавий мухитда камол топишига, ислом динининг инсонпарварлик фалсафаси, буюк юялари ёш авлод юрагидан ҳам жой олишига шароит яратмоқдамиз. Бошқача айтганда, биз фарзандларимизни дунёвий билимлар билан бир қаторда И мом Бухорий тўплаган ҳадислар,

**Нақшбандий таълимоти, Термизий ўгитлари, Яссавий ҳикматлари асосида тарбия қилмоқдамиз.**

\* \* \*

...Агар мендан, нега миллий қадриятларимиз шунча замонлар оша безавол яшаб келяпти, деб сўрашса, бу — аввало, муқаддас динимиз ҳисобидан, деб жавоб берган бўлур эдим. Шу заминда ўтган неча-неча авлодлар диний эътиқодни юракда сақламаса, ислом фалсафасини ривожлантириб келмаса, биз бебаҳо ва бетакрор маънавий-рухий меросдан маҳрум бўлиб қолардик.

\* \* \*

Ислом динимизнинг муқаддас мероси — фалсафа илмини, хусусан, Шарқ фалсафасини теран ўрганиш, шу асосда улуғ маданиятимиз ва қадриятларимиз илдизларини жонлантириш, яқин ўтмишимииздан қолган мафкурадан халос бўлиш, ўзимизнинг ўтмиш синовидан ўтган, улуғ аждодларимиз бизга қолдириган миллий мафкура ва тафаккуримизни тиклаш, уни замонавий умумбашарий руҳ билан бойитиш ҳаммамизнинг дол зарб вазифамиздир.

\* \* \*

Бинобарин, дин одамларда ишонч ҳиссини мустаҳкамлаган. Уларни поклаб юксалтирган. Ҳаёт синовлари, муаммо ва қийинчиликларни енгиб ўтишларида куч бағищланган. Умуминсоний ва маънавий қадриятларни сақлаб қолиш ҳамда авлоддан-авлодга етказишига ёрдам бериб келган. Шунинг учун ҳам дин инсоннинг ишончли ҳамроҳи, одамзот ҳаётининг бир қисми бўлиб келмоқда.

\* \* \*

Биз дин бундан бўён ҳам аҳолини энг олий руҳий, ахлоқий ва маънавий қадриятлардан, тарихий ва маданий меросдан баҳраманд қилиш тарафдоримиз. Лекин биз ҳеч қачон диний даъватлар ҳокимият учун курашга, сиёsat, иқтисодиёт ва қонуншуносликка аралашиш учун байроқ бўлишига йўл қўймаймиз.

## **САВОБ ВА ЭЗГУЛИКНИНГ БОҚИЙЛИГИ ХУСУСИДА**

Дунё ўткинчи. Дўппини бир айлантиргунча орадан шитоб билан неча йиллар ўтиб қетади. Узлигини англаб етган, қалбига кулоқ солган ҳар бир инсон ўзига,

мен бу фоний дунёда нима иш қилдим, яна қандай ишлар қилишга вақтим ва қурбим етади, деган саволни бериши керак. Ана шу савол инсон қалбини тозартиради, уни босавоб, эзгу ишларга чорлайди.

\* \* \*

Савоб ва хайрия деган муқаллас тушунчалар жуда кенг. Бозору мозорларни обод қилиш, бева-бечораларга, муҳтоҷ инсонларга, оиласарга, болалар ва норасидаларга муруваттага кўрсатиш ҳам мусулмончилик талабларига киради. Буни асло унутмаслигимиз керак.

\* \* \*

Биз андиша, ўзбекчилик, мусулмончилик деган эзгу тушунчаларни ўзига ниқоб этган ана шу кусурдан бутунлай холи, бутунлай холис бўлишимиз керак. Андиша ўз йўли билан, лекин инсон энг аввало журъатли ва жасур бўлиши лозим. Дард яширилса, оқибати ёмон бўлади, мадда бойлаб кетади. Ўз дардимизни ўзимиз ошкор этишимиз, ўз вақтида чора топишимиш, тузатишимиш, бу ҳар кунлик одатимизга айланиши зарур.

\* \* \*

Ҳеч ким дунёга устун бўлмайди. Ҳар бир одам бу дунёда ўзининг ҳаётидан рози бўлиб кетмоғи керак. Аммо рози бўлмоқ учун, мамнун бўлмоғи учун у ҳаётида арзийдиган ишлар қилган бўлиши керак.

\* \* \*

Ҳар бир одам «Мен кимман ўзи. Бу дунёга нимага келдим? Дунёга келиб нима қилдим?», — деб ўз-ўзидан сўрайди. Шу саволларга бемалол жавоб бермоқ учун у умри давомида савоб ишларни кўпроқ қилмоққа шошилмоғи керак.

\* \* \*

Менинг эзгу тилагим: илоё, оналаримиз, боболаримиз ва бувиларимизнинг умрини берсин. Ёш авлодга — кўзимизнинг нури бўлмиш азиз фарзандларимизга куч-кувват, ақл-заковат, гайрат ва шиҳоат, битмас-туғанмас омад ёр бўлсин.

\* \* \*

Ҳаёт шундайки, инсон вақтга, замонга ҳоким эмас. Вақт ўтар, лекин одамзотнинг эзгу ишлари бокийдир. Инсоннинг инсонга меҳри, оқибати, яхшилиги йўқолмасдир.

\* \* \*

Эзгулкка садоқати бўлмаган, бирон нарсага ихлос кўймаган, ишонмаган одам кўрқинчлидир.

\* \* \*

Гумроҳликдан оғир гуноҳ йўқ. Халқ жипслиги учун ҳар қанча хизмат этсак, шахсий фароғатдан воз кечсак арзиди.

\* \* \*

Ҳалоллик ва фидоийлик фаолиятимизнинг асосий мезони бўлсин.

\* \* \*

Яхши одам ҳар куни эътиқодини алмаштирумайди. Эътиқод ва иймон бир либос эмаски, бугун бунисини ечиб ташлаб, эртага янгисини кийсанг.

\* \* \*

Наслу насабини билмаган киши инсон саналмайди... Виждон билан, иймон билан, диёнат билан ўйнашиб бўлмайди.

\* \* \*

Мехр-оқибат, муруват бўлмаган жамият ҳалокатта маҳкумдир.

\* \* \*

Ҳар ким савоб иш қилсин, ҳар кун савоб иш қилсин.

\* \* \*

Яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам қайтади, дейдилар.

\* \* \*

Биз орзу этган буюк давлатни бунёд этиш барчамиздан мустаҳкам иродга, имон-эътиқод, миллий ғуур туйғуси, буюк аждодларимиздан мерос қолган маънавий бисотта эга бўлишни талаб қиласди.

\* \* \*

Виждон олий ҳакамдир. Буни унудишига ҳаққимиз йўқ. Бизда барчага қонун билан виждон эркинлиги берилган. Иймон-эътиқод даҳлсизлиги учун тегишли имкониятлар яратилган.

\* \* \*

...Ҳеч ким дунёга устун бўлмайди. Охири келиб мана шу табаррук тупроққа бош қўяди. Шундай экан, ҳар

бир одам, дунёда нима учун яшадим, қандай савобли ишлар қилдим, деган саволни ўзига бериши керак.

\* \* \*

Масжидга одамлар покланиб кирадилар. Масжидда доимо самимий, рост гапирадилар.

## ШАРҚОНА ВА УМУМБАШАРИЙ ҚАДРИЯТЛАР

Мустақил Ўзбекистоннинг куч-қудрати манбаи — халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлиги-дир.

\* \* \*

Хотирасиз баркамол киши бўлмагандек, ўз тарихи-ни билмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмайди.

\* \* \*

Ислом дини мутаассиб дин эмаслигига имоним ко-  
мил.

\* \* \*

Аслини олганда, ахлоқ — маънавиятнинг ўзаги. Ин-  
сон ахлоқи шунчаки салом-алик, хушмуомаладангина  
иборат эмас. Ахлоқ — бу аввало инсоф ва адолат туй-  
гуси, иймон, ҳалоллик дегани.

\* \* \*

Умумбашарий ва миллий қадриятларни уйғулаш-  
тириш негизида миллий онг ва демократик тафаккур  
тарбиясини кучайтирайлик.

\* \* \*

Биз бугунги кунда ана шундай улуф аждодларимиз,  
мамлакатимиз ва миллатимиз ифтихори бўлган ноёб  
қадриятларимиз билан хақли равишда фахрланамиз.  
Худди ана шу қадриятлар ўтиш даврининг қийинчи-  
лик ва мураккабликларидан бизни асрамоқда, мадад  
бўлмоқда.

\* \* \*

Манфаатпарастлик йўлида қилинган ҳар бир қин-  
ғир иш, у қанчалик баландпарвоз таъриф-тавсифларга  
ўралмасин, фатволар тўқиб чиқарилмасин, барибир Ва-  
танга хиёнатдир.

\* \* \*

Инсон эътиқодсиз, иймонсиз яшай олмайди. Чун-

ки комил ва событ эътиқод жамият маънавий қиёфасини белгилайди.

\* \* \*

Жамиятимизни ислоҳ қилиш ва янгилаш бошлангани туфайли инсон маънавияти, юксак ахлоқ ва маданиятининг курдатли қатламлари очилди, гўзал миллий анъаналар тикланди, жаҳон цивилизациясига салмоқли ҳисса қўшган улуғ аждодларимизнинг улкан маънавий меросига мурожаат этиш бошланди.

\* \* \*

Маърифатли Мовароуннаҳр руҳи, темурийлар даврида фан ва санъатнинг гуллаб-яшнагани Европада уйғониш жараёнига ҳаётбахш таъсир этганини, умумжон тараққиётига кўмаклашганини англаб фаҳрлана-миз.

\* \* \*

Ҳаётнинг ўзи бизга турли миллат, эътиқод ва дин вакиллари ўргасида ўзаро ҳурмат ҳукм сурган шароитдагина умумий хонадонимиз, умумий келажагимиз, фарзандларимиз келажагини кўриш мумкинлигини кўрсатиб турибди.

\* \* \*

Мехр ва қадр бор ерда ҳамма нарса бор, қадр кетса, ҳамма нарса қўлдан кетади.

## **ХАЛҚҚА, ИНСОНГА МЕХР-МУҲАББАТ — ОЛИЖАНОБ ФАЗИЛАТ**

Чунки мен бошлиқман, бинобарин, кимгадир ёқаман, кимгадир ёқмайман. Қандайдир кучларнинг йўлини тўсиб турибман. Мен раҳбарман, халқимизнинг ишонч-иродаси билан сайланган одамман. Демак, юртимиздаги ҳаёт учун, барқарор турмуш, тинчлик-осойишталик учун авваламбор мен жавобгарман.

\* \* \*

...Бир фикрни айтмоқчиман: шахс сифатида менга сунқасд қилиш бошқа, халқимизга, олиб бораётган сиёсатимизга сунқасд қилиш — бу мутлақо бошқа нарса.

\* \* \*

Мени қийнайдиган, қалбимни ўртайдиган энг оғир фожиа шуки, бугунги маъшум воқеалар туфайли қанча

бегуноҳ одам ҳалок бўлди, ота-она, оила, бола-чақаси бағридан жудо бўлди? Уларнинг гуноҳи нима?

\* \* \*

Бу маъшум, разил ишни бажарганлар ва уларнинг ортида турган кучлар ўйламайдики, ахир begunoҳ одамнинг ўлими учун нафақат бу дунёда, у дунёда ҳам муқаррар жавоб бериш керак-ку! Бугун ҳеч қандай айби йўқ, тинч юрган одамларнинг қони тўкилди. Майли, душман бўлса, менга душман бўлсин, лекин бу одамларнинг гуноҳи нима? Нима учун улар ёвуз қотиллар кўлида қурбон бўлиши керак?

\* \* \*

Албаттa, талофатлар битиб кетади, шикастланган бинолар тикланади. Лекин мени бир савол қийнайди: ҳалок бўлганларнинг оила аъзолари, қариндош-уруглари, яқинлари, ёру биродарлари юзига қандай қарайман? Уларнинг айби нима?

\* \* \*

Сизларга очиқ айтишим керак: мен ақлли, кўпни кўрган баъзи одамлардан «Сенга нима керак? Нима қиласан ҳамма нарсага ўзингни уриб? Нима қиласан ўз принципингда бунчалик қатъий туриб? Сиёсатда андиша, муросай мадорага риоя қиласанг бўлмайдими, ўзингни ўтга-чўқقا уриб нима қиласан, барибир бу ҳаётни ўзгартира олмайсан», деган гапларни кўп эшиг-ганман. «Минг йиллардан бўён ҳаёт шу тарзда давом этиб келяпти, уни ўзгартириб бўлмайди, нима қиласан ўзингни бунчалик куйдирив, жонингда қасдинг борми?» деган гапларни ҳозир ҳам айтиб туришади.

Буларга жавобан мен шу фурсатдан фойдаланиб айтмоқчиманки, одамлар ҳар хил бўлади. Борингки, мана шундай ҳаракатлар билан бирорни кўрқитиш, йўлидан қайтариш мумкиндири. Лекин баъзи бир одамлар борки, уларни асло ўзгартириб бўлмайди, жумладан, менга ўхшаган одамни ўзгартириб, йўлидан қайтариб бўлмайди.

\* \* \*

Менинг ҳаётим — иш, уй. Шу ҳалқ, шу миллат ташвиши. Менда яна нима бор, қандай ҳузур-ҳаловат бор?

\* \* \*

Ўйлайман. Кўп ўйлайман, кечалари ухламасдан чиқаман баъзан. Менинг ҳам болаларим, учта набирам

бор. Мен ҳам болаларимнинг бахтини кўрмоқчиман, набираларимини уйлантирмоқчиман. Бу ҳам табиий бир орзу. Лекин бунга ниманинг эвазига, қандай қилиб эришиш мумкин? Ўз эътиқодини, ўзининг иродасини, иймонини сотиб ҳам бунга етиб бориш мумкин. Лекин, ўйлайманки, ҳар қайси иродам бор, иймоним бор, деган вижданли одам бу йўлга асло кўнмайди, рози бўлмайди. Менинг шу гапимга, ҳозир билдирган фикримга онгли яшайдиган, иймони бутун одамлар қўшилади, деб ўйлайман.

\* \* \*

Мен яна бир масала хусусида кўп фикр қиласман: одамзот бу ҳаётдан ҳар хил яшаб ўтиши мумкин. Инсоннинг ёши улгайган сари бу ҳақда кўпроқ ўйлайди. Кимдир эрталаб туради, кечгача ҳар хил юмушлар, керак-нокерак ташвишлар билан банд бўлади. Лекин ҳаётнинг мазмуни ҳақида ўйлаб кўрмайди.

\* \* \*

Ҳаётда бўладига ўқеа-ходисаларни юракдан қабул қилиш, ҳис қилиш туйғусини Худо ҳаммага ҳам беравермайди. Бу ҳам табиий ҳол. Аллоҳ таоло ҳаммамизни ҳар хил қилиб яратган.

\* \* \*

...Бугунги кунда кўпчилик, аксарият халқимиз орасида, Ватан, эл-юрт ҳақида, иймон ҳақида шу тушунчаларни фарзандларимиз, ёшларимиз онгига сингдирешга ҳаракат кучаймоқда. «Ҳаётнинг мазмуни нимадан иборат?» деб бош қотирадиган, ўзини ўзи қийнайдиганлар сони кўпайиб боряпти. Ўйлайманки, ана шу руҳда тарбия топадиган ёшларимизнинг эртанги куни ёруғ бўлади.

\* \* \*

Кўпгина одамлар ўз умрининг охирида: «Мен ҳаётимни қандай кечирдим, бошқалар эса қандай ўтказди?», деб ўзига ўзи савол беради. Мен умрбод ўзимни қийнаб, азалий муаммоларга жавоб топаман, деб яшадим, булар эса ҳаётнинг барча лаззатларидан, яхшиликларидан, кулагилларидан баҳраманд бўлиб яшади, деган саволларга дуч келади.

\* \* \*

Хўш, ўйлаб қўрайлик, аслида ким баҳтли? Бу икки тоифа инсондан қай бири баҳтли?

Мен ўйлайманки, авваламбор ҳаёт мазмунини ўйлаб яшаган одамлар бахти.

\* \* \*

Бу ҳаётдан енгил-елди яшаб ўтиш ҳам мумкин. Аммо ҳаётнинг моҳияти, умр маъноси, охират ҳакида қайғурадиган, келажак мазмуни, фарзандлар истиқболи ҳакида ўйлайдиган, нима қилсан шу болаларим мендан кейин бахти-саодатли, соғ-саломат, тўқ-фаровон бўлади, деган ташвиш билан яшайдиган одамларнинг сони эса, ишончим комилки, кўпроқ. Бундай одамларни ўзгартириш қийин. Мен ҳам шундай одамман. Худо таоло мени шундай қилиб яратган. Хоҳлардимки, мени ҳаёт ҳам, халқимиз ҳам шундай қабул қилсин.

\* \* \*

Агар одамнинг бахти нимада, деб сўралса, мен кимки ўз ички дунёси, бошқача айтганда, иймон-эътиқоди амрига бўйсуниб яшаса, шундан розилик, қаноат туйса, шубҳасиз, ана шундай инсон бахтидир, деб жавоб берган бўлардим.

\* \* \*

Инсон ўз виждони, иродаси, иймонига қулоқ солмасдан ҳаёт кечирса, ўйлайманки, охир-оқибатда, боши ташвишу фурбатдан чиқмай қолади, пушаймонлик ва надоматлар ўтида ёниб-куяди, ўзидан ўзи, ўтган умридан норози бўлади.

\* \* \*

...Халқнинг бахт-саодат йўлида, фаровон келажак йўлида ҳар қанча меҳнат қилсак, заҳмат чексак арзийди.

\* \* \*

Шу ҳаяжонли дақиқаларда сизларга кўнглимдаги яна бир гапни айтмоқчиман.

Мен умрбод она халқим билан бирга, унинг журматига муяссар бўлганимдан, таъбир жоиз бўлса, унинг корига яраганимдан ўзимни бахти ҳисоблайман.

\* \* \*

Орқамизда ким турибди? Тоғдек халқимиз турибди. Тоғни ким ҳам ўрнидан суро олиши мумкин, халқни ким ҳам бу танлаган йўлидан қайтара олиши мумкин? Ҳеч ким!

\* \* \*

...Инсон табиати ноҳақлик, зулмни қабул қилмайди. Авваламбор, Худонинг ўзи буни қабул қилмайди.

\* \* \*

Бир воқеани билиш учун одам уни ўз кўзи билан кўриши керак, кўзини очиб қараш керак.

\* \* \*

Бу ҳаётда бева-бечоранинг пешонасини силаган, етим-есирларга ёрдам берган, одамларни оғирини енгил қилган инсон ўзини баҳтиёр санашга албатта ҳақлидир.

\* \* \*

Аммо тарихнинг бурилиш нуқтасида, улуг бир миллатнинг ноҳақ таъқиб ва хўрликдан асрари; унинг ўзлигини англаш, қадди-қоматини кўтариб мағрур яшашга даъват этиш; буюк мэрраларга чорлаш, содда қилиб айтганда озодлик ва эркинлик, мустақиллик ва истиқлол йўлига бошлиш — ҳар кимга ҳам насиб этмайди.

\* \* \*

Менинг пешонамга ана шундай тақдир, ана шундай қисмат битган экан. Мен бу қисматни ўзим учун ҳам бахт, ҳам шараф деб биламан. Чунки мен учун Ватан озодлиги, халқимнинг омонлиги, юртимнинг равнақи, мана шу муқаддас заминимизда яшайдиган ҳар бир оиланинг фаровонлигидан бошқа олий саодат йўқ.

\* \* \*

Менинг бир армоним борки, шу ҳақда айтмасам бўлмайди. Кўпчилик қаторида менинг ҳам ёшим, умрим ўтмоқда. Давлат ишлари билан мураккаб, оғир, ўзининг ечимини талаб қилиб турган кундалик муаммолар билан банд бўлиб, бир нарсадан вақти келиб афсусланаман.

Менинг энг катта армоним оддий, содда кишилар орасида кўпроқ бўлиш. Бугунги ҳаёт қийинчиликлари га бардош бериб яшаётган оила — хонадонларда бўлиш, ҳаётининг аччиқ чучугини бошидан кечирган отахон, онахонларимиз, фахрийларимиз, энди ҳаётга кириб бораётган ёш йигит, қизларимиз билан сухбат қуришдир.

\* \* \*

Шундай одамлар, шундай халқимиз бор экан, улар билан ҳар қандай қийинчиликларни, ҳар қандай тўсиқларни енгиб ўтиш мумкинлигини ҳис этиб, кучимга — куч қўшилди..

\* \* \*

Мени халқ сайлаган... Шунинг учун мен, аввало, халқимга суюнаман. Чунки халқ катта куч. Ўз халқим-

дан куч оламан. Мени, халқимизни бундай пўписалар билан кўрқитиш қийин.

\* \* \*

Халқни меҳр-оқибатли қилиш, бир мақсад йўлидан бирлаштириш борасида чеккан заҳматларимиз, қийинчиликларимиз, билингки, ҳеч қачон зое кетмайди. Одамлар ҳамма нарсани, кимнинг қандайлигини доим кўриб, билиб туради.

\* \* \*

Эгнига тўн, бошига дўппи кийган, кўли қадоқ меҳнаткашлар билан учрашганимда, уларнинг юз — кўзида, чехрасида ўтган кунидан розилик, ҳаётдан хурсандлик аломатларини кўрсам, бошим кўкка етгудай бўлади.

\* \* \*

Халқ — катта куч. Ҳамма гап — шу кучдан оқилона фойдаланиш, одамларни савобли, ижобий ишларга жалб қила билишда.

## ИНСОН БАХТ УЧУН ТУГИЛАДИ

Инсон сўзи Она, Ватан деган каломлар каби муқаддасдир. Бу муқаддасликни, инсон эркининг дахлизлигини мустаҳкам қонунларимиз ҳимоя қилиши керак.

\* \* \*

Инсон салоҳияти энг фаол, энг бунёдкор омил бўлиб, у мамлакатнинг ислоҳотлар ва туб ўзгаришлар йўлидан тинимсиз илгарилаб боришини таъминлаб беради.

\* \* \*

Жамиятнинг сиёсий ҳаётидаги энг муҳим ютуғумиз эса — ҳар бир инсон ва фуқаронинг тафаккури ва дунёқараши ўзгараётгани, унинг сиёсий ва ижтимоий онги, умумий савияси изчил равишда юксалиб бораётганидир. Биз энди беш йил олдинги одамлар эмасмиз. Бу ҳақиқат жамиятимизнинг турли жабҳаларида яққол намоён бўлмоқда. Буни кўрмаслик, сезмасликка олишнинг иложи йўқ.

\* \* \*

Аслида инсон баҳт учун, дунё неъматларидан баҳраманд бўлиш учун түғилади.

\* \* \*

Ўтмишда яшаган инсонларнинг хурматини бажо этар эканмиз, бугунги кунда яшаб, мустақиллигимиз учун, халқимизнинг фаровон ҳёти учун курашиб келаётган фидой инсонларимизни унутмаслигимиз керак.

\* \* \*

Инсон дунёга яхши иш қилиш, яхши из қолдириш учун келади.

\* \* \*

Ҳар бир инсон ўзича тақрорланмасдир.

\* \* \*

Жамиятнинг ҳақиқий бойлиги бу — инсон, инсон авлодидир.

\* \* \*

Элни иззат қылсанг, эл ҳам сени иззат қиласди.

\* \* \*

Жамиятдаги ҳар қандай янгиланиш, ҳар қандай ўзгариш, аввало инсон учун, унинг ҳаётини фаровон этиш учун амалга оширилмоғи даркор.

\* \* \*

Инсон ва давлат ўргасидаги муносабталарда инсон манфаатлари устувор бўлиши керак.

\* \* \*

Шу заминда яшаётган ҳар бир инсон — миллати, дини ва эътиқодидан қаъти назар — Ватанимиз фарзандидир.

\* \* \*

Бугунги олиб бораётган ишларимизда ҳали дунёга келмаган авлодларнинг ҳам истак ва умидлари бор.

\* \* \*

Умум эътироф этган қоидага кўра, ҳар бир шахс фақат бир давлатнинг фуқароси бўла олади.

\* \* \*

Биз кураётган жамият чинакам инсонпарварлик жамияти бўлиши даркор.

\* \* \*

Давлат жамиятнинг кескин табакаланишга — ошибтошиб кетган бойлару, камбағал-қашшоқларга бўлинниб кетишинга йўл кўймаслиги керак.

\* \* \*

Инсоннинг энг устувор ва муқаллас хукуқларидан бири — бу тинч яшаш хукуқидир.

\* \* \*

Ҳар бир инсон умид билан яшайди. Орзу-ҳавасимга эришсам, болаларимнинг роҳатини кўрсам, уларнинг камолига гувоҳ бўлсам дейди. Бу айниқса, бизнинг болажон ҳалқимизда ёрқин намоён бўлади. Не-не ота-бобаларимиз озод кунлар учун ўзларининг жонини қурбон қилғанларини шундай кутлуғ кунда эслаш ўринилдири. Уларга таскин берган ягона нарса ҳам мен кўрмаган баҳтили кунларни болаларим кўрсин, деган кутлуғ ният эди.

\* \* \*

Бизнинг энг катта таянчимиз—ҳалқимизнинг иродаси, ҳалқимизнинг имонидир.

Менинг Аллоҳдан сўрайдиганим—эл-юртимизни, унинг тинчлигини, тотувлигини ўзи асрасин, барчамизни паноҳида сақласин.

\* \* \*

Аҳолининг муҳтоҷ табақаларини ижтимоий ҳимоялаш сира кечикириб бўлмайдиган, энг устувор вазифа, амалий ҳаракатларнинг энг асосий қоидаси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади.

\* \* \*

Ички сиёсатнинг негизи — инсон манфаатларига қаратилган меҳнатни рафбатлантириш, кучли механизмга эга бўлган ва аҳолининг ижтимоий ночор қатламларини давлат йўли билан ҳимоя қиласидиган бозор иқтисодиётини куришдан иборатdir.

\* \* \*

Ички сиёсатнинг етакчи принципларидан бири ҳар бир кишининг корхоналар, тармоқлар, минтақалар ва умуман давлатнинг манфаатларини монанд равишда уйғунлаштиришни таъминлашидан иборатdir.

\* \* \*

Одамлар яхши яшай бошлайдиган давр — иқтисодий салоҳиятнинг ўсиши, уларнинг маънавий савиясиги ҳам кўтаради.

\* \* \*

Эл-юргнинг маъракасидан қолмаслик керак. Дабдабали тўйларга бормаслик мумкин, лекин таъзияда азадор билан бирга бўлиш керак.

\* \* \*

Етим-есирнинг бошини силаган, улардан ёрдамини аямаган одам ҳеч қачон хор бўлмайди. Халқ ва Ватанга садоқат ота-онага кўрсатилган садоқатдан бошланиди.

\* \* \*

Фарзандларимиз биздан афзалроқ, ўткирроқ, покроқ ва савобли ишларни биздан ҳам кўпроқ қиласиган бўлишлари лозим. Улар жаҳон умумбашарий ютуқларини эгаллаши, тарихимизни, маданиятишимизни, буюк аждодларимиз қолдирган меросни чукур билмоғи керак.

\* \* \*

Республикамизда ёш авлод саломатлиги ҳақида қайтириш давлат сиёсатига айланади. Бу ҳаммамиздан ва ҳар биримиздан оналар ва болалар саломатлиги ҳақида кўпроқ ўйлашни, кўпроқ ишлашни тақозо этади.

## МИЛЛИЙ ФУРУР ВА ФАХР-ИФТИХОР

Буюк давлатнинг одамлари, энг аввало, эркин ва озод бўлиши, уларда миллий фурур доимо жўш уриб туриши, Ватан туйғуси ҳар бирининг юрак-юрагидан жой олиши керак.

\* \* \*

Томирида миллий фурур, ватан ишқи жўш урмаган одамдан жасорат қутиб бўлмайди. Биз шундай муҳит яратишимиш керакки, юртимизнинг ҳар бир бурчагида, ҳар бир фуқаро қиёфасида озод ва обод Ватандан фахрланиш ҳисси қўзимизни яшнатиб турсин.

\* \* \*

Миллий фурур ҳақида гапирганда, уни улуғлаганда ҳеч ким ўз миллатини бошқалардан устун қўймаслиги керак. Дунёда катта ёки кичик миллат йўқ, балки ҳар бир миллатнинг ўз фурури бор. Уни камситишга эса ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

\* \* \*

Ана шу миллий онг, ана шу миллий фурур бугунги истиқлолимизнинг олтин пойdevоридир.

\* \* \*

Агар инсон ўз ютидан фурурланмаса, юртини ёмон кўзлардан асрар учун ўзини аяса, унда бундай жамиятнинг келажаги йўқ.

\* \* \*

Миллий онги, миллий ифтихори баланд миллатни енгигиб бўлмайди.

\* \* \*

Халқимизнинг миллий онги, фурури ўсиши билан муштарак ҳолда дунёқараши, тафаккури ҳам янгиланмоқда.

\* \* \*

Миллий тимсоллар ва рамзларнинг ҳар бири миллий фуруримизни юксалтиришга хизмат қиласиди. Уларнинг ҳар бири — катта бир дарслик, кучли тарбия воситасидир.

\* \* \*

Ҳар бир авлод эл-юртининг тарихини ва обрўйини ўзининг фарзандлик муҳаббати ва эътиқоди, садоқати ва бунёдкорлиги, матонати ва мардлиги билан барпо этади.

\* \* \*

Давлатимиз рамзлари — байроқ, тамға, мадҳия Ўзбекистон халқларининг шон-шарафи, фурури, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида мужассамлаштиради. Мана шу рамзларни эъзозлаш — ўзининг қадр-қимматини, ўз мамлакатига ва шахсан ўзига бўлган ишончни мустаҳкамлаш демакдир.

\* \* \*

Ўз мамлакати билан фаҳрланадиган инсон жуда кўп нарсаларга қодирдир. Бу эса оиланинг ҳам, ўз Ватанининг ҳам шон-шуҳратини оширади.

\* \* \*

Ўз оиласи, насл-насаби билан фаҳрланиш ватан-парварлик туйғусига чуқур ҳамоҳангдир. Бу, энг аввали, оилавий анъаналарни авайлаб сақлаш ва бойитиш, ота-боболарнинг муборак номларига доғ туширмасликка интилиш, ўз меҳнати, билимлари билан насл-насаб обрўсини мустаҳкамлаш, одамларнинг ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлиш истагидир.

\* \* \*

Ўзбек халқининг юксак миллий қадр-қиммати, орномуси ва шон-шарафи унинг ўта меҳрибонлиги ва соғ вижданлигига асослангандир. Биз бундан кейин ҳам ўзбекларнинг миллий фурурини маънавий юксалтирамиз, шу билан бирга умумий Ватанимизда биз би-

лан бирга яшовчи ва Ўзбекистон Республикасига садо-  
қатли бўлган бошқа барча халқлар билан биродарлик-  
ка интиламиз.

\* \* \*

Миллий туйғу инсон учун табиийдир, чунки у ота-  
оналардан мерос қилиб олинган ва бола ўз ота-онаси-  
га, бутун дунёга айтган биринчи сўзида ифодаланади.  
Ўз халқига, унинг аъналарига, тили ва маданиятига  
муҳаббат ва ҳурматни тарбияламасдан туриб, ўз халқи-  
ни миллатларнинг бутун жаҳон ҳамжамиятида тенг-  
лардан бири сифатида идрок қилувчи ҳақиқий инсон-  
ни, ўз Ватанининг жонкуярини тарбиялаш мумкин  
эмас.

\* \* \*

Миллий туйғу инсон учун табиийдир, чунки у ота-  
оналардан мерос қилиб олинган ва бола ўз ота-онаси-  
га, бутун дунёга айтган биринчи сўзида ифодаланади.

\* \* \*

Буюк давлатнинг одамлари, энг аввало, эркин ва  
озод бўлиши, уларда миллий фурур доимо жўш уриб  
туриши, Ватан туйғуси ҳар бирининг юрак-юрагидан  
жой олиши керак.

\* \* \*

Халқимизнинг миллий онги, фурури ўсиши билан  
муштарак ҳолда дунёқараши, тафаккури ҳам янгилан-  
моқда.

\* \* \*

Миллий онги, миллий ифтихори баланд миллатни  
енгиб бўлмайди.

## **ТАРИХ МИЛЛАТНИНГ ҲАҚИҚИЙ ТАРБИЯЧИСИ, МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ МАНБАИДИР**

Тарихга мурожаат қиласар эканмиз, бу халқ хотираси  
эканлигини назарда тутишимиз керак. Хотирасиз бар-  
камол киши бўлмаганидек, ўз тарихини билмаган халқ-  
нинг келажаги ҳам бўлмайди.

\* \* \*

**Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади.**

\* \* \*

Тарихни билмай туриб, мафкуранинг фалсафий не-  
гизларини англаб бўлмайди. Чунки, мафкуранинг фал-

сафий асослари ўз даврида тарихий ҳақиқат туфайли туғилган.

\* \* \*

Тарихни яхши билмасдан туриб, юксак маънавиятга эришиш мумкинми? Албатта мумкин эмас! Маънавиятини тиклаш, туғилиб ўсган юртида ўзини бошқалардан кам сезмай, бошини баланд кўтариб юриши учун инсонга, албатта, тарихий хотира керак.

\* \* \*

Ҳар қайси инсон мен шу миллат фарзанди эканман, менинг аждодларим кимлар бўлган, миллатимнинг ибтидоси қайда, унинг оёқقا туриши, тикланиш, шаклланиш жараёни қандай кечган, деган саволларни ўзига бериши табиий.

\* \* \*

Тарихий илдизини излаган одам... аминманки, тўғри хулосалар чиқаради. Тарихий хотираси бор инсон — иродали инсон. Такрор айтаман иродали инсондир.

\* \* \*

Ким бўлишидан қатъи назар, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса, бундай одамларни йўлдан уриш, ҳар хил ақидалар таъсирига олиш мумкин эмас. Тарих сабоқлари инсонни ҳушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди.

\* \* \*

Инсон учун тарихдан жудо бўлиш ҳаётдан жудо бўлиш демакдир.

\* \* \*

Кимгadir ворис бўлиш керак бўлса, биз Берунийларга, Бухорийларга, Амир Темур, Мирзо Улугбек, Мирзо Бобурларга ворис бўламиш.

\* \* \*

Биз халқни номи билан эмас, балки маданияти, маънавияти орқали биламиш, тарихининг таг-томирларигача назар ташлаймиз.

\* \* \*

Модомики, ўз тарихини билган, ундан руҳий қувват оладиган халқни енгиб бўлмас экан, биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан куроллантиришмиз зарур. Тарих билан куроллантириш, яна бир бор куроллантириш зарур.

\* \* \*

Биз юргимизни янги босқичга, янги юксак маррага олиб чиқмоқчи эканмиз, бунда бизга ёруф ғоя керак. Бу ғоянинг замарида ҳалқимизнинг ўзлигини англаши ётади. Ҳаққоний тарихни билмасдан туриб эса ўзликни англаш мумкин эмас.

\* \* \*

Биз буюк давлат қуришни ўз олдимиизга мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунинг учун замонавий сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий, манавий имкониятларимиз билан бир қаторда тарихий асосимиз ҳам бор. 2700 йиллик буюк давлатчилик ўтмишнимиз бор.

\* \* \*

Хўп, ўтмиш билан фахрланиш керак, ифтіхор қилиш зарур, лекин биз фақат шу билангина чегаралиб қолишнимиз мумкин эмас. Сабаби, фақат ўтмиш обрўси билан яшаб бўлмайди.

\* \* \*

Илгари айтган бир фикримни яна такрорламоқчи-ман: ҳар бир авлод тарихнинг ўзига тегишли саҳифасини ўзи ёзиши лозим.

\* \* \*

Тарих миллатнинг ҳақиқий тарбиячисига айланиб бормоқда. Буюк аждодларимизнинг илмлари ва жасоратлари тарихий хотирамизни жонлантириб, янги фуқаролик онгини шакллантирмоқда. Ахлоқий тарбия ва ибрат манбаига айланмоқда.

\* \* \*

...Ватан, миллат тақдири ҳал бўладиган қалтис ва зиятларда тўғри йўлни танлай олиши учун аввало тарихни ва ҳаётнинг аччиқ-чучигини билиш керак экан.

\* \* \*

Тарих инсоннинг кўзини очар экан. Шунда кўп хатоларнинг олдини олиш мумкин бўлар экан. Чунки инсоният тарихида даврлар, жараёнлар чархпалак каби айланиб, қайтарилиб туради. Фақат бу ҳолатлар янги тарихий босқичда янгича шаклда рўй беради.

\* \* \*

...Бизнинг тарихимизда ҳам ўсиш, юксалиш ва та-назул замонлари бўлган. Ҳалқимиз бошидан кўп нарсани ўтказган. Зафарларни ҳам, мағлубият ва парокан-

даликини ҳам кўрган. Бунга Амир Темур хукмронлик қилган ва ундан кейин кечган жараёнлар ёрқин мисол бўла олади.

\* \* \*

Буюк аждодимиз юксак тараққий топган давлат барпо этгани ва бу мамлакатда «Куч—адолатда» деган бош шиор давлат сиёсатининг, жамият ҳаётининг асоси бўлганини яхши биламиз. Бу фоя одамларга куч берган, уларда инсоф-диёнатта, эзгуликка ишонч уйғоттан.

\* \* \*

...Тарих сабоқлари бизни ҳар хил нотўғри қадамлардан огоҳ этувчи, сақлаб турувчи омил бўлиши лозим. Чунончи, халқ, милиат тақдирига даҳлдор масалаларда палапартиш, оқибатини ўйламасдан иш тувиш ярамайди.

\* \* \*

Одамларга яхши кўринаман, деб «чиройли» шиорлар билан жамиятни маҳлиё қилмоқчи бўлганларнинг бугунги аҳволи қандайлигини кўриб турибмиз. Бу ҳам, керак бўлса, кечаги тарих сабоғи эмасми?

\* \* \*

Эски жамиятни танқид қилиш осон, лекин янги жамият куриш ниҳоятда қийин ва машаққатли жараён.

\* \* \*

Яқин ўтмишимизнинг яна бир сабоғи шундаки, милиат, давлат, жамият тақдирин ҳал бўлаётган паллада ўзлигимизни англаш, маънавий илдизларимизни унумаслик катта аҳамиятта эга.

\* \* \*

Ҳар бир авлод эл-юртининг тарихини ва обрўйини ўзининг фарзандлик муҳаббати ва зътиқоди, саодати ва бунёдкорлиги, матонати ва мардлиги билан барпо этади.

\* \* \*

Бугунги кечираётган ҳаётимиз, ҳаракатларимиз, интилишишимиз тарихда қолади. Келгуси авлодлар бу тарихни мустақиллик, озодлик, хуррият тарихи деб эъзозхурмат билан эслашлари муқаррар.

\* \* \*

Йиллар ўтади, асрлар ўтади. Янги авлодлар мут-

лақо янги жамиятда, жаҳоннинг энг илғор мамлакатларидан бирига айланган (бунга ишончим көмил) хур Ўзбекистонда яшайди. Она юрт тарихи, мустақилик учун кураш тарихини ўрганади.

\* \* \*

Мен тарихни зиддиятлар ва душманлик эмас, халқлар ўртасидаги ҳамкорлик ва бир-бирига бўлган ишонч олға жилдиришига аминман.

\* \* \*

Наслу-насабини билмаган киши инсон саналмайди. Неча йиллар бизни тарихимииздан, динимииздан, маънавий меъросимиздан ғофил этишга уриндилар.

\* \* \*

Ўз тарихи ва аждодларини сийлаган халқнинг келажаги, албатта порлоқ бўлади.

\* \* \*

Тарих миллиатнинг ҳақиқий тарбиячисига айланиб бормоқда. Бу аждодларимизнинг ишлари ва жасоратлари тарихий хотирамизни жонлантириб, янги фуқаролик онгини шакллантирмоқда. Ахлоқий тарбия ва ибрат манбаига айланмоқда.

## ИРОДА ВА ИЙМОН – ЭЪТИҚОДИМИЗ СИНОВИ

...Синов қийинчиликлар пайтида, бошга кулфат тушганда, одамзод иродасининг, иймонининг мустаҳкамлиги, ҳаётта, ён-атрофдагиларга муносабатида намоён бўлади.

\* \* \*

...Халқимизга мустаҳкам иродаси, ҳамжиҳатлиги, амалга ошираётган ишларимизга юксак ишончи учун таъзим қилсак арзийди.

\* \* \*

Ўтган мусибатли кунларда ваҳима ва парокандаликка тушмаган, ўзининг кучли иродасини кўрсаттан халқимиздан жуда миннатдорман... Бундай халқни ҳеч қачон енгид бўлмаслигига, ў ўз фарзандларини ёвуз кучларга бериб қўймаслигига яна бир бор қатъий ишонч ҳосил қилдим.

\* \* \*

...Сезгир ва ҳушёр бўлишимиз керак... Атрофимиздаги ва орамиздаги ғанимларимизни таниб олиш, биз-

га ким душману ким дўстлигини яна бир бор англаб етишимиз зарур.

\* \* \*

**Инсон эътиқодсиз, иймонсиз яшай олмайди. Чунки комил ва событ эътиқод жамият маънавий қиёфасини белгилайди.**

\* \* \*

**«Мардлик ва муруватни Аллоҳ ҳам, халқ ҳам улуғлайди», дейди соҳибқирон бобомиз Амир Темур.**

\* \* \*

...Соҳибқирон Амир Темур бобомиз айтганлариdek, «...ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир кипи минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир».

## РАҲБАР — ФИДОЙИ ИНСОН

Хозирги кунда ҳар бир раҳбар кадрнинг қанчалик масъулият билан ишлаши ҳамда соф вижданлигига кўп нарса боғлиқ.

\* \* \*

Раҳбар фаолиятини баҳоловчи бош мезон унинг ишни ташкил қила билиш қобилиятидир. Раҳбар ишни шундай ташкил қилинки, одамлар: ҳа, бу халқ фаронлиги йўлида фамхўрлик қилувчи ва уни ҳамма нарсадан юксак кўювчи раҳбар дея олсин.

\* \* \*

...Илгари раҳбарларнинг обрўсини унинг лавозими, ўтирган биноси, ёнида туриб қўлловчи тирговчилар ҳал қилган бўлса, бугун шуни аниқ тушунишимиз лозим — қуруқ савлату ўзганинг ёрдами билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди.

\* \* \*

Моддий неъматларнинг яратувчиси — халқ, маънавий бойликлар эгаси — халқ. Халқнинг турмуш шароитини билган, унинг кўнглини олишга қурби етган раҳбаргина одамларни бунёдкорлик ишларига етаклай олади.

\* \* \*

...Орамизда бирорларнинг пинжига кириб олиб, ҳеч ким билан муносабатни бузмасликни шиор қилган кимсалар ҳам борлигини дангал айтиш керак. Улар ҳар

қандай сиёсат, ҳар қандай ҳокимиятта бирдек мосла-шиб кетаверишлари мумкин.

\* \* \*

Раҳбарлик қобилияти бўлган, керак бўлса, қаттиқўл-лик хусусиятларига эга, инсофли, диёнатли одамлар-нингтина раҳбарлик тўнини кийишга маънавий ҳақи бор. Элим, юргим деб ёниб яшаш керак, деган шиор энг аввало ана шу раҳбарларнинг ҳаётий маслаги бўлмоғи лозим.

\* \* \*

Етакчи бўлиш учун ҳаётни билиш, оммага таяниш керак.

\* \* \*

Бутунги кунда Ўзбекистон келажагини яратадиган сергайрат ёшларимизни бошимизга кўтаришимиз лозим. Ватан учун жонини жабборга бериб ишлайдиган фидойи кишиларсиз Ўзбекистон келажагини тасаввур этиб бўлмайди.

\* \* \*

Раҳбар одам — юртнинг отаси, катта-кичикка, бою-камбағалга бирдай муносабатда бўлиши лозим.

\* \* \*

Таъмагирлик, тўрачилик, порахўрлик, кибр-ҳаво, коррупция ниҳоятда юқумли ва хавфли касалликдир.

\* \* \*

Халқни алдаб бўлмайди. Қинғир одамнинг қилиғини ўзи билдирамаса, боласи билдиради. Боласи билдирамаса, хотини билдиради. Хотини билдирамаса, ёнидаги малайлари билдиради.

\* \* \*

Халқ назаридан қолиши эса — агар жиндек виждони бўлса, ўлим билан барабардир.

\* \* \*

Аммо виждонли одамлар, улар ким бўлмасин, тарих талабидан, охират сўроғидан кўрқиши керак, ўйлаши керак, адолат мезонини эсидан, хаёлидан чиқармаслиги лозим.

\* \* \*

Раҳбарнинг ишига халқ ўзи баҳо беради. Энг олий ҳакам — вақт. Раҳбарлик лавозимига кўтарилган кишиларнинг энг буюк, энг муқаддас вазифаси — уни тарбия қилган, билим берган, юксак мартабага олиб чиқсан халқига сидқидилдан хизмат қилиш.

\* \* \*

Барча бўғинларда инсофли, диёнатли, билимдон, тажрибали раҳбар бошчиллик қўлмас экан, мустақил мамлакатимизнинг обрўси, унинг манфаати учун мардлик, жонкуярлик билан ишламас экан, ишларимиз кўнгилдагидек бўлмайди.

\* \* \*

Агар менинг камтарона хизматим маъқул бўлса, халқимга минг бор қуллук, таъзим қиласман. Лекин, биродарлар, бу — менинг раҳбарлик бурчим, халқимга фарзандлик бурчим.

\* \* \*

Юрга бош бўлиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Бу ҳам Оллоҳнинг инояти. Худо берган оғир, масъулиятли бурчни оғишмай, доҳийлик касалига берилмай адо этиш учун жуда катта ақл-идрок ва фаҳм-фаросат керак.

\* \* \*

Ҳақиқий раҳбар дегани одамларнинг бардошини си-наш билан эмас, балки уларга муносиб шарт-шароит яратиб бериш, оғирини енгил қилиш билан танилади.

\* \* \*

Раҳбар айтган ҳар бир сўзнинг ўз тошу тарозиси бор, тоғдай ваъдалар бериб бажармаган, арзгўйларнинг кўйинини пуч ёнгоқقا тўлдириб, иш масъулиятини зиммасига олмаган раҳбарларга шафқат қилиб ўтирамаймиз.

\* \* \*

Ойда бир марта ҳалққа кўриниш бериб, кейин яна бир ойгача соя-салқиндан ҳаловат топадиган тўра ва тўрачаларнинг ишлайдиган замони ўтди!

\* \* \*

Энди зиммасига масъулият олишдан чўчимайдиган кишилар ишлайдиган замон келди.

\* \* \*

Мустақиллик фақат нон билан чой эмаслигини, у аввало, маънавий, яъни одамни одам қиласиган, миллатни миллат қиласиган тушунча эканини одамлар онгига сингдираолмаса, ундан раҳбарнинг кераги йўқ.

\* \* \*

Заиф, ўз соясидан қўрқадиган, лекин ўз манфаатини эсидан чиқармаётган шахслар — ўйинчилар билсинки, уларнинг замони — даври ўтди.

\* \* \*

Жасур, матонатли раҳбар элнинг дуосини олади, масъулиятни англамайдиган, мақтовни ўзи олиб, хато ва камчиликни бошқаларга ағдарадиган, тили бошқа-ю дили бошқа кимсалардан худо сақласин.

\* \* \*

Садоқатли бўлиш учун инсон аввало мард бўлиши керак экан... Садоқатли одам бошига қилич келганда ҳам сўзидан, аҳду қароридан қайтмайди. Инсон аввало оиласига, халқига, Ватанига садоқатли, вафодор бўлиши зарур.

\* \* \*

Ҳар қайси раҳбар — аввалимбор инсон. Инсоннинг ўзига хос камчиликлари бўлиши табиий. Лекин манманлик, бошқаларни менсимаслик, ўзини катта тутиш, гердайиш, ўзбошимчалик энг хунук, ҳеч кимга ёқмайдиган хусусиятлардандир.

\* \* \*

Албатта, ҳеч ким осмондан раҳбар бўлиб тушмайди. Инсон фақатгина олижаноб фазилатларга эга бўлиб туғилмайди.

\* \* \*

Агар бу дунёда чексиз ишонч ва юксак журмат-эътиборга сазовор бирор одам бўлса, мен ўша, кечаю кундуз халқимнинг баҳтини, иқболини тилаб худога минг шукроналар айтиб юрган инсонман.

\* \* \*

Ишончим комилки, Сизларнинг ҳар бирингиз удабурон, ишнинг кўзини биладиган, астойдил киришса тоғни талқон қилишга қодир ғайратли кишиларсиз. Савобли ишларга одамларни бошлиш, етакчилик қилиш ҳар бирингизнинг кўлингиздан келади. Бундан менинг кўнглим тўқ.

\* \* \*

Агар мендан бугунги ҳаётимизда аниқ сиёсатимизни ўтказишда энг оғир муаммо нима, деб сўралса, аввало, шу сиёсат учун, керак бўлса жонини фидо этадиган раҳбарларни, жонкуяр ижрочиларни топиш деб жавоб берган бўлур эдим.

\* \* \*

Сотқинлик — маккор дўстнинг иши. Мен ҳар қандай ёвузликни сотқинликдан кўраман.

\* \* \*

Биз ҳаммамиз кечаги куннинг тарбиясини олганмиз. Биронтамиз ҳам осмондан тушганимиз йўқ. Ўша турғунлик даврларида яшадик.

\* \* \*

Бинобарин, саводли ҳалқ ва илмли раҳбарлар билан ишлаш ҳам осон, ҳам завқли.

\* \* \*

Эртанги кун янгича фикрлайдиган, замонавий билимларга эга бўлган юксак малакали мутахассисларни талаб этади.

\* \* \*

Ҳар бир ишда маданият бўлишига эришишимиз лозим.

\* \* \*

Жойлардаги мутасадди раҳбарлар ҳам мен одамлар учун, ҳалқим учун нима иш қилдим, қандай бино қурдим, қайси йўл билан одамларнинг оғирини енгиллатдим, дея ўзига савол бериши керак.

\* \* \*

Зоро, кимданки эл рози бўлса, яратган ҳам рози бўлади.

\* \* \*

Ҳар бир етакчи ўз жамоаси, тумани учун муайян маънода карvonбошидир. Карvonбошининг эса ҳаловати бўлмайди. У одамлар ташвиши билан яшashi керак.

\* \* \*

Ҳар қайси инсон қаерда бўлмасин ва қайси вазифани бажармасин, у вилоят раҳбарими, туман ҳокими, хўжалик, ёки корхона раҳбарими, оддий касб ёки оддий дехқонми — мартабаси ёки касбидан қатъи наzar, ўзини ҳаром-хариш ишлардан тийсин ва ўз жойида ўз вазифасини ҳалол бажарсинг.

\* \* \*

Раҳбар сайланадиган пайтда, албатта, энг биринчи навбатда, унинг ташкилотчилик қобилияти, ташаббускорлиги, мутахассислиги, малака ва савияси эътиборга олинади.

\* \* \*

Ношуд раҳбарнинг хушомадгўйлари, лаганбардорлари рост гапни айтган одамнинг ҳолинивой қиласди.

\* \* \*

Дарҳақиқат, раҳбарми, оддий ишчими, у ҳалқнинг вакилидир. Бизда айрим раҳбарлар мансаб курсисига эришгани ҳамоно ҳалқдан ўзини ажратишга уринади.

Аслида мансаб ҳалқдан ўзини устун сезиш учун эмас, унга сидқидилдан хизмат қилиш учун берилади.

\* \* \*

Халқ орасидан ажралиб туришнинг биргина кўринишини оқлаш мумкин. У ҳам бўлса, фидойиллик, бошқалардан кўра кўпроқ меҳнат қилиш, қаҳрамонликдир.

\* \* \*

Хоҳ катта, хоҳ кичик корхона ёки ташкилот раҳбари ўз ходимининг ташвишларидан хабардор бўлмас ва уларни севмас экан, у раҳбар бўлишга нолойикдир.

\* \* \*

Ҳар бир инсон ва биринчи навбатда мансабдорлар ўз жойида ҳалол, сидқидилдан меҳнат қиласа ва ўз бурчини вижданан бажарса... Унда олам сўзсиз гулистон бўларди.

\* \* \*

Халқ вақтингча давом этаётган қийинчиликларга чидаши мумкин, Лекин билиб қўяйлик, такрор айтаман: адолатсизликка чидамайди! Буни унтиш масъул лавозимдаги шахсни бамисоли устунлари чириб қолған бинога ўхшатиб кўяди.

\* \* \*

Халқ қаллоб ва юлгичларни кўриб-билиб турибди ва ҳеч қачон кечирмайди. Халқнинг сабр-тоқати чексиз эмас, қилмиш-қидирмиш деганлариdek, жиноятчиларга айбига яраша жазо бериш даркор. Жиноий жазодан кутлиб қолиш мумкин. Аммо, худонинг қаҳри, халқ нафрати ва лаънатидан қочиб кутулиб бўлмайди. Халқнинг назаридан қолиш, ҳаром йўл билан ортирилган бойлик бир кунмас-бир кун муқаррар тешиб чиқади.

\* \* \*

Ўз қадрини билган раҳбар мақтовга зор эмас. Албатта, юртга бош бўлиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Бу ҳам Аллоҳнинг инояти. Худо берган оғир, масъулиятли бурчни оғишмай, доҳийлик касалига берилмай адо этиш учун жуда катта ақл-идрок ва фаҳм фаросат керак.

\* \* \*

Энди зиммасига масъулият олишдан чўчимайдиган кишилар ишлайдиган замон келди.

\* \* \*

Ўта ўқимишли, руҳан бардам ва жисмонан бақувват кишиларгина истиқбол ва тараққиёт йўлини босиб ўта олади.

\* \* \*

Мен илгари нутқларимда кадрларни бир неча тоифага ажраттган, кимлар билан қандай ишлаш кераклиги тұғрисида фикримни баён этган әдим. Бириңчи тоифа, бу — ҳозирғи оғыр вазиятдан фойдаланиб қолишига ҳаракат қыладиган, фақат ўз манфаатини ўйлайдыған, халқ-ғам ташвишидан бегона кимсалардир. Иккінчи тоифа эса-бефарқ, лоқайд одамлар бўлиб, уларни «ўйинчи» дегим келади. Бундай раҳбарлар ҳеч кимга қарши гапиришни, душман ортиришни ҳохламайди. Ўйин билан юрибди. Шамолга қараб туради. Хушомадгўйлик билан овора.

\* \* \*

Энди ёш, эл-юрг ишига жонини тиккан — мен учинчи тоифага кириптан кадрларга умид боғлашимиз керак.

\* \* \*

Мен вилоят раҳбари, туман, шаҳар раҳбари, хўжалик раҳбарлари, қўйинки, одамларнинг ишончига сазовор бўлган барча раҳбарларга таъкидлаб айтмоқчиман. Биз ўтказаётган сиёсатнинг рўёбга чиқиши сизнинг фолиятингиз билан узвий боғлик. Сизлар комил инсон тарбияси моҳиятига чуқур кириб бориб, ўта масъулият билан ёндошмас экансиз, бу дастурни рўёбга чиқариш жуда қийин.

\* \* \*

Раҳбарлар бошқалардан кўра узоқни аниқ ва теран кўришлари керак. Биз, раҳбарларга, халқ доимо ишонч ва умид билан қарайди.

\* \* \*

Баъзи раҳбар шахсларни ишдан олиш, уларнинг наздида, жонини олишдай гап. Кўрқади. Нега? Кўлидан бошқа иш келмайдими? Оч қоладими? Йўқ. Сабаби шуки, амалини сунистеъмол қилиб келган бўлади. Мансабдан манфат топмаса, нега бунча кўрқади?

\* \* \*

...Заиф раҳбар кучли муовиндан кўрқади.

\* \* \*

Бириңчи раҳбарликни зиммасига олган шахсга кўп хукуқ берилган, лекин унинг масъулияти ҳам каттадир.

\* \* \*

Раҳбар бўлиш ҳамманинг ҳам пешонасига ёзилмаган.

\* \* \*

...Мақсад муродимизга етиш учун нима керак, деб сүралса — авваломбор эл-юргимизга инсофли, диёнатли, билимдон, тажрибали раҳбарлар, фаоллар керак, эл-юрг обрўси учун, ватанимиз манфаатлари учун жонини тиккан жонкуяр, камарбаста раҳбарлар керак.

\* \* \*

Халқ нонини түя қилинаётганларга нисбатан кескин чоралар кўрилмаяпти. Зиммасига юклатилган вазифани бажармаса бу идоранинг нима кераги бор. Порахўрлик учун-ми? Оддий фуқарони ҳимоя қилиш учун эмасми? Табиий савол туғилади: милиция ўз бурчини бажармаса, божхона ходимлари порахўр бўлса, прокурор заиф ўйинчи бўлса, ҳокимларнинг қулоғи кар, кўзи кўр бўлса, оддий фуқаро кимга боради? Уни ким ҳимоя қиласди? Унинг ташвиши, ғамини ким чекади? Қани адолат, қани ҳақиқат? Шу ишни бажармаса елкасига погон таққанлар нега керак? Нима учун уларга отнинг калласидек ойлик бериб кўйибмиз? Нима учун шунча шароит яратиб бердик? Одамларни ҳимоя қилиш учун эмасми?

\* \* \*

Энг аввало, раҳбардан ақл-идрок талаб этилади. Ақл-идрокли бўлиш билан бир қаторда раҳбар одам мустаҳкам иродали, иймони бутун, ориятли бўлиши шарт. У бағри кенг, айни замонда талабчан бўлиши шарт.

\* \* \*

Раҳбарнинг обрў-эътибори пўрим кийиниши, савлату салобат билан эмас, балки етим-ецирларга, ногиронларга, муҳтожларга, кексаларга меҳрибонлиги билан ўлчанади.

\* \* \*

Халқقا, ватанга садоқат ота-онага садоқатдан бошланади. Ота-онаси рози инсондан худо ҳам рози.

\* \* \*

Биз раҳбарлик лавозимларида ўқимишли, илму фанга чанқоқ изланувчан кишиларни кўрмоқни истаймиз.

\* \* \*

Раҳбар шахс энг камида битта касб-ҳунар негизини билиши, шу касб эгаси сифатида бошқаларга устозлик қила оладиган даражада бўлиши шарт. Маданият, одобахлоқ бобида ҳам кишилар ўз раҳбарларидан намуна олса нақадар ибратли бўларди!

\* \* \*

Чинакам раҳбар енгил-елпи шуҳратга, қуруқ дабда-  
бага учмайди. У ўз қадрини билиши баробарида ўзга-  
ларнинг ҳам қадрига етади.

\* \* \*

Юраги, тафаккури, мағкураси, нияти бошқа бўлган  
кимсалар бундан буёғига аравадан тушиб қолаверади...

\* \* \*

Биз ҳеч кимни мажбуран раҳбарликка қўяётгани-  
миз йўқ. Бу борада ҳеч кимга зугум ҳам қилинаётгани  
йўқ. Агарки, қайси бир раҳбарга шу сиёсат маъкул  
бўлмаса ёки ўзи шу сиёсатга муносиб бўлмаса, мардо-  
на келиб, энди, бу талаблар жуда кучайиб кетди, мени  
ўз ҳолимга қўйинглар, мен бу мақсадларга лойиқ эмас-  
ман, деб айтиши лозим эмасми?!

\* \* \*

Минг афсуски, айрим раҳбарларимиз айтаётган,  
юритаётган сиёсатларига ўzlари ишонмайди. Гоҳ у то-  
монга, гоҳ бу томонга шоҳ ташлаб «ўйин» қилиб тур-  
ди. Иродаси мўрт, иймони суст бундай раҳбарларнинг  
хатти-ҳаракатларига қатъият билан муносиб баҳо бе-  
риш лозим.

\* \* \*

Бугунги замонда садоқатли бўлиш қийин. Оқим у  
томонга тортади, нафс бу томонга, «ўйинчилик» бош-  
қа томонга. Шундай пайтда одам агар мард бўлса, иро-  
даси бақувват бўлса, иймони бутун бўлса, у ёқ-бу ёқقا  
оғиб юрмайди.

\* \* \*

Раҳбар бўлиш учун авваламбор курашчи бўлиш ке-  
рак, иродаси бақувват, иймони бутун бўлиши даркор.  
Етакчи раҳбар, шахс биринчи галда пок ва шижоатли,  
азму қарор соҳиби бўлиши лозим.

\* \* \*

Эски мустабид, хукмронлик, зўравонлик, буйруқ-  
бозлиқ замонига қайтиш йўқ. Эски тизимда суяги қот-  
ган, шу замонни кўмсаб юрган, истаб, ҳавас қилиб  
юрган раҳбарларга орамизда ўрин бўлмаслиги керак.  
Буни ҳаммамиз англаб олишимиз зарур.

\* \* \*

Эҳтимол, нопок раҳбарнинг қилмишларини назо-  
рат органлари билмаслиги ҳам мумкин. Аммо ҳалқ би-  
лади. Ҳалқ билган куни бундай раҳбар назардан қо-  
лади.

Халқ назаридан қолиш эса агар жиндек виждони бўлса, ўлим билан баробардир.

\* \* \*

Ҳар ким ўз нонини ҳалол топса, ўз вазифасини тўғри бошқарса, олам гулистон бўлмайдими, ахир?

\* \* \*

Раҳбарлик лавозим, мансаб эмас, аввало, одамларга хизмат қилиш масъулияти эканини барча тўғри тушуниб олмоғи лозим. Раҳбар дегани ҳаммадан кўпроқ ишлаб, фуқаролар саодати ва юрти равнақи учун елиб югурладиган фидойи инсон бўлиши керак.

\* \* \*

Халқ ҳамиша ўз дастурхонига, турищ-турмушига қараб раҳбарларнинг ишига баҳо беради... Ўзининг хатти-ҳаракати билан ҳукумат шаънига доғ туширадиган раҳбарлар орамизда бўлмаслиги керак.

\* \* \*

Агар мансабдор раҳбарлик лавозимида ўтирганлар ташаббус кўрсатиб, жонкуярлик қилиб, курашга аввало ўзи бел боғласа, қолаверса, ҳалққа мурожаат қилса, ҳар доим ҳалқимиз ёрдамга чиқади.

\* \* \*

Раҳбарлик қобилияти ҳам, менинг фикримча, одамзодга Аллоҳ таоло берадиган ноёб бир инъомдир. Бинобарин, раҳбар шахс ана шу юксак талаб ва мезонларга муносиб бўлиши зарур.

\* \* \*

Ҳаётий тажриба шуни кўрсатдики, инсофли, янгиллика интилувчи, кучли раҳбар атрофида соғлом фикрловчи, изланувчан, тадбиркор ва ишбилармон кишилар кўпаяди. Қарабисизки, бундай иш қайнаб турган жойда муҳит ҳам соғлом, одамларининг ҳам кайфияти яхши.

\* \* \*

...Одамларнинг бошини қовуштириб, тинчлик-то тувлигини сақлаб, уларнинг эзгу ниятларини амалга ошириш йўлидан бошлайдиган, ҳамдард ва раҳнамо бўлиб, ўзидан ном қолдирадиган ҳам раҳбар. Ёки ақсинча, мансаб курсисига ўтириб, ваъдаларига вафо қилмасдан, ўз манфаатини кўзлаб ҳаром-харишга кўл урадиган, ишнинг кўзини билмасдан, кўлидан иш келмасдан жамоа ҳаётини вайрон қилиб ўзидан доғ қолдирадиган ҳам раҳбар.

\* \* \*

Албатта, ҳеч ким осмондан тайёр раҳбар бўлиб тушмайди. Инсон фақатгина олийжаноб фазилатларга эга бўлиб туғилмайди. Агарки, одамзод ўрганмоқчи бўлса, кундалик ҳаёт ўзининг сабоклари, аччиқ тажрибалари билан уни кўп нарсага ўргатиши мумкин.

\* \* \*

Маърифатсиз раҳбар ҳамиша ўз теварагида маърифатсиз раҳбарларни йигиши билан машғул бўлади. Чунки унинг ягона мақсади ўз амалини мустаҳкамлашдан иборат бўлиб қолади. Шу сабабдан ҳам у файратли, фидойи, маърифатли кишиларни ҳокимиятга яқинлаштирмасликка тиришади, уларни бадном қиласди, уларнинг ютуғидан азобланади.

\* \* \*

Тажриба кўпинча шуни кўрсатадики, янги тайинланган раҳбар аввал бир йил иш ўрганади. Яна бир йил баҳоли-қудрат ишлайди, ҳаракат қиласди. Афсуски, ана шундан кейин, ўзини озгина ушлаб олганидан кейин, бели бакувват бўлиб қолганидан кейин, болачақани жойлаштириб, яна етти пуштига етадиган молбойлик тайёрлаб кўйганидан кейин, қарабсанки, раҳбарнинг ўзиям чақнамайди, кўзиям чақнамайди, ҳаракатлари суст, ишга ҳафсалалари йўқ, кисқача, содда қилиб айтганда, «оқсоқоллик гаштини суреб, шунчаки «ҳорманг!» — бор бўлинг!» деб юрадиган бўлиб қолади.

\* \* \*

Ношуд раҳбарнинг хушомадгўйлари, лаганбардорлари рост гапни айтган одамларнинг ҳолинивой қиласди. Натижада тўғри ва ҳалол гапирадиган одамнинг ҳам ҳафсаласи пир бўлади, у ҳам кўриб кўрмасликка, билиб билмасликка олиш йўлига ўтади.

\* \* \*

Андиша ўз йўли билан, лекин инсон, энг аввало, журъатли ва жасур бўлиши лозим. Дард яширилса, оқибати ёмон бўлади мадда бойлаб кетади. Ўз дардимизни ўзимиз ошкор этишимиз, ўз вақтида чора топишимиш, тузатишимиш, бу ҳар кунлик оддий одатимизга айланиши зарур.

\* \* \*

...Бизнинг сиёсатимиз куйидагича: кимки қачон ва қаерда ишлаган бўлмасин, қайси юксак лавозимда ва қанча кўп йил ишлаган бўлмасин, қандай ишларини, жумладан, ноъмақул ишларни қилган бўлмасин, улар-

нинг кетидан қувиши, эски гуноҳларини ковлаш, уларга «компромат» йигиш, уларнинг ҳаётини бузиш, бола-чакасига, қариндош уруғига тазийқ ўтказиш бизнинг мақсадимизга, сиёсатимизга мутлақо зид.

Улар ўз ҳолини билиб, қилган гуноҳлари учун Оллоҳга чин кўнгилдан тавба-тазарру қилиб ўтираверсин.

\* \* \*

Бугун замон ўзгарди. Эскича фикрлайдиган кадрлар бугунги сиёсатимизга мутлақо тўри келмайди. Яъни лаганбардор, хушомадгўй, ҳар қандай тошириққа ҳам ўйламасдан «лаббай» деб жавоб берадиган, ўз фикри йўқ, аммо ўзидан каттароқ амалдорнинг бемаъни фикрини ҳам сиёсат қилиб олувчиларга энди орамизда ўрин йўқ.

\* \* \*

Икки қўлини кўксига қўйиб таъзим бажо этувчи «мулозим»ларнинг замони ўтди. Бугун уларни Президент эмас, замон қабул қилмайди. Яна такрорлаб айтаман: замон уларни қабул қила олмайди.

\* \* \*

Ўз фикрига эга бўлганлар, дунёқараши кенг, ўз фикрини ҳимоя қилишга қодир бўлганлар, энг муҳими, жамоат манфаатларини ўзининг шахсий манфаатидан устун кўядиганлар, қатъиятли, ориятли, ташкилотчи, эл-юрг дардини юрагидан ўтказадиган мард инсонларнинг замони келди.

Қани энди шундай мардлар юртимизда қўп бўлса!

\* \* \*

Яхшининг қадрини ҳалқ билади, ҳалқнинг тақдирини мард билади, деган нақлнинг маъно-мазмунини ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим.

\* \* \*

Битта ўзини йўқотган қобилиятызиз одам раҳбар бўлиб қолаверса, бунинг жабру жафосини минглаб одамлар тортади.

\* \* \*

Қайси раҳбар ўз ишидан, ҳаётидан қониқиб, интилиш, изланишдан тўхтаса, у ерда тараққиёт бўлмайди.

Минг афсуски, айрим ҳолатларда раҳбарнинг ваколати қанча оширилса, шунча кўп худбинлик касалига учрайди, очкўзлик гирдобига, таъмагирлик комига тушади. Худди дуо кетгандай.

\* \* \*

Лавозим, вазифа ҳақида гап кетганда, каттами-кичикми, тасдиқланиш олдидан текшириб чиқилади, олдинги фаолияти ўрганилади, дуппә-дуруст одам. Соғлом меҳнаткаш оиласда тарбия олган, билими ҳам етарли, ҳаракати ҳам бор. Зиммасига олаётган масъулияти ҳақида гапиради, катта-катта ваъдалар беради. Унинг гапларини эшитиб, эртага масжидга имомликка тавсия қилса ҳам бўлади.

Лавозимга ўтиргандан кейин эса кўпи билан бирикки йил ишлайди, сўнг мутлақо ўзгариб кетади. Ишни атрофдаги одамларни ўзгартиришдан бошлайди.

\* \* \*

Ҳаёт фалсафасидан ва тажрибасидан айтиш мумкинки, ким мўмай даромад, нопок йўл билан бойлик топса, у ҳамиша халқ нафратига учрайди. Ҳалол меҳнати, пешона тери эвазига эмас, ўғрилик, таъмагирлик ва порахўрлик билан топган маблағи ҳеч қачон татимайди. Жамиятта, эл-юртга наф келтирмайди.

\* \* \*

Халқимизда «қўймис-қидирмиш» деган мақол бор. Яна «қингир ишнинг қийиги қирқ йилдан сўнг ҳам чиқади» дейишади. Шундай экан, қингир ишни эл-юрт назаридан яшириб бўлмайди. Бундай одам бугун бўлмаса, эртага шармандаи шармисор бўлиб, шунча йил ишлаб, меҳнат қилиб топган обрў-эътиборини бир кунда йўқотиб қўйиши мумкин.

\* \* \*

Энг оғири — нафақат эл-юрт, балки ўзининг қариндошлари, таниш-билишлари олдида иснодга қолади. Ўз фарзандлари олдида бошини кўтара олмасдан юришдан ортикроқ азоб-укубат бормикан?

\* \* \*

Жамиятимизни янгилаш, ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этиш, бозор иқтисодиёти асосларини барпо қилишга ўтар эканмиз, ана шундай онги қотиб қолган, азму шикоатдан йироқ, эл-юрт манфаати учун куйиб-ёнмайдиган кадрлар муттасил равишда ишнинг белига тепиб туришини ҳис қилдик, очигини айтсам, ҳозир ҳам сезяпман.

\* \* \*

Ислоҳотларнинг тақдирни ва самараси биринчи навбатда кадрларнинг савиясига, уларнинг замон ва тараққиёт талабларига нечоғлик жавоб беришига тақа-

либ қолар эди. Юргимизнинг эртани ҳаёти ва тақдири авваламбор шу муаммоларни узил-кесил ечиш билан чамбарчас боғланганлигини ҳар қайси фикрловчи одам англаши қийин эмас.

\* \* \*

Одамлар ҳар қандай раҳбарни биринчи галда унинг фаолияти, ишининг амалий натижасига қараб баҳолайди. Куруқ савлат ва баландпарвоз гаплар билан эмас, фақат шу ҳисобидан раҳбар обрў топиши, ҳурмат қозониши мумкин.

\* \* \*

Одамларимиз олис қишлоқда ёки катта шаҳарда яшашидан, ишчи ёки зиёли эканидан қатъи назар, ҳозирги вақтда раҳбарларга алоҳида талаб кўзи билан қарамоқдалар.

Одамлар раҳбар курсисида ўтирганлардан биринчи навбатда:

авваламбор, унинг ватанпарвар ва юртпарварлик фазилатларига эга бўлиши, она юртини чин қалбидан севиши ва ардоқлаши, эл юрти учун ўзини аямаслиги, керак бўлса бу йўлда жонини ҳам фидо қилишга тайёр бўлишини,

ўз касб-корининг устаси, шу ишининг чинакам билимдони, бу борада бошқаларга ўрнак бўлишини кутади.

\* \* \*

Жамоатчилик, ҳалқ раҳбар шахснинг мустақил дунё-қарashi, кеңг фикрлаши, узоқни кўра билиш қобилияти билан бошқалардан ажralиб туришини, иймон-эътиқоди мустаҳкам, иродаси бақувват, ор-номусли, ҳаромхариш ишлардан ҳазар қиласиган, изланувчан, ташаббускор, тадбиркорлик фазилатига эга бўлишини, ташкилотчи, талабчан ва қатъиятли бўлишини истайди.

\* \* \*

Афсуски, лавозим, вазифани худди ота-бобосидан қолган мерос деб биладиган раҳбарлар ҳам учраб туради. Ҳаётимизда шундай кимсалар ҳали оз эмаслигини тан олишимиз ва бу каби ҳолатларга қарши курашмомиз зарур.

\* \* \*

Шуни унутмайликки, бу дунёда ҳамма нарса ўткинчидир. Амал ҳам, мол-дунё ҳам, шон-шуҳрат ҳам ўтиб кетади. Фақат ҳалқ, ҳалқнинг хотираси доимо яшайди. Шундай экан, ҳар бир инсон ана шу ҳалқ хотирасида ўзидан яхши ном, эзгу ва савобли ишлар қолдириш ҳақида ўйлаши керак.

## ОИЛА — ЖАМИЯТ НЕГИЗИ

Ҳар бир инсонга ҳаёт ато қилувчи, ҳар бир инсон кўнглини мунааввар этувчи, наинки оиласа, балки бутун жамиятга ҳам ахиллик, тотувлик, меҳр-оқибат бағишлагувчи ҳам аёл зотидир. Аёл — табиатнинг энг буюк мўъжизаси. Бу мўъжиза олдида таъзим бажо этиш ва улуф мўъжизани яратган Оллоҳ таолога чексиз ҳамду санолар айтиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир.

\* \* \*

Мен шуни айтмоқчиманки, Яраттанинг ўзи сиз билан бизга, юртимизга насл-насабимизни асрайдиган, давом эттирадиган гўзал аёлларни — ажойиб мўъжизани ҳам ато этган.

\* \* \*

Ҳар қандай жамоани, ҳар қайси жамиятни, ҳар қандай муҳитни, авваламбор аёлларимиз обод этади.

\* \* \*

Агар дунёда энг мураккаб, шу билан бирга, энг масъулиятли касб нима деб сўрашса мен... ота-оналий, мураббийлик, деб айттан бўлардим. Нега деганда, бунинг масъулиягини, бунинг оқибатини тушуниш керак, англаш керак.

\* \* \*

Оила ҳакида гапирап эканмиз, авваламбор, оила ҳаётнинг агадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайди, муқаддас урф-одатларимизни сақладиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоги эканини тан олишимиз даркор.

\* \* \*

Бола туғилган кундан бошлаб оила муҳитида яшайди. Оиласа хос анъаналар, қадриятлар, урф-одатлар бола зуваласини шакллантиради. Энг муҳими, фарзандлар оиласи ҳаёт мактаби орқали жамият талабларини англайди, ҳис этади.

\* \* \*

Ўзбек оиласи мустабидлик замонида ҳам ўзининг тарихан шаклланган қиёфасини йўқотмади.

\* \* \*

Шарқда қадим-қадимдан оила муқаддас Ватан саналган. Агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳалла-

да тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришилади. Бинобарин, маҳалла-юрт мустаҳкам бўлсагина, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради.

\* \* \*

...Оила фаровонлиги — миллий фаровонлик асосидир.

\* \* \*

Ҳалоллик, росттўйлик, ор-номус, шарму ҳаё, меҳроқибат, меҳнатсеварлик каби барча инсоний фазилатлар энг аввало оиласдан шакланган.

\* \* \*

Юртимиздаги ҳар бир инсон учун Ватан тушунчаси, аввлао, оиласдан бошланади.

\* \* \*

Мендан энг катта бойлик нима деб сўраса, билимли, ақлли, одобли, эргани кунни ўйлайдиган фарзанд ота-онанинг энг катта бойлиги деб айтган бўлур эдим. Бундай бойликка эга бўлганларни жамоа бой-бадавлат ота-она, бой-бадавлат оила деб тан олади. Бундай оила ҳеч қачон хор бўлмайди.

\* \* \*

Оила муқаддаслигин таъминловчи биринчি омил — Она, аҳли аёлнинг покизалиги, оқилалиги, меҳру муруввати, садоқати ва вафодорлигидир.

\* \* \*

Табиийки, Она алласи фақат чакалоқнинг ором олиши учунгина айтилмайди, балки унинг воситасида боланинг кўнгил дунёсига миллий руҳ киради. Она тилидаги меҳр-муҳаббат, наслий туйғулар ва орзулар гўдакнинг жисму жонида илдиз қолдиради.

\* \* \*

Республикада событқадамлик билан ҳалқчил адолатли жамиятни бунёд этиш — бош вазифадир. Меҳнатсевар ва бадавлат, маънавий етук ва маданиятли оила — шу жамиятнинг асосини ташкил этади.

\* \* \*

Ўзининг саломатлиги ҳақида шахсан ғамхўрлик қилиб бориш маданиятини ёшлиқдан, оила, мактаб, маҳалла, соглиқни саклаш тизими, жисмоний тарбия, спортнинг кўмагида сингдириши керак.

\* \* \*

Фарзанд кўриб, ота бўлиш, она бўлиш баҳтдир.

\* \* \*

Хозир тарбия масаласига эътибор берилмаса, кела-  
жак бой берилади.

\* \* \*

Худо берган болани боқиши, тарбиялаш, юртнинг  
асл фарзанди этиб вояга етказиш, аввало шу заминда  
яшаётган, ота-онанинг, қолаверса, шу эл тақдири қўлига  
ишониб топширилган раҳбарларнинг зиммасига юксак  
масъулият юклайди.

## ҲАЁТИМИЗ ЧИРОГИ, УМРИМИЗ ГУЛИ

Биз оила ҳақида гапирав эканмиз, авваламбор, оила  
ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини  
таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлай-  
диган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон  
бўлиб етишишга таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоги эка-  
нини тан олишимиз зарур.

\* \* \*

Биз ўз ҳаётимиз ва келажагимизни қураётганда бе-  
қиёс миллий қадриятимиз бўлмиш оилани асосий та-  
янч деб биламиш. Чунки ўзлигимизга қайтиш, миллий  
урф-одатларимизни эъзозлаш, каттадарга хурмат ва ки-  
чикларга ғамхўрлик, одамийлик, ҳалоллик, олийжаноб-  
лик, меҳру оқибат сингари асл инсоний фазилатлар  
айнан оила мухитида шаклланади.

\* \* \*

...Инсон, Оила, Аёл тушунчаларини бир-биридан аж-  
ралган ҳолда тасаввур этиб бўлмайди.

\* \* \*

Мен инсонни инсон қиласиган ҳам, майиб-маж-  
руҳ, баҳтиқаро қиласиган ҳам оиладир, деган фикрни  
айтиб ўтган эдим. Шу мулоҳазани давом эттириб ай-  
тиш мумкинки, Худонинг марҳамати билан оилани оила  
қиласиган зот — бу Аёлдир.

\* \* \*

...Аёлнинг оиладаги, жамиятдаги мавқенини олиб  
қарайлик. Тарихимизнинг қайси даврига назар сол-  
майлик, Аёл ва Она мудом эзгулик тимсоли; мураббий  
ва комил инсон тарбиячиси бўлиб келганини кўрамиз.

\* \* \*

Оилани ҳам, жамиятимизни ҳам бирлаштириб, унга  
файзу баракот киритадиган, ҳонадоnlаримизни меҳр-

муҳаббат, нафосат, эзгулик нури билан мунааввар қила-  
диган зотлар ҳам аслида мўътабар оналаримиз, мунис  
опа-сингилларимиздир.

\* \* \*

Оқила, гўзал аёллар ўзларининг ғамхўрлиги, меҳри-  
бонлиги, қалби дарёлиги билан оиласдаги, қолаверса,  
бутун жамиятдаги мувозанатни, поклик, ҳалоллик, са-  
мимиият ва адолат муҳитини саклаб турадилар.

\* \* \*

Улуғ донишмандлар Ватанга энг муносиб таъриф  
излаганда, уни Она сиймосига қиёс этганиарида катта  
маъно бор. Дунёда «муқаддас» деган сўзга энг муносиб  
зот ҳам — Онадир.

\* \* \*

Онани эъзозлаш — бизнинг миллиатимиз, ҳалқимиз  
учун олий қадрият даражасига кўтарилиган фазилат. Чун-  
ки аёлларни қанча улуғласак, ҳаётимизнинг чироги, ум-  
римизнинг гули деб эъзозласак, демакки, оиласмизни,  
Ватанимизни эъзозлаган бўламиз.

\* \* \*

Инсоният тарихи шундан гувоҳлик берадики, минг  
йиллар давомида ҳар қайси жамиятнинг маданий да-  
ражаси ва маънавий баркамоллиги аёлларга бўлган му-  
носабат билан белгиланади. Айниқса, аёлларга шарқо-  
на эҳтиром ва эъзоз биз учун ибратли меросдир.

\* \* \*

Бежиз эмаски, Шарқда аёлни фариштага қиёс қили-  
шади. Чунки фаришталар Аллоҳ таоло яратган энг пок,  
энг бегуноҳ зотлардир.

\* \* \*

Халқимизнинг буюк тарихида ўзининг жасорат ва  
матонати, ақл-заковати, нафосат ва назокати билан  
ўчмас ном қолдирган Тўмарис, Бибихоним, Гулбадан-  
беким, Зебуннисо, Нодира, Увайсий, Анбар отин ва  
бошқа юзлаб аёлларимизни ҳамиша эҳтиром билан тил-  
га оламиз.

\* \* \*

Аёлларга бўлган чексиз хурмат-эҳтиромимизнинг яна  
бир сабаби шундаки, аёл — аввало ҳар инсоннинг бе-  
шигини тебратган, оқ сути билан унинг юрагига оди-  
мийлик фазилатларини сингдирадиган, уни ҳаёт бўрон-  
ларидан асраб-авайлайдиган фидойи инсондир.

\* \* \*

...Ўсиб келаётган янги авлодни ким она алласи билан эзгуликка ўргатади, ким уни парвариш қиласи, ким уни Ватанга, халққа садоқат руҳида тарбиялади, ким етук инсон қилиб вояга етказади?

Албатта, халқ тақдири, миллат истиқболи учун ҳал құлувчи ахамиятта әга бўлган бу улуғ ва масъулиятли иш фақат оналарнинг кўлидан келади.

## ЁПЛАР – ЭРТАНГИ ҲАЁТИМИЗ

Демократик жамиятда болалар, умуман, ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган этиб тарбияланади. Агар болалар эркин фикрлашни ўрганмаса, берилган таълим самараси паст бўлиши муқаррар. Албатта, билим керак. Аммо билим ўз йўлига. Мустақил фикрлаш ҳам катта бойликдир.

\* \* \*

...Биз қомил инсон тарбиясини давлат сиёсатининг устувор соҳаси деб эълон қилганимиз. Комил инсон деганда биз, аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-автори билан ўзгаларга ибрат бўладиган: билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз. Онгли, билимли одамни олди-қочди таплар билан алдаб бўлмайди. У ҳар бир нарсани ақл, мантиқ тарозисига солиб кўради. Уз фикр-ўйи, холосасини мантиқ асосида курган киши етук одам бўлади.

\* \* \*

Уз келажагимизни ўз қўлимиз билан курмоқдамиз.

\* \* \*

...Эркин фуқаро — онгли яшайдиган, мустақил фикрга эга бўлган шахс маънавиятини камол топтириш бизнинг бош миллий ғоямиз бўлиши зарур.

\* \* \*

...Олдимизда ниҳоятда муҳим, келажагимизни ҳал құлувчи янги вазифа турибди. Бу вазифа эркин фуқаролик жамиятининг маънавиятини шакллантириш, бошқача айтганда, озод, ўз ҳақ-хукуқларини яхши танийдиган, бокимандаликнинг ҳар қандай кўринишларини ўзи учун ор деб биладиган, ўз кучи ва ақлига ишониб яшайдиган, айни замонда ўз шахсий манфаатларини халқ, Ватан манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган комил инсонларни тарбиялашдан иборатдир. Мен мана шундай инсонлар ҳақида ўйлар эканман, дунёқараши мус-

тақииллик йилларида шаклланган ёшларимизда кела-жак маънавиятиниң умидбахш куртакларини кўргандек бўламан. Ва уларнинг келажагига катта ишонч ва завқ билан қарайман.

\* \* \*

Бизнинг аждодларимиз ҳамиша узоқни кўзлаб яшаган. Миллат, Ватан, халқ истиқболи деган муқаддас тушунчалар ҳамма вақт қалбимизнинг тўридан жой олиб, ҳар биримизнинг хаёлимизда, онгимизда чарх уриб туриши даркор.

\* \* \*

Чинакам халқ бўлсак, чинакам миллат бўлсак, улкан қудратли дарёга айланайлик, фарзандларимизга ўзгалар ҳавас қиласиган озод ва обод Ватан қолдирайлик.

\* \* \*

Ёш йигит-қизларимизнинг ишда, турмушда, оила ва жамоа орасида ўз ўрнини тополмаслик ҳолатлари уларнинг жамиятда ўз қадрини йўқотишига олиб келди.

\* \* \*

Ўз қадрига, ўз шаънига эга бўлмаган инсон ҳаётда кўп-кўп тўсиқларга дучор бўлади, бекарор ва салбий таъсиrlарга тез берилади, унинг шахс сифатидаги емирилиши ҳам тез кечади.

\* \* \*

Дунёга умид билан қадам кўйиб келаётган навниҳол инсон ҳаётдан муносиб ўрнини топса, турмушдан, тақдирдан, ватандан рози бўлиб яшайди, умр бўйи бунёдкорлик фаолияти билан машғул бўлади.

Бу гоят муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган масаладир.

\* \* \*

...Таълимнинг янги модели жамиятда мустақил фикрловчи эркин шахснинг шаклланишига олиб кела-ди. Ўзининг қадр-қимматини англайдиган, иродаси ба-куват, иймони бутун, ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган инсонларни тарбиялаш имконига эга бўламиз. Ана шундан кейин онгли турмуш кечириш жамият ҳаётининг бош мезонига айланади.

\* \* \*

...Таълимнинг янги модели жамиятимизнинг потенциал кучларини рўёбга чиқаришда жуда катта аҳамият касб этади.

\* \* \*

Ҳар қайси инсонда муайян даражада интеллектуал салоҳият мавжуд. Агар шу ички қувватнинг тўлиқ юзага чиқиши учун зарур бўлган барча шарт-шароит яратилса, тафаккур ҳар хил қотиб қолган эски тушунча ва ақидалардан холос бўлади.

\* \* \*

Ўзбек миллатининг, ўзбек фарзандларининг қобилияти, зеҳн-заковат, тиришқоқлик борасида бошқа ҳеч бир миллат ёки халқдан қолишадиган жойи йўқ.

\* \* \*

Бугун жаҳон биздан ўз сўзимизни айтишимизни, ўз тафаккуримизни намоён этишимизни талаб қилмоқда. Бошқа халқлар, бошқа миллатлар бизга ётсираб — беписанд қарамаслиги, балки бизни эътироф этиши, бизни эҳтиром этиши керак. Биз ана шу юксак муносабат ва хурматга лойиқ бўлишимиз даркор.

\* \* \*

Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур тасодифан пайдо бўлгани йўқ — бу айнан шу халқимизнинг қон-қонига сингиган маърифат қонуниятининг давоми.

\* \* \*

Ёшлиарни замонавий фан-техниканинг, умуман илм-фанинг ютуқларидан баҳраманд қилмасдан туриб, уларга юқори малакали ихтисос эгалари бўлиб этишишига шароит түғдирмай туриб, биз республикамиз халқ хўжалигини, саноат ишлаб чиқариши соҳаларини тубдан ўзгартира олмаймиз. Буни ҳам доим ёдда тутиш керак.

\* \* \*

...Ҳар қандай улуғ мақсадларга интилиш, янги жамият, фаровон турмуш қуриш, инсон зотига муносаб гўзал ҳаёт барпо этиш, аввало, шу жамият аъзолари бўлган комил одамларга, келажак баркамол авлодга боғлиқдир.

\* \* \*

Соғлом авлодни тарбиялаш — буюк давлат пойдерини, фаровон ҳаёт асосини қуриш деганидир.

\* \* \*

Буюк давлат, буюк келажагимизга эришиш учун оқил, маърифатли, айни пайтда ўзининг ўтмиши, улуғ қадриятлари, миллати билан фахрланадиган ва келажакка ишонадиган инсонларни тарбиялашимиз керак.

\* \* \*

XXI асрда, мен ишонаман, маданият, илму маърифат учун жонини берадиган ва буни ҳаётининг асосий мақсади қилиб қўядиган янги авлод пайдо бўлади. Биз ана шу авлод учун яшайпмиз. Биз ана шу олижаноб мақсадларни одамлар қонига сингдириш учун ҳаракат қиляпмиз.

\* \* \*

Биз кутаётган авлод мана шу бойликни дунёдаги энг катта бойлик деб билса, ҳаётини шунга баҳшида этса, билингки, одамзот ёруғ кунларга эришиши муқаррар.

\* \* \*

Ислоҳотларнинг тақдири, унинг қай даражада амалга оширилиши биринчи навбатда кадрларнинг малақасига, уларнинг ўз ишларини қай даражада ўзлаштириб олганлигига, юртпарварлиги ва фидойилигига боғлиқ.

\* \* \*

Эртанги кун янгича фикрлайдиган, замонавий билимларга эга бўлган юксак малакали мутахассисларни талаб этади.

\* \* \*

Барчамиз яхши биламизки, келажак авлод ҳақида қайгуриш, соғлом, баркамол наслни тарбиялаб етиширишга интилиш бизнинг миллий хусусиятимиздир.

\* \* \*

Демократик жамиятда болалар, умуман, ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган этиб тарбияланади.

\* \* \*

...Қош қўяман деб, қўз чиқармаслик керак. Кадрлар тайёрлашда ўйламай босилган қадам хунук оқибатларга олиб келиши мумкин.

\* \* \*

Айтиш керакки, кадрларни пухтароқ қилиб тайёрламасдан, уларга ишонмасдан ва қўллаб-куватламасдан, ўйлайманки, бирон бир соҳада ахволни ҳеч қанака тарзда ўзгартириб бўлмайди.

\* \* \*

Келажакда Ўзбекистон юксак даражада тараққий этган иқтисоди билангина эмас, балки билимдон, манавий жиҳатдан етук фарзандлари билан ҳам жаҳонни қойил қилиши лозим.

\* \* \*

Бизга миллий кадрлар тайёрлашнинг маҳсус дастури керак.

\* \* \*

Ҳар қандай миллатнинг равнақи, умумбашарият тарихида туттан ўрни, миқёси ва шуҳрати бевосита ўз фарзандларининг ақлий ва жисмоний етуклигига боғлиқдир.

\* \* \*

Ақлий заковат ва руҳий-маънавий салоҳият маърифатли инсоннинг икки қанотидир.

\* \* \*

Биз истеъоддли, фидойи болаларимиз, фарзандларимизга билим ва қасб чўққиларини забт этиши учун қанот беришмиз керак.

\* \* \*

Келажаги буюк давлат энг биринчи навбатда бўлажак фуқароларнинг маданияти, маълумоти ва маънавияти ҳақида ғамхўрлик қилмоғи зарур.

\* \* \*

Замон талабига мос мутахассис тайёрламоқчи эканмиз, биринчи навбатда ўқув юртларимизнинг шакли, қиёфаси ва таркиби, моддий базаси ҳам замонавий бўлиши шарт.

\* \* \*

Бизга битирувчилар эмас, мактаб таълим ва тарбиясини кўрган шахслар керак.

\* \* \*

Ёшларга миллий ватанпарварлик руҳида таълим-тарбия бериш бугунги куннинг жиддий вазифаларидан ҳисобланади.

\* \* \*

Дипломга эга бўлиш — бу ҳали том маънодаги зиёли эмас. Зиёли одам ўз тафаккур савияси, пок юраги, ички маданияти билан мутлақа бўлакча инсон бўлади.

\* \* \*

Ҳар қайси йинсон Оллоҳ таоло ато этган ноёб қобилият ва истеъодини аввало ўзи учун, оиласининг, миллати ва халқининг, давлатининг фаровонлиги, баҳтсаодати, манфаати учун тўлиқ баҳшида этса, бундай жамият шу қадар кучли тараққиётта эришадики, унинг суръат ва самарасини ҳатто тасаввур қилиш ҳам осон эмас.

\* \* \*

Таълим ва уни ислоҳ қилишга сарфланган маблағ зое кетмайди, аксинча, жамиятимизни муваффақиятли ва изчил ислоҳ этиш учун қудратли, таъсирчан омил бўлади, пировардида «портлаш эфекти»ни беради.

\* \* \*

Келажак бугундан бошланади. Ҳозир тарбия масаласига эътибор қилинмаса, келажак бой берилади.

\* \* \*

Маънавий ва ахлоқий покланиш, имон, инсоф, диённат, ор-номус, меҳр-оқибат ва шу каби чинакам инсоний фазилатлар ўз-ўзидан келмайди. Ҳаммасининг заминида тарбия ётади.

\* \* \*

Биз тарбия ҳақида ўйлар эканмиз, ёшларнинг кесаларга хурмати юксак бўлиши таомилини йўқотмайлик.

\* \* \*

Қаранглар, ҳозир ёшларимиз қандай кўз билан, қандай пок ният билан, қандай орзу-умидлар билан эртанги кунга интиляпти. Мен телевизорда уларнинг юрак сўзларини эшишиб, беихтиёр ҳаяжонга тушаман, ўз ҳаётимдан рози бўламан. Нега деганда, бу ёшлар — эртанги ҳаётимиз.

\* \* \*

Эртанги кунимиз мана шу ёшларнинг кўлида, ёшларнинг ҳаракатида, ёшларнинг қурбида, керак бўлса, қудратида. Қаранг, шундай ҳаракат ҳозир бутун Узбекистонимизни қамраб олди. Мен шундан фуурланаマン. Бу ҳаракат, бу интилишни асло тўхтатиб бўлмайди. Лекин унга зарба бериш, ёшларни бу йўлдан қайтариш — ғанимларимизнинг ёвуз нияти. Буни ҳам чукур ўйлаб кўриш, унинг сабаб-оқибатларини ўзимизга яқъол тасаввур қилишимиз зарур.

\* \* \*

...Қабиҳ кучларнинг яна бир нияти — ёшларимизнинг бугунги ижобий ҳаётий интилишларига зарба беришдан иборат. Чунки уларга ёш авлодимизнинг тараққиётга интилиши, ҳаётга бошқача, замонавий кўз билан қараши ёқмайди. Уларнинг мақсади — бугунги энг тараққий топтган давлатлар билан ўрнаттган алоқаларимизни узишга ёшларимиз тарбиясини издан чиқаришга, кадрлар тайёрлаш миллий дастурини йўққа чиқаришга қаратилган.

\* \* \*

Душманларимиз шуни яхши билиб кўйсинки, биз ёшларимизни ҳеч кимнинг қўлига бермаймиз! Ёшларимизни ҳимоя қиласиз!

\* \* \*

Агар биз шу ерда бўш келсак, ёш авлод тақдирига бефарқ қарасак, бу кечириб бўлмайдиган гуноҳи азим бўлади.

\* \* \*

Такрор айтаман: ёшларимизни, болаларимизни, фарзандларимизни ҳеч кимнинг қўлига бермаймиз! Уларни ўзимиз, ўз қўлимиз билан тарбия қиласиз!

Нега деганда, булар бизнинг фарзандларимиз. Менинг фарзандим, сизларнинг фарзандларингиз. Нима учун мен ўзимнинг боламни қандайдир ақидапараст қўлига, разил ният билан юрган одамларнинг қўлига бериб қўйишим керак!

\* \* \*

Мен қатъий ишонч билан айтаманки, Ўзбекистонда яшаётган миллион-миллион ёшлар менинг болаларим, менинг фарзандларим!

\* \* \*

Фарзандларимиз биздан билимли, кучли, доно ва албатта баҳтли бўлишлари шарт. Такрор айтаман: мана шу эзгу мақсад бугунги кунда ҳар биримизнинг ҳаётимиз мазмунига айланиши даркор.

\* \* \*

Фарзандларимиз — бизнинг гуруримиздир. Бу ҳар бир инсон учун тушунарли, албатта.

\* \* \*

Биз ҳақиқатдан ҳам ўз фарзандларимиз ва набиравларимиз билан фахрланишни истасак — улар замонавий билим ва тажрибага эга, иймонли-эътиқодли бўлишларига, Ватанимиз тарихида ўчмас из қолдирган буюк аждодларимизнинг ишларини давом эттиришларига эришишимиз лозим.

\* \* \*

...Биз келажаги буюк бўлган давлат ва жамият Куришни истаймиз... Ана шу мақсадга етишишнинг муҳим шарти, яна ва яна тақрорлаш жоизки, бизнинг ўрнимизга келадиган авлоднинг билим савияси ва тафаккури билан бевосита боғлиқдир.

\* \* \*

Мен замонавий фикрлайдиган, Ватанга садоқат ру-  
хida тарбия олаётган, жаҳон тараққиёти ва маданийти  
билин ҳамқадам бўлишга интилаётган юз минглаб, ёшли-  
римиз билан бир қаторда ҳали шу даражага етмаган  
қанчадан-қанча фарзандларимиз ҳам борлигини ўйла-  
сам, олдимиизда нақадар катта муаммолар турганини  
яққол тасаввур этаман.

\* \* \*

...Оллоҳ берган ақл-заковати билан тўғри йўлни  
адашмай топа олишга қодир бўлган баркамол авлодни  
тарбиялаб етиштирсан, ўйлайманки, ўз мақсадимизга  
эришган бўламиз.

\* \* \*

Биз келажак ёшларники, деган гапни кўп айтамиз.  
Келгуси наслларга биздан озод ва обод Ватан қолиши-  
ни орзу қилиб яшаймиз. Барча эзгу ишларимиз зами-  
рида ана шу олижаноб мақсад мужассам. Биз шу азиз  
диёрда нафақат фарзандларимиз, балки, невара-чева-  
раларимиз, йироқ-йироқ авлодларимиз ҳам тинч-омон,  
фаровон, бахтли-саодатли, маърифий ҳаёт кечириши-  
ни, Ўзбекистон деган юрт, ўзбек деган ном дунё тур-  
гунча туришини истаймиз.

\* \* \*

Менинг энг катта ишончим... ёш авлоддир. Замо-  
навий билимга эга, одбли, илмли, кўрсанг ҳавасинг  
келадиган, баркамол ва шижаотли фарзандларимиздир.  
Мен ўзимнинг тақдиримни ҳам, мамлакатимиз тақдирим-  
ни ҳам ана шуларнинг қиёфасида қўраман. Киши ана  
шундай фарзандлари борлигидан куч олади, онги тиник-  
лашади, рағбатланади, кўкси тоғдай қўтарилади.

\* \* \*

Энг аввало, бизнинг онгу тафаккуримизга, маъна-  
виятимизга кишан бўлиб турган эски асоратлардан холи  
бўлган, замоннинг илгор талабларига жавоб берадиган  
ғайрат-шижаотли, мард, инсоф-диёнатли ёшларимиз-  
нинг ҳал қилувчи вазифаларга келиши учун йўлни кенг  
очиб бериш керак.

\* \* \*

Бизнинг энг катта ишончимиз, мадад-таянчимиз —  
бу, ўсиб келаётган ёш авлодимиздир. Такрор айтаман-  
ки, мен ўзимнинг тақдиримни ҳам, мамлакатимиз ва  
мустақиллигимиз тақдирни ва келажагини ҳам ана шу  
ёшлар қиёфасида, уларнинг пок қалби, эркин тафак-  
кури, мустаҳкам иродаси ва дунёқарашида қўраман.

\* \* \*

Биринчи галда соғлом фикрловчи, шу азиз Ватан қисматини ўз шахсий қисмати деб биладиган, мамлакатнинг эртаси учун бор масъулиятни зиммасига олишга қодир, жафокаш халқимиз учун, демократия ва адолат учун ўзини бахшида этадиган, Фидоий, изланувчан ёш авлоднинг бошини қовуштириш, унинг мақсад ва интилишларига қанот бериш зарур.

\* \* \*

Бизнинг келажагимиз, мамлакатимиз келажагига эса эргага бизнинг ўрнимизга кимлар келиши, биз қандай кадрлар тарбиялашимизга бутунлай боғлиқ десак, му болага бўлмайди.

\* \* \*

Мен оддий, бугунги кунда ҳаммамиз учун тушунарли бўлган ҳақиқатни такрор-такрор таъкидламоқчиман. Биз бугунги ҳаётимизнинг қайси масалалари ва вазифалари ҳақида, қайси истиқболлари ҳақида гапирмайлик, бошқариш ва ишлаб чиқаришнинг барча бўғинларида — ҳамма нарса бугун кадрларга ва яна кадрларга бориб тақалади.

\* \* \*

Ёшлар хорижга чиқсин, ўқисин, ишлаб малака ортирасин.

\* \* \*

Мен бир нарсага қаттиқ ишонаман: ёшларда шижаот бор, янгиликка интилиш бор, ихтиро қилишга, кашфиёт яратишга иштиёқ бор.

\* \* \*

Буюк давлат, буюк келажагимизга эришиш учун оқил, маърифатли, айни пайтда ўзининг ўтмиши, улуг қадриятлари, миллати билан фахрланадиган ва келажакка ишонадиган инсонларни тарбиялашимиз керак. Бундай инсонни тарбиялаш эса ижтимоий фанимизнинг муқаддас бурчидир.

\* \* \*

Республикамизда ёш авлод ҳақида қайгуриш давлат сиёсатига айланди.

# ФАРЗАНДЛАРИ СОГЛОМ ЮРТ ҚУДРАТЛИДИР

Биз мустақиллігимизнинг ilk йилларидан оқ соғлом авлод тарбиясини энг асосий вазифа деб белгиладик. Баркамол авлодни тарбиялаш масаласини давлат сиёсати даражасига күттардик. Мустақил Ватанимизнинг биринчи ордени «Соғлом авлод учун» деб аталғаны, «Соғлом авлод учун халқаро жамғармаси» тузилгани бунинг тасдиғидир.

\* \* \*

Биз соғлом авлод деганда нимани тасаввур қила-  
миз? Соғлом авлодғояси орқали биз олдимизга қан-  
дай мақсадларни қўямиз?

Соғлом авлод деганда, шахсан мен, энг аввало, соғ-  
лом наслни, нафақат жисмонан бақувват, шу билан бир-  
га, руҳи, фикри соғлом, иймон эътиқоди бутун, билим-  
ли, маънавияти юксак, мард ва жасур, ватаншарвар ав-  
лодни тушунаман. Буюк миллатни фақат соғлом мил-  
лат, соғлом авлодгина күтқара олади.

\* \* \*

Аслида Аллоҳ таоло инсон зотини табиатан соғлом  
мукаммал яратади. Лекин, афсуски, аввало одам бола-  
сининг ўзи, қолаверса, носоз муҳит бу мукаммалликни  
бузади. Одамзот кўп жойларда, таассуфки, нафс, киб-  
ру ҳаво, жаҳолатта берилиб, ўзини ўзи турли балоларга  
гирифтор қиласди.

\* \* \*

Ҳеч шубҳа йўқ: соғлом авлод орзузи аждодлари-  
миздан бизга ўтиб келаётган, қон-қонимизга сингиб  
кетган муқаддас интилишдир. Агар ота-боболаримиз-  
нинг турмуш тарзига, тафаккурига назар солсак, улар  
насл-насаб, етти пуштининг тозалигига, авлоднинг соғ-  
лигига жуда катта эътибор берганини кўрамиз.

\* \* \*

Фақат жисмоний жиҳатдан бақувват бўлган одамни  
тарбиялаш унчалик қийин эмас. Аммо уни ҳам жисмо-  
ний, ҳам маънавий жиҳатдан камол топтириш ғоят мур-  
ракқаб вазифа. Айниқса бугунги кунда — мафкуравий  
курашлар гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона тус олган ҳозирги  
нозик, қалтис шароитда, таҳликали замонда бу масала  
ниҳоятда долзарб аҳамиятта эга.

\* \* \*

Бу ҳаёт жуда тез — бошдаги дўппини бир айлантири-  
гунча ўгади, кетади. Шу қисқа фурсатда инсон халқ

учун, Ватан учун, фарзандлари ва келгуси насллар учун савобли ишлар қилиб улгuriши керак. Олижаноб халқимизнинг эзгу тасаввур ва тушунчасига кўра, ҳар бир одам дунёга келиб, учта хайрли ишни адо этиши лозим.

Биринчиси, соғлом ва оқил фарзанд тарбиялаб вояга етказиш. Иккинчиси, ўз оиласи, фарзандлари учун иморат куриш. Учинчиси, келажакни ўйлаб, яхши ният билан дараҳт ўтқазиш.

\* \* \*

Халқимиз азалдан бўй-басти келишган, ботир ва полвон ўғлонларни «қиличдек йигит» деб эъзозлаган, улар билан фуурланган.

Соҳибқирон Амир Темур бобомиз: «Аскарлари бақувват эл қудратли бўлур, қудратли элнинг аскарлари бақувват бўлур» деган. Шу фикрни давом эттириб, мен: «Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлади, қудратли юртнинг фарзандлари соғлом бўлади» деб айтмоқчиман.

\* \* \*

Такрор айтаман, соғлом авлодни, соғлом наслни бирданига тарбиялаб бўлмайди, албатта. Бунинг учун кенг миқёсдаги кўпдан-кўп вазифаларни бажаришимиз, узокни кўзлаб иш тутишимиз лозим. Энг аввало, ҳар бир одам ўз соғлиги ҳақида қайғуриши, ҳар бир оила ўзидан соғлом насл, соғлом зурёд қолдиришни ўйлаши зарур.

\* \* \*

Минг афсуски, баъзи оилаларда ота-оналар на ўзларининг, на фарзандларининг саломатлигини ўйлайди. Улар билмайдики, қатор-қатор машиналари, данғилла-ма иморатлари бор одам бой эмас, балки оиласи тинч, соғлом, одобли, ақили фарзандлари бор инсон чина-кам бойдир. Барака топкур, эртага бошинг ёстиққа теса ёки фарзандинг дардман бўлса, молу дунё, бойлигинг кимга керак? Одамнинг саломатлиги, фарзанд соғлиги олдида ҳар қанча бойлик икки пулга қиммат эмасми?

\* \* \*

Азиз биродарлар ўзингиз ўйлаб кўринг, бу ёруғ дунёда инсондан нима қолади? Йикқан-тергани бир куни тугайди. Сендан ёдгорлик бўлиб, умрингнинг давомчиси бўлиб, чироғингни ёқадиган фарзанд қолади. Агар фарзанд соғлом, оқил, иймон-эътиқодли бўлса, ота-онасига фақат раҳмат келтиради, одамларга наф келтиради, эл-юрт назаридан ҳеч қачон қолмайди.

\* \* \*

Соғлом боланинг туғилиши, энг аввало, онанинг соғлиғига боғлиқ. Худо таоло яратган табиатнинг буюк мұйжизаси бўлмиш аёл дилбандини тўққиз ой ўз бағрида, юрак остида авайлаб дунёга келтиради. Уни вояга етказиш учун ўзини аямасдан, бутун ҳәётини бахшида этади. Ана шу жараёнда аёл неки яхшилик ёки ёмонлик кўрса, она вужуди орқали ҳомилага ўтади. Соғлиги ночор, хўрланган, изтироб чеккан онадан соғлом фарзанд туғилмайди.

Шу маънода аёлларни, оиласларни асраш керак, дегани — бу фарзандларни асраш, наслни асраш, охирокибат миллатни асраш демакдир.

\* \* \*

Ўз умр йўлдошини, аёlinи эъзозлаган эркак зурёдини, ўз фарзандларини эъзозлаган бўлади. Аёлни қадрлаш, оғир ишлардан халос этиш, ёмон иллатлардан ҳимоя қилиш — эр кишининг, бутун жамиятимизнинг бурчидир. Бу ҳақиқат куруқ гапга айланиб қолмаслиги учун барчамиз жавобгарлиқни сезишимиз, уни амалий ишларимизда намоён қилишимиз даркор.

\* \* \*

Соғлом боланинг дунёга келиши отанинг ҳам қони тоза, тани ва руҳи соғлом бўлишига боғлиқ. Бошқача айтганда, оиласла соғлом гўдак кулгуси янграши учун ҳам она, ҳам ота соғлом ва аҳил бўлиши керак. Бир сўз билан айтганда, соғлом фарзанд фақат соғлом оиласла туғилади. Оиласларни соғломлигини ундаги муҳит, ота-онанинг тотувлиги, бир-бирини тушуниши, кўллаб-куватлаши, ўзаро иззат-хурмати белгилайди.

\* \* \*

Биз янги ҳаётта қадам қўяётган ёш оиласларни эъзозлашимиз, оёққа туриб олишлари учун уларга давлат томонидан ёрдам кўрсатишимиз лозим. Бу давлатимиз сиёсатининг узвий қисмидир. Албатта, давлат ёрдами, ота-онанинг кўмаги, оқ фотиҳаси ўз йўли билан, аммо баҳтли оила қуриш, соғлом фарзанд ўстириш кўпроқ ҳар қайси йигит-қизнинг ўз қўлидадир. Бу уларнинг ақл-заковати, интилиши — мақсадлари, орзу-ниятлари, иймон-эътиқодига боғлиқ.

\* \* \*

Энг муҳими шуки, ота-она ўз фарзандини қандай парвариш қилса, у ўз қўли билан ўтказган дарахтга ҳам ана шундай муносабатда бўлади.

\* \* \*

Лекин мени доим қийнайдиган, тинчлик бермайдиган орзу-ниятим, керак бўлса, худодан сўрайдиган энг катта илтимосим шуки, бетакрор гўзал, саҳоватли, Аллоҳнинг назари тушган мана шу юртда албатта ҳар томонлама соғлом, ўзининг куч-құдрати, қадди-қомати билан, барқамоллиги билан ўзгаларнинг ҳавасини уйғотадиган эл яшапи керак.

\* \* \*

...Бутун дунёning кўп жойларини, турли юртларни кўрган одам сифатида агарки мендан, ер юзининг энг гўзал, энг латофатли ва нафосатли, оқила аёллари, сувул ва дилбар қизлари қаерда яшайди, деб сўрасангиз, мен ҳеч иккисидан масдан фаҳру-ғуур билан: «Ўзбекистон заминида», деб жавоб бераман.

\* \* \*

Юртимизнинг мард эрқаклари ҳам, вояга етиб келаеттан паҳловон йигитларимиз ҳам ҳеч кимдан кам эмас.

Мана, энди менга жавоб беринглар: мана шундай чиройли ёшларимиз чиройли оила қуриши, бу оиласда бир-биридан чиройли насл пайдо бўлиши, вояга етиши керак эмасми?

\* \* \*

Албатта, Ҳудонинг марҳамати билан энг гўзал, энг соғлом авлод бизнинг ватанимизда камол топиши ниҳоятда табиийдир.

Бундай олижаноб мақсад билан яшаш, ҳаёт кечириш, бундай орзу ниятларни амалга ошириш — ҳар қайси оила, аввалимбор ёш оиласларнинг инсоний, керак бўлса, миллий бурчига айланишни истардим.

## **ИЛМ-ФАН, ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ – МАМЛАКАТ КУЧ-ҚУДРАТИ ВА ИСТИҚБОЛИ АСОСИ**

Умуман, мен фанни илфор, тараққиёт, прогресс деган сўзлар билан ёнма-ён қабул қиласман. Фаннинг вазифаси келажагимизнинг шакли-шамойилини яратиб бериш, эртаниги кунимизнинг йўналишларини, табиий қонуниятларини, унинг қандай бўлишини кўрсатиб беришдан иборат, деб тушунаман. Одамларга мустақилликнинг афзаллигини, мустақил бўлмаган миллатнинг келажаги йўқлигини, бу табиий бир қонуният эканини исботлаб, тушунтириб бериш керак.

\* \* \*

**Фан жамият тараққиётини олға сиљітүвчі күч, восита бўлмоғи лозим.**

\* \* \*

**Фан давлатга, халқа, жамият тараққиётінің хизмат қилиши лозимлигини унтушига асло ҳаққимиз йўқ.**

\* \* \*

Биз фан ривожи учун, унинг таъминоти учун ҳеч нарсани аямаймиз. Абу Райҳон Беруний бобомизнинг бундан ўн аср бурун айтган фикрини эслатиб ўтмоқчиман: «Илм-фан кишиларнинг ҳәётий әхтиёжларини қондириш заруратдан пайдо бўлади».

\* \* \*

Зоро, фан — тараққиёт демакдир. Фанни юксак ривожлантирмай, Ватаннинг келажаги ҳақида гапириш қийин.

\* \* \*

Илму фан тараққиёти биз учун энг устувор соҳалардан биридир. Бу соҳада хизмат қиласидиган одамларнинг савияси, обрўси ҳақида ғамхўрлик қилишимиз, уларнинг ҳәётилизга қўшадиган ҳиссасига қараб эътибор беришимиз шарт. Ўзининг келажагини ўйладиган жамият, давлат авваламбор ўз олимларини, илмзиё аҳлини хурмат қилиши керак, уларни юксак даражага кўтариши лозим.

\* \* \*

Модомики, илм-зиё аҳли биздан кўра кўпроқ биладиган, узокроқни кўрадиган, теранроқ англайдиган кийшилар экан, демак, уларнинг жойи тўрда бўлиши керак.

\* \* \*

Илму фан шундай бир соҳаки, қариб қолиш, кек сайиш, сафдан чиқиб қолиш каби ҳолатлар унинг табиатига бегонадир.

\* \* \*

Илм-зиё салоҳияти бу халқнинг, Ватаннинг улкан бойлиги, келажак пойдеворидир.

\* \* \*

Илмга интилиш йўқолса, фан тараққий этмайди, илму фан ривожланмаса жамиятнинг келажагини тасаввур этиб бўлмайди.

\* \* \*

Агар фанни улкан бир дараҳт деб тасаввур қилсан, тадқиқотлар унинг илдизини ташкил этади.

\* \* \*

Фан тараққиёти ҳамма вакт авлодга таянади.

\* \* \*

Фан соҳасига фандан бошқа мақсадларни кўзлаб кирган айрим кишилар аллақачон бўлак ишларнинг бошини тутиб кетди.

\* \* \*

Илму фанинг чинаккам равнақига эришиш учун ташқи дунёга эшикни кенг очиш керак.

\* \* \*

Фан равнақисиз буюк давлат қуриб бўлмайди.

\* \* \*

Илм олиш, ўрганиш асло айб эмас, унинг эртакечи йўқ. Барчамиз бутун онгли ҳаётимиз давомида ўқишимиз, ўрганишимиз керак. Огоҳлантириб: кўяй, бу муҳим ишни навбатдаги кампаниябозликка айлантириб юборишга йўл кўймаслигимиз керак.

\* \* \*

Илм-маърифатта қизиқиши суст миллатнинг кёлаҗаги ҳам бўлмайди.

\* \* \*

Жаҳон цивилизациясига даҳлдор бўлган энг замонавий илmlарни әгалламай туриб мамлакат тараққиётини таъминлаш қийин.

\* \* \*

Очиғини айтсан, ҳозирги туб бурилишлар даврида биз фикримизни қилич каби ўткир қиладиган, ҳатти-ҳаракатимизни ойна каби кўрсатадиган ана шундай илмга муҳтоҷмиз.

\* \* \*

Баъзан биттагина илмий қашфиёт мамлакатни бутун дунёга машҳур қилиши мумкин.

\* \* \*

Илмий ишни ҳеч қачон буйруқ, топшириқ ва кўрсатмалар билан бажариб бўлмайди. Умуман илму фанни ҳеч қачон қолипга солиб бўлмайди. Унинг ўзига хос ривожланиш қонуниятлари борки, биз буни албатта инобатта олишимиз керак.

\* \* \*

Ҳозирги оғир шароитда фанга интилиш, ҳаётини илмга бағищлаш қаҳрамонлик билан баробар.

\* \* \*

Мен XXI аср маънавият асри, маърифат асри, илм-фан ва маданият ва ахборот асри бўлишига қатъян аминман.

\* \* \*

Фаннинг замона талаблари даражасида тарақкий то-пиши учун, менинг назаримда, қуидаги муҳим омиллар зарур: ғоя, моддий асос, тегишли шароит ва фикр, тафаккур эркиналиги.

\* \* \*

Илмга, ижодга, кашф этишга интилиш — бу оли-жаноб интилишдир.

\* \* \*

...Мамлакатнинг иқтисодий кудратини, унинг эртанди кунини, борингки, тақдирини ҳам пировард-натижада ақл-заковат, маънавият ҳал қиласи.

\* \* \*

Фанда ҳақиқий фикр муҳити ҳукм сурсин, фидойи, заковатли одамлар ишласин.

\* \* \*

Илм фаннинг чинакам равнақига эришиш учун таш-қи дунёга эшикни кенг очиш керак. Жаҳон фани ютуқларидан вақтида ва тўла хабардор бўлиш тенгсиз аҳамиятга эгадир. Бунинг учун ҳар бир илмий ходим чет тилларини пухта эгаллаши зарур.

\* \* \*

Илгор фан-техника ютуқлари одамларимизнинг оғирини енгил қилишга, маънавий дунёсини ўксалтиришга хизмат қилсин. Токи биз улуғ боболаримизнинг бекиёс ақл заковати билан фахрланиб юрганимиз сингари келгуси авлодлар ҳам бугунги олимларимизнинг илмий кашфиётлари ва салоҳиятларидан ҳамиша ифтихор қилсинлар.

\* \* \*

Келажак бугундан бошланади. Ҳозир тарбия масаласига эътибор қилинмаса, келажак бой берилади. Тарбиядан ҳеч нарсани аямаймиз.

\* \* \*

Мен Абдулла Авлонийнинг «Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир» деган фикрини кўп мушоҳада қиласман.

\* \* \*

Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб онгни ўзгартириб бўлмайди. Онгни, тафакурни ўзгартирмасдан туриб эса биз кўзлаган олий мақсад — озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди.

\* \* \*

Илм-зиё салоҳияти, бу — халқнинг ватанинг улкан бойлиги, келажак пойдеворидир. Уни ривожлантиришда, етук мутахассисларни тарбиялашда давлат имкони бўлган ҳамма ишни қилади, ҳеч нарсани аямайди.

\* \* \*

**Илму маърифат эъзозланган мамлакатда ҳеч ким уруш ҳақида бош қотирмайди. Чунки илму маърифат инсонни юксакликка кўтаради.**

\* \* \*

Зеро, илму тафаккур — кишини эзгуликка бошлайдиган бекиёс куч. Илм ва тафаккур одамлар қалбига нур, онгига зиё, хонадонига файз-барака келтирадиган буюк мўъжизадир.

\* \* \*

Бир сўз билан айтганда, биз ўз истеъодли, фидойи болаларимизга, фарзандларимизга билим ва касб чўққи-ларини забт этиши учун қанот беришнимиз керак.

\* \* \*

**Мустакил фикрга эга бўлмаган одам эса ҳар қандай оломонга эргашиб кетаверади. Масаланинг энг муҳим жиҳати айнан мана шундадир.**

\* \* \*

**Азалдан халқимиз орасида доно ва истеъодли ёшлар кўп чиққан, улар ақлу заковат бобида дунёни лол қолдиришган.**

\* \* \*

Сиз, фарзандларимизнинг томирида инсоният маънавий хазинасига улкан ҳисса кўшган Амир Темур, Имом Бухорий, Ал-Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби боболаримизнинг қони жўш урмоқда.

\* \* \*

Бугун халқаро ҳаёт, кишилик тараққиёти шундай босқичга кирганки, энди унда ҳарбий кудрат эмас, балки интеллигент салоҳият, ақл-идрок, фикр, илғор технологиялар ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Амир Темур бобомизнинг «Куч — адолатда» деган машхур таъ-

бирини бугунги кунга нисбатан қўллаб айтадиган бўлсак, мен унга қўшимча қилиб «Куч — билим ва тафаккурда» деган бўлардим.

\* \* \*

...Ота боболаримиз шуҳратининг соясига маҳлиё бўлиб юрадиган даврлар энди ўтди. Бугун жаҳон биздан ўз сўзимизни айтишимизни, ўз тафаккуримизни намоён этишимизни талаб қилмоқда.

\* \* \*

Тўққизинчи — ўн бешинчи асрларда маърифатли дунё бухорийлар, фарғонийлар, хоразмийлар, берунийлар, ибн синолар, улуғбекларни қанчалик иззат-икром қилган бўлса, йигирма биринчи асрда биз ҳалқимиз, миллатимизга нисбатан ана шундай эҳтиромни қайтадан кўлга киритишимиз керак. Ўша даврда улуғ аждодларимиз асос солган ва оламга донг тараттан илмий мактабларни замонавий шаклда қайтадан тиклашимиш лозим.

\* \* \*

Аслида таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳотни чегараси ва поёни йўқ. Токи ҳаёт давом этар экан, таълим ҳам, тарбия ҳам замон ўртага қўяётган янги-янги тарабларга муттасил равишда ўзгариб, янгиланиб бора-веради.

\* \* \*

Жамият тараққиётининг асоси, уни муқаррар ҳало-катдан кутқариб қоладиган ягона куч маърифатdir.

\* \* \*

Ақл-заковатли, юксак маънавиятли кишиларни тарбиялай олсаккина, олдимизга кўйган мақсадларга эриша оламиз, юртимида фаровонлик ва тараққиёт қарор топади.

\* \* \*

Маърифатга интилиш ҳалқимизнинг азалий фазилатларидан биридир.

\* \* \*

Фақатгина чинакам маърифатли одам инсон қадрини, миллат қадриятларни, бир сўз билан айтганда, ўзлигини англаш, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб обрўли ўрин эгаллаш учун фидойилик билан курашиши мумкин.

\* \* \*

Биз фарзандларимизнинг баркамол руҳий дунёси учун, уларнинг маънавий-ахлоқий етук, жисмонан соғлом бўлиши учун доимо қайгуришимиз, курашмоғимиз лозим.

## ХУШЕРЛИК ВА ОГОХЛИККА ДАЪВАТ

Аслида ҳаётнинг ўзи турли-туман ғоялар курашидан, баҳсу мунозаралардан иборат. Тараққиётнинг маъномазмуни, керак бўлса, фалсафаси ҳам шунда. Аммо ҳамма гап ҳар қандай таҳдид ва таҳлика олдида вахимага тушмасдан, аниа шу кураш ва синовларга доимо тайёр туришда, огоҳ ва сергак бўлишда.

\* \* \*

...Юртимиз, ҳалқимиз бошига тушадиган ҳар қандай хавф, бало-қазоларга қарши тайёр туришимиз зарур. Ҳар қандай кутилмаган ҳодисаларга қарши бизнинг иродамиз бакувват бўлиши керак.

\* \* \*

«Огоҳ бўлинг одамлар!» деган даъват ҳамиша бонг ургандек янграб туриши керак. Фаҳраниш мумкин ва лозим бўлган бебаҳо қадриятлар — ўз мустақиллигимизни, жамиятда миллатлараро ва фуқаролар ўртасидаги тотувликни асранг».

\* \* \*

...Мудхиш ҳодисалар рўй берганда ўзимизни йўқотмасдан, иймон-эътиқодимизни саклашимиз керак.

\* \* \*

Бизга қасд қилган фаразли кучларга қарши ўзимизнинг мустаҳкам жипслашганигимизни намоён этиб, жамоатчилик, ҳалқимизнинг ишончини оқлашимиз керак. Бундай пайтларда ҳар қайси ҳалқнинг иродаси ва иймон-эътиқоди синалади.

\* \* \*

Биз мана шу етти ярим йил давомида кўп маشاқ-қатли йўллардан ўтдик. Бошимизга турли синовлар тушди, бизни чалғитишга уринадиган, керак бўлса, ёвуз ниятларини бизга намойиш қилишдан тап тортмайдиган ҳар хил кучларни, оқ-қорани кўрдик, яхши ёмон кунларни бошимиздан кечирдик.

\* \* \*

Бунақанги бегамликка дуч келганды бейхтиёр: «Эй одамзот, теварагингта қара, нима бўляпти? — деб хитоб қилгингиз келади. — Ахир, ён-атрофингда нотинчлик, тўс-тўполон, одамлар бир-бирини ўлдиряпти — мана, йигирма йилдирики, Афғонистонда уруш кетяпти, етти йилки, Тожикистонда нотинчлик. Шуларга қараб фикр қил, кўзингни оч».

\* \* \*

Мен, эй одамзот, огоҳ бўлинглар, огоҳ бўлинглар, огоҳ бўлинглар, деб доим куйиб-ёниб даъват этаман. Бу гап эҳтимол баъзи бирорлар учун ортиқчадай туюлар. Лекин мен огоҳлик, огоҳ бўлиш ҳақида гапирганимда бугунгига ўхшаш воқеаларни назарда тутаман. Нега деганда, бир бегуноҳ одамнинг ўлими — бу кечирилмас фожеа.

\* \* \*

Яна такрор айтмоқчиманки, бугун кўпгина жойларда ҳаётимизда ана шундай бепарволик, фақат ўзини билиш, фақатгина ўзини ўйлаш, ўзи билан банд бўлиш кайфиятлари пайдо бўлди. Ҳаммаси ўзича кетаяптику, бугун кечаги кунга нисбатан ўсиш бор, пировард мақсадимизга ҳали тўла эришмаган бўлсак-да, сезиларли суръатлар билан ривожланаяпмиз, яна нима керак, деган қараашлар билан бизни сезгир, ҳушёр бўлишимизга халақит бераётганини пайқамасдан қолдик.

\* \* \*

Бепарволик ҳеч қачон яхшиликка олиб келмаган. Кўхна тарих бу борада бизга кўп сабоқ беради. Бизнинг миллатимиз, ҳалқимиз оғир ва машаққатли тарихни бошдан кечирди. Фарзандларимизга шу тарихни ҳаққоний тарзда ўргатиш, мактабларда ўқитиш, китоблар, матбуот, телевидения орқали яққол кўрсатиш керак.

\* \* \*

Бундай мусаффо, тиниқ осмон, бугунги ҳаётимиз учун ҳар куни эрталаб туриб, покланиб, Худога минг бор шукроналар айтишимиз керакми-йўқми? Бир вақтлар бир бурда нонга муҳтоҷ бўлиб юрганимизда, очликдан ўлиб кетмаганимиз учун шукроналар айтардик. Мана, бугун ҳамма нарса бор, одамларнинг юришини, кийинишини кўринглар, одамларни яшашини, ейишичишини кўринглар.

\* \* \*

Биз орзу қилган фаровон, эркин турмушга етиб бориш учун ҳали анча-мунча қийинчилликни бошимиз-

дан кечиришга тұғри келади. Лекин бугунги ҳәётимизнинг, худо барчамизга берган неъматларнинг қадрига етишимиз керакми-йўқми?

\* \* \*

Бугунги воқеалар муносабати билан айрим одамлар хавотирга тушиб, кўнглига ҳар турли саволлар пайдо бўлиши мумкин. Шуни инобатта олиб айтмоқчиман: бу ёвуз ҳаракатни содир этган кучларни яна бир мақсади одамларни қандайdir ваҳимага солиш, халқимизни, авваламбор Тошкент аҳолисини саросимага тушириб, юрагига фулгула солиб, шу орқали ҳозирги ҳәётимизга, олиб борилаёттан сиёсатга кишиларнинг ишончини сусайтириш. Бугун амалга ошираётган бунёдкорлик ишларимизга, мустаҳкамланиб бораётган иродамиз, иймон-эътиқодимиз, айниқса келажакка бўлган ишончимизга зарба беришдир.

\* \* \*

Мен барчангиздан бир нарсани сўрайман: ваҳимага тушмаслиқ керак. Ҳеч ким ваҳимага берилмасин, токи юрагимизда фулгула пайдо бўлмасин. Аксинча, одамларда бу разил қўпорувчилар ва уларнинг ортида турган кучларга нисбатан қаҳр-ғазаб уйғотиш керак, бугунги ҳәётни, тинчликни, барқарорликни, осойиштадикни қадрлаш, ҳар қайси хонадон, маҳалла, қишлоқдаги осудалик, бир-биrimизга бўлган меҳр-оқибатни янада мустаҳкамлашга ҳаракат қилишимиз керак.

\* \* \*

Урра-уррачилик, яшасинчилик кайфияти, бугунги сиёсатни орқа ўнгига қарамай фақат мақташ билан ҳеч нарсани ҳал қилиб бўлмайди, бирорта муаммо ҳам ечilmайди. Шуни барчамиз яхши англаб олишимиз зарурки, айни пайтда минбарбозлигу митингбозлик, турли хил ҳавойи бақириқ-чақириқлар билан ҳам бирор туп дарахт кўкариб ёки бирорта иморат битиб қолмайди.

\* \* \*

Ўзингиз айтинг, ўз она ватанига кўл кўтарган одам одамми? Бегуноҳ инсоннинг ҳәётига зомин бўлган одам одамми?!

\* \* \*

Худо кўрсатмасин, бир йигит йиқилса, она йиқиласди, ота йиқиласди, оила мотамга ботади, қишлоқ йифладиди. Ўн йигит йиқилсачи? Юз йигит йиқилса-чи? Ахир баъзи минтақаларда миллий низолар туфайли келинчаклар бева қолмоқдалар, оналар «болам» деб фарёд

чекяптилар. Йўқ! Бунга йўл кўйиш мумкин эмас ва йўл кўймаймиз ҳам.

\* \* \*

Атрофимизда бизга ҳавас билан қарайдиганлар билан бирга, ҳасад кўзини тикиб турганлар ҳам йўқ эмас. Бундай вазият барчамизни доимо огоҳ, сезгир, ва хушёр бўлишга, ягона уйимиз, қўргонимиз, муқаддас оиласиз бўлмиш Ўзбекистонимизнинг куч-кудратини мустаҳкамлашга даъват этади, фидойиликка чорлайди.

\* \* \*

Гумроҳликдан оғир гуноҳ йўқ. Халқ жипслиги учун ҳар қанча хизмат этсак, шахсий фароғатдан воз кечсак арзийди. Мен сизларни ўнга ишонтирмоқчиман, азиз дўстлар.

\* \* \*

Инсон дунёга яхши иш қилиш, яхши из қолдириш учун келади. Яхши фарзандларни тарбиялаб, қилган яхши ишлари ва қолдирган яхши изларига муносиб ворислар тайёрлайди.

\* \* \*

Табиб табиб эмас, бошдан ўтказган табиб, деган нақл бор. Кўлда бўш бўлиб турган бахтнинг қадрини инсон ҳар доим ҳам сезавермайди. Вақт ўтиб, бошига иш тушганида тушунади.

\* \* \*

Бирорга бир оғиз ширин сўз айтмоқ ёки бир лаҳзалик эътибор кўрсатмоқ кишидан катта нарса талаб этмайди. Келинглар, биродарлар, оқибатлироқ бўлайлик. Тирикларнинг иззатини жойида сақлаб, ўтганларнинг охирати обод бўлишини тилайлик.

## ЮРГ ТИНЧЛИГИ ВА ОСОЙИШТАЛИГИ – БЕБАҲО БОЙЛИК

Йўлимиз шуки, биз тинчлик ва осойишталикни сақлаб, бозор итқисодиётига ўтишни шошмасдан, аҳолининг ночор қисмини асраб-авайлаб, уларга етарли шартшароитларни яратиб бериб, ана ундан кейин амалга оширишга бел боғладик.

\* \* \*

Халқнинг бирлиги, жипслиги, тинч-тотувлиги бизнинг бебаҳо бойлигимиздир.

\* \* \*

Ўз қобиғига ўралашиб қолиш эса илм-фанда йўл  
кўйиб бўлмайдиган ҳолдир.

\* \* \*

Не-не баҳодирларнинг елкасини ерга тегизган аф-  
сонавий Алпомищ, забардаст Фарҳод ҳақидаги ривояту  
достонлар шунчаки афсона эмас, халқ руҳининг, халқ  
мардлигининг тимсолидир.

\* \* \*

Ҳаёт тажрибасидан яхши биламизки, жамият ва ту-  
зум ўзини ўзи ҳимоя эта олмас экан, ички сиёsatда  
ҳам яхши натижага эришиб бўлмайди.

\* \* \*

Ўзбекистон учун, бугунги келажак авлод учун энг  
катта бойлик — элнинг тинчлиги ва осойишталиги.

\* \* \*

Тинчлик ва бутлик қадрига етайлик, азизларим. Як-  
дил ва ҳамнафас бўлайлик.

\* \* \*

Давлат ўз фуқароларини муҳофаза қилишга қодир  
бўлсагина давлат бўлади.

\* \* \*

Келажагимизни, давлатимиз, юртимиз, унинг хавф-  
сизлигини мустаҳкамлаш, ёмон кўзлардан асраш иши-  
га ўзимизни бахшида этайлик.

\* \* \*

Ҳозир бир куни — бир ойга, бир ойи — бир йилга  
тенг тарихий даврни бошдан кечираяпмиз. Кечаги  
ўтчовлар бугунга тўғри келмайди.

\* \* \*

Минтақа муаммоларини ҳал этиш орқали жаҳон-  
шумул муаммоларни ҳал этишга ўтиш керак.

\* \* \*

Аслида армияда хизмат қилиш — ҳар бир ёш ҳаёти-  
даги синовдир. Бу ерда у чиниқади, ҳаётни тушунади,  
ўз кучига ишонч ҳосил қиласди.

\* \* \*

Мен дилбар қизларимизга мурожаат қилиб, «Ўйлаб  
кўринглар, узурли сабабсиз армияда бўлмаган йигит  
билин тақдирингизни боғлаш, унга суюниш, ишониш  
мумкинми?», деган бўлардим.

\* \* \*

Давлат, оила ва жамият манфаатлари, соддароқ қилиб айтсак, давлат ва инсон манфаатлари уйгунлашиб кетмас экан, ривожланиш сари олға силжиш бўлмайди.

\* \* \*

Одамзот табиати тинч-тотув ҳаётни яхши кўради, бундай ҳаёт унинг ички дунёсига, хоҳиш-иродасига, интилишларига тўғри келади. Нега деганда, ҳар бир инсон, миллатига, жинсига, динига қарамасдан, нимани хоҳлайди? Фақат тинчликни, эркинликни хоҳлайди.

\* \* \*

Инсон яна нимани истайди? Бола чақасини бахтини кўришни, эзгу ниятларини амалга оширишни истайди. Шунинг учун ҳам тинчлик, осойишталик одамзот учун табиий бир ҳол.

\* \* \*

...Тинчлик учун курашиш керак, бу тинчлик учун, айтайлик, зарур бўлса, жон бериш керак. Тинчлик учун инсон ўзининг бутун кучини, ақл-идрокини сафарбар этиб, ҳаракат қилиши, меҳнат қилиши керак.

\* \* \*

Бу ҳаётни ҳимоялаш керак, ҳимоялаш деганда мен нимани назарда тутяпман? Тинчлигимизни ҳимоя қилишимиз керак. Келажак авлодимизни ҳимоялашимиз керак. Оиламизнинг тинчлигини ҳимоялашимиз керак.

\* \* \*

Мен юксак минбардан туриб айтмоқчиманки, мавжуд тинчлик, барқарорликни сақлаб қолиш учун, эртанги кунимизни ҳимоя қилиш учун мен жонимни ҳам беришга тайёрман. Бу шунчаки куруқ гап эмас. Бу — қалбимдан, бутун вужудимдан чикқан гап.

\* \* \*

Содда қилиб айтганда, элу юртимизнинг осойишталиги, осмонимизнинг мусаффолиги, сарҳадларимизнинг бехатарлиги, бугунги кунимиздан розилик, эртанги ҳаётга ишонч, оналаримиз ва фарзандларимиз юзидағи табассум, бу — мен ўз фаолиятимда интиладиган энг олий мақсаддир.

\* \* \*

Халқимнинг осойишталиги ва фаровонлиги мен учун ҳамма нарсадан афзал.

\* \* \*

...Тинчлик — омонлик бўлса, ҳамма нарса бўлади — ислоҳот ҳам, бозор иқтисодиёти ҳам, жамиятимизнинг янгиланиши ҳам.

\* \* \*

Ҳеч сир эмаски, бугунги кунда хавфсизликни таъминлаш, хатарларнинг олдини олиш қанчалик мураккаб, нозик ва қалтис бир масала. Буни, албатта, билган билади, билмаган билмайди.

\* \* \*

Биз Шарқ фарзандларимиз. Шарқ мамлакатларининг қаерига борманг, одамлар бир-бирлари билан учрашганда, авваламбор, «Ассалому алайкум» дейишади. Ушбу калом арабчадан олинган бўлиб, «Сизга тинчлик ёр бўлсин» деган маънени англатишини яхши биласизлар. «Салом», яъни, тинчлик сўзи Куръони каримда 40 марта учрас экан. Бу муқаддас китобнинг оятларидан бирида шундай дейилади: «Мехрибон Парваридигор томонидан одамларга олқиши маъносида «тинчлик» сўзи айтилур. Кўриниб турибдики, тинчлик, тутувлик, ҳамкорлик фояси Аллоҳга ҳам, бандаларига ҳам хуш келадиган эзгу фоядир.

\* \* \*

Тинчлик, тутувлик, осойишталикини сақлаш Президентнинг бош вазифасидир. Президент, тинчлик, тутувлик кўргонининг меъмори бўлиши керак деб ҳисоблайман.

Қаердаки тинчликка путур етса, халқ осойишталиги хавф остида қолса, ўша жойда Президент посбон бўлиши даркор.

\* \* \*

Ахир Куръони Карим ҳам дўстликка, биродарликка чақиради, низо чиқаришни қоралайди.

\* \* \*

Жанжал чиққан юрганинг худоси ҳам ундан юз ўтирап экан. Шу сабаб барака ҳам, ризқ-рўз ҳам насия бўлиб қоларкан.

Бу йўлда, тинчлик, тутувлик йўлида бизни Аллоҳ таолонинг ўзи қўлласин, мададкор бўлсин!

\* \* \*

Бир пайтлар: «Энг катта орзуингиз нима?» деб сўрашганида, «Менга ишонган халқимни доим омон кўриш», деб жавоб берган эдим. Бу гапни бугун яна такрорлашим мумкин. Зоро, энг катта бойлигимиз — юртимизнинг тинчлиги ва осойишталиги.

\* \* \*

...Энг катта бойлигимиз — диёримизда қарор топған осойишталик, ҳамжиҳатликни күз қорачиғидек авайлашимиз шарт. Бусиз ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Ота-боболаримиз «Бир кун жанжал чиққан уйдан қирқ кун барака кетади», деб бежиз айтишмаган.

\* \* \*

Юрагимда йиғилиб юрган, айтсам ҳам ҳеч адo бўлмайдиган аламли бир ниido борки, уни яна бир бор такрор айтмасликнинг иложи йўқдир. Тинчлик ва бутлик қадрига етайлик, азизларим. Яқдил ва ҳамнафас бўлайлик. Нечоғлик мураккаб бўлмасин, биз кечираётган ҳаётнинг яхши фазилатлари жуда кўп. Бунинг учун Аллоҳга шукrona айтмоқ жоиздир.

\* \* \*

Ҳар бир оила, ҳар бир хонадоннинг тинчлигини саклай билсак, марра—бизники. Жуда оддий, аммо энг улуғ вазифа аслида шу ўзи.

\* \* \*

...Агар мендан Президент, давлат раҳбари сифатида юрагингиздаги энг катта, эзгу ниятинг нима деб сўралса — Аллоҳ таолога минг шукроналар айтиб, эл-юритимизга тинчлик-осойишталик сўрардим, ҳалқимизнинг ризқини, насибасини сўрардим, ҳар бир хонадонимизнинг тотувлигини, фарзандларимизнинг баҳтини илтижо қиласдир.

\* \* \*

Бу дунёда инсон ўз меҳнати, ақл-гайрати билан кўп нарсага эришиши мумкин. Бойликка ҳам, шон-шуҳратга ҳам, илмий, ижодий кашфиётларга ҳам, оила, севги баҳш этадиган баҳту саодатга ҳам. Фақат бунинг учун аввало инсоннинг уйида, маҳалла-куйида, юртида, қисқача айтганда, одамнинг кўнглида тинчлик-хотиржамлик ҳукм суриши керак.

## ЎЗБЕКИСТОН — КЕЛАЖАГИ БУОК ДАВЛАТ

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат. Бу мустақил, демократик, ҳукуқий давлатдир. Бу — инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъи назар фуқароларнинг ҳукуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир.

\* \* \*

Ўзбекистон халқи келажакка ишонч билан қарайди... Улуг келажак — олдинда.

\* \* \*

Ўзбекистоннинг келажаги буюклигига ишончим комил.

\* \* \*

Келажак бугундан бошлилади.

\* \* \*

...Мен шонли тарихига садоқат билан, бугунини қадрлаб, келажагига ишонч билан яшаётган халқимизнинг донишмандлиги ва матонатига, унинг мустаҳкам иймон-эътиқоди ва иродасига ишонаман.

\* \* \*

Бизнинг аждодларимиз ҳамиша узоқни кўзлаб яшаган. Миллат, Ватан, халқ истиқболи деган муқаддас тушунчалар ҳамма вақт қалбимизнинг тўридан жой олиб, ҳар биримизнинг ҳаётимизда, онгимизда чарх уриб туриши даркор.

\* \* \*

Фарзандларимиз, келажак авлодлар биздан шу ўлкани, шу муқаддас заминни яна ҳам бой, кучли ва қудратли ҳолатда қабул қилиб олишлари учун, биз буюк аждодларимизга нисбатан қандай миннатдорчилик туйғуларини ҳис этаётган бўлсак, ўғил-қизларимиз, келажак авлодлар ҳам бизга нисбатан шундай миннатдорчилик туйғуларини ҳис этишлари учун лозим бўлган ҳамма ишни қилиш — бизнинг фуқаролик бурчимиздир.

\* \* \*

Чинакам халқ бўлсак, чинакам миллат бўлсак, улкан, қудратли дарёга айланайлик, фарзандларимизга ўзгалар ҳавас қиласидиган озод ва обод Ватан қолдирайлик.

\* \* \*

Ватан учун жонини жабборга бериб ишлайдиган фидойи кишиларсиз Ўзбекистон келажагини тасаввур этиб бўлмайди.

\* \* \*

Мен Каъбатулло зиёратида улуг бир рамз кўрдим, Ўзбекистоннинг келажаги муқаррар тарзда порлок бўлишига имон келтирдим.

## МУНДАРИЖА

Сўз боши . . . . .	5
Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир . . . . .	8
Мустақиллик — муқаддас неъмат, улкан масъулият . . . . .	12
Жаҳонга буюк даҳоларни етказиб берган олтин бешик . . . . .	21
Ўзбек халқининг асосий хислат ва фазилатлари . . . . .	28
Бунёдкорлик — фаровон ҳаёт асоси. Сахий замин, саҳоватли одамлар . . . . .	35
Ҳаётимизнинг Асосий Қонуни . . . . .	37
Қонун устуворлиги ҳуқуқий давлат асосий тамойили . . . . .	40
Ҳуқуқий давлат қарор топишининг муҳим йўналиши . . . . .	42
Ижтимоӣ адолат — жамиятимиз мезони . . . . .	44
Маънавият — жамият тараққиётининг муҳим омили . . . . .	46
Бозор иқтисодиёти ва маънавият . . . . .	50
Миллий ғоя ва миллий мағфура . . . . .	51
Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда . . . . .	60
Савоб ва эзгуликнинг боқийлиги хусусида . . . . .	63
Шарқона ва умумбашарий қадриялар . . . . .	66
Халқа, инсонга меҳр-муҳаббат — олижаноб фазилат . . . . .	67
Инсон баҳт учун туғилади . . . . .	72
Миллий гурӯр ва фахр-иғтихор . . . . .	75
Тарих миллатнинг ҳақиқий тарбиячиси, миллий ўзликни англаш манбаидир . . . . .	77
Ирода ва иймон — эътиқодимиз синови . . . . .	81
Раҳбар — фидойи инсон . . . . .	82
Оила — жамият негизи . . . . .	96
Ҳаётимиз чироги, умримиз гули . . . . .	98
Ёшлар — эртанги ҳаётимиз . . . . .	100
Фарзандлари соғлом юрт қудратлидир . . . . .	109
Илм-фан, таълим-тарбия — мамлакат куч-қудрати ва истикболи асоси . . . . .	112
Хушёрлик ва огоҳликка давлат . . . . .	118
Юрт тинчлиги ва осойишталиги — бебаҳо бойлик . . . . .	121
Ўзбекистон — келажаги буюк давлат . . . . .	125

## **Инсон баҳт учун туғилади**

**Ўзбекистон Президенти  
Ислом Каримовнинг  
ҳикматли сўзларидан**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти  
Тошкент—2001**

**Нашр учун масъул *И. Шоймардонов*.  
Бадиий муҳаррир *М. Самойлов*.  
Техник муҳаррир *Д. Габдрахмонова*,  
Мусаҳҳиҳ *Ж. Тошрова*.**

Теришга берилди 15.01.2001. Босишга рухсат этилди 29.03.2001.  
Бичими 84Х108<sup>1/32</sup>. Таймс гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма  
табоби 6,72. Нашриёт-ҳисоб табоби 7,2. Адади 10000 нусха. Буюргма  
№ 1496. Баҳоси келишув асосида.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси босмахонаси,  
700083, Тошкент шаҳри. Буюк Турон кӯчаси, 41.**